



Д.М. Тешабаева, М.Н. Камалова

ЎУТҚ МАДАНИЯТИ



ДАРЛИК



“ЇҚТІСОДИЙОТ”

4 P(07)

T45

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Д.М. ТЕШАБАЕВА, М.Н. КАМАЛОВА

НУТҚ МАДАНИЯТИ

Дарслик

*Мазкур дарслик нофилологик ўқув юртларнинг
магистратура йўналиши учун мўлжалланган*

7444

ТОШКЕНТ– IQTISODIYOT – 2018

УЎК: 81'271

КБК: 81.2-5

Т 45

Тешабаева Д.М., Камалова М.Н. Нутқ маданияти. Дарслик. – Т.: IQTISODIYOT, 2018. -114 б.

Ушбу дарсликда нутқ маданияти ва нотиклик санъати фани ҳақида батафсил маълумот берилган. Замонавий нутқ маданиятининг меъёрий, коммуникатив, этик (нутқ одоби) ва риторик аспекти тўғрисида батафсил маълумот берилиб, магистрлар адабий тил меъёрлари, нутқ сифатлари, нутқий этикет формулалари ва нотиклик санъати ҳақида билимга эга бўлиш билан бирга касбий фаолиятда қўллай олиш маҳоратини эгаллайдилар.

Дарслик иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган магистрантлар, шунингдек, шу соҳа тингловчилари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир фил.ф.д., проф. Бакиева Гуландон Хисамовна

Такризчилар: фил.ф.д., проф. М.Хакимова,
фил.ф.н., доц. С. Султонсаидова

Тешабаева Д.М., Камалова М.Н. Культура речи. Учебник. –Т.: IQTISODIYOT, 2018. -114 с.

В данном учебнике даются подробные сведения о предметах культуры речи и ораторского искусства. В учебнике подробно описываются нормативные, коммуникативные, этические (речевой этикет) и риторические аспекты современной культуры речи. Также магистры закрепят знания в области норм литературного языка, качества речи, формул речевого этикета, получат знания по ораторскому искусству, выработают навыки его использования на практике.

Учебник предназначен для магистров, получающих экономическое образование, а также слушателей данного направления.

Ответственный редактор д.фил.н., проф. Бакиева Гуландон Хисамовна

Рецензенты: д.фил.н., проф. М.Хакимова,
к.фил.н., доц. С. Султонсаидова

Teshabaeva D.M., Kamalova M.N. A culture of speech. Textbook. –Т.: IQTISODIYOT, 2017. -114 p.

In this textbook given details about the subject on culture of speech. The textbook describes the normative, ethical (etiquette of speech) and rhetorical aspect of modern culture of speech. Master students gain basic knowledge of norms of literature language, speech quality, speech etiquette formulas and oral culture as well as use them in practice. The textbook is intended for masters who specialize on economics, as well as listeners of this sphere.

Editor in chief

prof. Bakieva Gulandon Xisamovna

Reviewers:

**prof. M. Khakimova,
dots. S. Sultonsaidova**

Ушбу дарслик 2017 йил 31 майда Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-986-99-2

УЎК: 81'271

КБК: 81.2-5

© IQTISODIYOT нашриёти, 2018.
© Д.М. Тешабаева, М.Н. Камалова, 2018.

МУҶДАРИҶА

		Бет
КИРИШ.....		4
I қисм.	“НУТҚ МАДАНИЯТИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА	
1-мавзу	ВАЗИФАЛАРИ.....	8
	Рим нотиклик санъати.....	8
2-мавзу	Нутқ маданиятининг меъёрий аспекти.....	24
3-мавзу	Нутқ маданиятининг меъёри ва қодалари.....	34
4-мавзу	Маданий нутқнинг коммуникатив аспекти. Нутқ сифатлари.....	42
5-мавзу	Нутқ маданиятининг этик аспекти.....	53
6-мавзу	Нутқнинг шакли ва услублари.....	62
7-мавзу	Расмий хизмат доирасида нутқ маданияти ва ахборий нутқ.....	67
II қисм.	НОТИҚЛИК НУТҚИЙ АМАЛИЁТ ВА МАДАНИЯТ КЎЗГУСИДА	
8-мавзу	Нотиклик санъати тарихи. Юнон ва Рим нотиклиги.....	81
9-мавзу	Марказий Осиёда воизлик санъати.....	92
10-мавзу	Нотиклик санъати ва риторика асослари.....	101
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....		110

ОГЛАВЛЕНИЕ

		Стр.
ВВЕДЕНИЕ.....		4
Раздел I.	Предмет, цели и задачи дисциплины “Культура речи”.....	8
Тема 1	Ораторское искусство Рима.....	8
Тема 2	Нормативный аспект культуры речи.....	24
Тема 3	Принципы и правила культуры речи.....	34
Тема 4	Коммуникативный аспект культуры речи.....	42
Тема 5	Этический аспект культуры речи.....	53
Тема 6	Формы и стили речи.....	62
Тема 7	Культура речи и информационная речь в официальной сфере.....	67
Раздел II.	Отражение ораторского мастерства в речевой практике и культуре.....	81
Тема 8	История ораторского искусства. Ораторства Греции и Рима.....	81
Тема 9	Искусство проповеди в Центральной Азии.....	92
Тема 10	Ораторское искусство и основы риторики.....	101
СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....		110

CONTENTS

		Page
FOREWORD.....		4
Part I.		8
Theme 1	Introduction. The Subject, aim and tasks of the Subject “Speech culture” ...	
Theme 2	The standart aspect of “Speech culture”.....	24
Theme 3	Standart fnd rules of “Speech culture”.....	34
Theme 4	Standards and rules of “Speech culture”.....	42
Theme 5	The ethical aspect of “Speech culture”.....	53
Theme 6	The form and methods of speech.....	62
Theme 7	Speech culture and informational speech.....	67
Part II.	ORATORY IN THE SPEECH OF PRACTICFL AND CULTURAL REFLECTION.....	81
Theme 8	The history of oratorical art. Oratory of Greece and Rome.....	81
Theme 9	Preaching art in Central Asia.....	92
Theme 10	Oratory rhetoric bases.....	101
LITERATURE.....		110

КИРИШ

*“Ўз фикрини мутлақо мустақилона тилида
равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган
мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисиди
ўтирганларни бугун тушуниш ҳам,
оқлаш ҳам қийин.
И.А. Каримов*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларда ижтимоий эҳтиёжга мос нутқ ва мулоқот маданиятини юксалтириш юксак маънавий ва юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлашнинг муҳим шартларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида келтирилган қуйидаги фикрлари бунинг ёрқин исботидир: “Биз авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз зарур.

Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланилиши даражасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиздир”¹.

Шу боисдан уларни адабий оғзаки ва ёзма нутқ меъёрлари билан таништириш, бу меъёр ва қоидалардан амалий фойдалана билиш малакасини ошириш, фикр маҳсулини нутқ шароити ва вазиятига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри ва раван, таъсирчан ифодалаш кўникмаларини ривожлантириш ҳозирги кунда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Нутқ маданиятини эгаллаш, айниқса, тилдан маҳорат билан фойдалана олиш, биринчи навбатда, айнан бўлажак мутахассислар учун ўта муҳим.

“Нутқ маданияти” фани иқтисодиёт йўналишидаги магистрантларни ўз мутахассислик фанлари билан бир каторда иқтисод тили ва услуби, иқтисодий терминология, иш юритиш ва ҳужжатчилик тўғрисида мукамал билимга эга бўлишлари, ўз фикрини иқтисод соҳасига қўйиладиган талаблар асосида аниқ ва равшан ифода эта олишлари ва шунга кўра бўлажак иқтисодчилар давлат тили – ўзбек тили адабий тил меъёрларини мукамал, аниқ ва равшан эгаллашлари шарт. Магистрантлар тилнинг ўзига хос хусусиятларини, адабий тил меъёрлари ва уларга касбий жараёнда амал қилиш билан боғлиқ жараёнларни, тил ва нутқнинг ижтимоий функцияларини ўрганишади. Шунинг

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 87-б.

учун дарсликда иқтисодий соҳага оид тил кўникмаларига алоҳида урғу берилди.

Бўлажак иқтисодчилар тилининг ўзига хос хусусиятларидан пухта хабардор бўлмоғи лозим. Ўз ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда магистрантлар Ўзбекистон иқтисодини юксалтиришга, уни жаҳонда муносиб ўрин эгаллашига ҳисса қўшади, чет мамлакатларда ва юртимизда давлатимиз манфаатини ҳимоя қилади, куч-қудратини намойиш этади.

Мазкур дарслик магистрантларга *нутқ маданияти аспектларини, нотиклик санъати ва риторика асосларини* ўргатади.

И.А. Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида: “Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади”², – дея таъкидлайди.

Тил – инсонлар ўртасидаги мулоқотнинг энг муҳим воситаси, фикр ва ҳиссиётларни ифодалаш, янги маълумотлар, билимларни ўзлаштиришнинг асосий механизми. Бошқалар онги ва ҳиссиётларига самарали таъсир кўрсатиш учун мазкур тил соҳиби уни яхши билиши, нутқ маданиятини эгаллаган бўлиши лозим.

“Тил”, “нутқ” ва “маданият” тушунчаларининг ҳар бири жамият ва тил таракқиёти давомида ўзаро узлуксиз таъсирлар натижасида “*тил маданияти*” ва “*нутқ маданияти*” деб аталган янги тушунчаларнинг, янги илм соҳаларининг юзага келишига сабаб бўлди.

Қадимги алломалар замонида нутқий маданият уларнинг илмий-маърифий фаолияти бетакрор илҳомланиш, кўтаринкилик, сўз сеҳри билан йўғрилган бўлса, ҳозирда, аксинча, нутқ маданияти асосан *тўғрилиқ, аниқлик* каби қатъий талабларни кўяди. Нутқ маданиятида уч асосий жиҳат – *меъёрийлик, коммуникативлик ва ахлоқийлик* белгилари оммавий мулоқотнинг зарурий хусусиятлари бўлиб, уларнинг барчаси тилнинг сайқалланиш ва ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Нутқ маданиятининг меъёрий аспекти, адабий тилнинг меъёрларини билиш ҳамда лексик даражада (сўзнинг аниқ танланиши), сўзлашиш даражасида (фонетика, орфоэпия, мазмун ва ҳиссиётларга оид интонациялар, нутқ суръати, товуш оҳанги), грамматик жиҳатдан (морфология ва синтаксисда), морфемали ва сўз яшаш даражаларида уларни мулоқот амалиётида ишлатишни тақозо этади.

Нутқ маданиятининг коммуникатив аспекти, нутқни ўқувчи ёки эшитувчи томонидан тўла ва мувофиқ равишда англаб олиниши учун, мулоқот амалиётида нутқнинг коммуникатив мувофиқлик шартларига амал қилишни тақозо этади, бу эса ўз навбатида, тўғрилиқ, аниқлик, мантикийлик, ифодалилик, тозалик, таъсирчанлик, ўринлилик, тушунарлилик каби сифатлар билан тавсифланади.

Нутқ одоби – бу функционал-семантик универсалия бўлса-да, нутқий этикетнинг амалга оширилиши муайян минтақа ёки жамиятнинг нутқий

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 83-б.

хулқига хос хусусиятлар, мулоқот қоидалари, анъана ва урф-одатларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак.

Ўқитиш жараёнида мавзуларга оид турли кўргазмали қуроқлар, слайдлар, чоп этилган манбалар, тарқатма материаллардан фойдаланилади.

“Нутқ маданияти” фани маъруза ва амалий машғулотлардан иборат.

Магистрантларнинг билимларини аниқлаш учун 1 марта оралик ва якуний назорат ўтказилади.

Дарсликда нутқ маданияти ва нотиклик санъатига доир батафсил маълумот берилади. Шунингдек, замонавий нутқ маданияти аспекти: меъёрий, коммуникатив ва этик (нутқ одоби) батафсил ёритилган бўлиб, магистрантлар адабий тил меъёрлари нотиклик санъати, яъни риторика асослари ҳақида билимга эга бўладилар.

Мазкур курс доирасида ўзлаштирилган билимлар нутқ маданияти ва нотиклик санъатига доир тушунча ва тасаввурларни умумлаштириш билан бирга нутқнинг тўғрилиги ҳақида муайян кўникмага эга бўлишга кўмаклашади.

Фанни ўқитишдан кўзланган мақсад ва вазифалар

Фанни ўқитишнинг асосий мақсади магистрларда юксак даражадаги нутқ маданиятини, мулоқот одобини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Фанни ўқитишнинг вазифалари нутқ маданияти, адабий тил меъёрлари, нутқ сифатлари ва мулоқот маданиятига доир қарашлар, тил ва нутқ меъёри қоидалари билан таништириш, маданий нутқ кўникмасини ҳосил қилиш, малакаларини ривожлантириш ва нотиклик санъати ҳақида билиш ҳамда малакага эга бўлиш қабиларни ўз ичига олади.

Фан бўйича талабалар билими, малака ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

“Нутқ маданияти” фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистр:

- нутқ маданияти шахснинг умуммаданий савиясини белгиловчи фазилатлардан асосийси эканлигини *аниқлаш зарур*;
- нутқнинг шакллари ва хусусиятларини билиш;
- нутқ маданиятини, адабий тил ҳақидаги қонунларнинг ўрнини *билиш зарур*;
- маданий нутқнинг талаффуз, лексик, морфологик, синтактик, имловий, пунктуацион, услубий меъёрларини пухта *билиш ва фойдалана олиш зарур*;
- нутқнинг тўғрилиги ва аниқлигини таъминлаш, уни мантиқий асосда туза билиш ва мантиқий хатоликларни аниқлай олиш;
- нутқнинг софлиги, жўялилиги ва ифодавийлигига эришиш;
- нутқни бойитиб бориш усулларини билиш;
- нутқ одоби (этикет) ва мулоқот маданияти ҳақида билимга эга бўлиш;
- иктисодиёт мутахассислиги тили бўйича тегишли билимларни билиш;
- иктисодиётга оид тушунча, сўз ва атама(термин)ларни ўз ўрнида ва тўғри қўллаш олишлари;

- касбий мулоқотда ахборий нутқ хусусиятларини билиш ва ўз соҳасига доир ҳужжатларни мукамал тузиш малакасини ҳосил қилиш;
- нотиклик санъати тарихи ва риторика бўйича билимга эга бўлиш;
- муаммоли вазиятлардан нутқий малака асосида чиқа олиш;
- риторик стратегия ва тактикани уйғун ташкил эта олиш *кўникмаларига эга бўлиши лозим.*

Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

“Нутқ маданияти” умумметодологик фан ҳисобланиб, 3- семестрда ўқитилади. “Нутқ маданияти” дастуридаги билим ва кўникмаларни эгаллаш “Ёзув техникаси ва оғзаки нутқ”, “Психология”, “Мантик”, “Этика”, “Эстетика” ва “Маданиятшунослик”, “Риторика” фанлари бўйича ўрганиладиган билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

Фаннинг амалиётдаги ўрни

Касбий фаолиятда нутқ маданияти ҳақидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиш, ўрганиш ҳозирда долзарб бўлиб бормоқда. Магистрларда нутқ маданияти бўйича умумий назарий ва амалий билимларни ошириш, соҳавий нутқий маданиятни ривожлантириш, уларнинг рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишларида, жамиятда ўз профессионал ўрнини топишларида, жамиятнинг иқтисодий, маданий салоҳиятини оширишда, фаннинг тегишли соҳаси ёки ижтимоий ҳаётнинг бирор жабҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли мазкур фанга алоҳида талаблар қўйилади. Зеро, ҳар қандай бўлажак касбий соҳа эгалари бу фанга доир тилга оид билим, малака ва кўникмаларни ўз фаолиятида қўллайди.

1 қисм.

1-мавзу. “НУТҚ МАДАНИЯТИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. РИМ НОТИҚЛИК САНЪАТИ

1. “Маданият”, “тил”, “нутқ” тушунчалари талқини ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик.
2. Қомусий асарларда нутқ маданияти талқини.
3. Нутқ маданияти тушунчаси.
4. Нутқ шакллари ва турлари: оғзаки ва ёзма: ички ва ташқи нутқ хусусиятлари.
5. Нутқ маданиятининг замонавий концепцияси.

“Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади”.

И.А. Каримов

Учта муҳим тушунча ватан, тил ва маданият – буларсиз тараққий этган мамлакатда яшовчи халқ бирлигини тасаввур қилиб бўлмайди.

“Нутқ маданияти” фанининг мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги қонуни, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва миллий дастурда илгари сурилган ғояларҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Нутқ маданиятининг равнақига ҳисса қўшаётган ўзбек тилшунос олими Низомиддин Маҳмудовнинг қуйидаги фикрлари малакали мутахассис кадрларни тайёрлашда нутқ маданияти фанининг қанчалар муҳимлигини белгилайди: “Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ҳар қандай мутахассис, замон билан ҳамқадам ҳар қандай кадр, энг аввало, ўз она тилининг садоқатли соҳиби бўлмоғи лозим. Она тилининг чинакам соҳиби бўлмоқнинг бош шарти эса унинг туганмас имкониятларини мукамал эгаллаш, яъни фикрни мустақил, раво, гўзал ва лўнда ифода эта олмақдан иборат нутқий маданият малакаларини шакллантиришдан иборат. Зотан, нутқ маданияти тилдан бемалол ва мақсадга ўта мувофиқ тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган кўникма, малака ва билимларнинг жами демакдир”³.

Маълумки, ҳар бир соҳа мутахассислари учун нутқий фаолиятда тилдан фойдаланиш жараёни жуда мураккабдир. Улар касбий фаолиятда нутқий мулоқотга киришиши керак бўлади. Бунинг учун эса улардан ўз она тили луғат бойлигини тўла эгаллашлари, улардан эркин ва саводли фойдалана билишлари, тўғри нутқ қуриш ва ифода этишлари талаб қилинади.

³Маҳмудов Н. Тил. –Т.: “Ёзувчи” нашриёти, 1990.

Нутк маданияти нуткнинг **тўғрилиги** демакдир. Нутк маданияти услубий жиҳатдан силлиқликни, яъни кенг маънода нуткий таъсирчанлик, ижодий ёрқинлик, ўткирлик ва ифодалилиқни билдиради.

Маданият сўзи лотинча культура сўзидан олинган бўлиб, инсоният жамиятининг ижтимоий, маънавий ва ишлаб чиқаришдаги ҳаёти ютуқларининг муайян даражасини билдиради.

Ҳозирда *маданият* тушунчасини аниқловчи юзлаб таърифлар мавжуд бўлиб, улар ичида бири-бирига қарама-қарши бўлганлари (маданиятни меъёр ва стандартлар ўзгариши ҳолати, инсоннинг жамиятга мослашиши ва ижтимоий инерцияни енгиш, тўпланган тажриба ва шахснинг ўзини-ўзи камол топтириш сифатидаги таърифлар) ҳам бор.

Маданият ижтимоий ҳодиса сифатида муайян кишилар жамоаси томонидан тўпланган ва тўпланиб келинаётган моддий-маънавий кадриятлар мажмуи, жамоа ижтимоий фаоллиги маҳсули бўлиб, алоҳида шахснинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Муайян шахсий маданият (иқтисодий, гуманитар, бошқарув ва жамият, иқтисодиёт, ҳаётнинг соғлом тарзи, ижтимоий бошқарув шарт-шароитининг бирон соҳасига мувофиқ равишда, инсоннинг билим олиш ва амалий фаолиятида намоён бўлади.

Бошқа тарафдан олиб қаралганда, муайян шахсий маданият, шахс маданиятининг негизи системасидаги таркибий тузилма ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у ўзини шахсда – касбий ижод ва ижтимоий коммуникацияда, шахснинг ўзини-ўзи шакллантириш ва камол топтиришида намоён этади.

Маданиятли бўлиш – *амал қила олиш* демакдир. Маданиятлилик ҳаётга нисбатан *пассив* мослашишдир. Маданий изланишнинг юксалиши *ташқаридагини* ўзига қабул қила оладиган, лекин ўзига хослиги билан қаршилик кўрсатадиган *ўзининг* дунёсини яратиш демакдир.

Азалдан нутк маданияти инсоннинг умумий маданияти тарбиясида асосий омил бўлиб хизмат қилиб келган. Антик даврдан буён тўғри ва соф нутк – тўғри ижтимоий хулқ-атвор белгиси, юқори даражадаги фуқаро онглилиги намунаси сифатида кадрлаб келинган. Қадимий давр кишиларида нутк маданияти ва тилни эгаллашнинг кўринишлари табиий ҳолда ўз-ўзидан, яъни стихияли тарзда яшаган ва ривожланган.

Қадимдан нутк маданияти кўринишлари кўпроқ тил одоби (нутк одоби) тарзида намоён бўлган ва тилни эгаллаш, умуман, тилдан, нутк воситаларидан тўғри фойдаланиш, тилга муносабат ва ҳурмат, асосан, ахлокий меъёрлар орқали бошқарилиб турилган. Бундай ахлоқ-одоб қоидалари, уларнинг асосий кўриниши ва талабларини халқ оғзаки ижодида ва қадимий ёзма ёдгорликларида учратиш мумкин.

Улуғ алломаларимиз Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий каби нуткнинг инсонҳаётидаги ўрни ҳақида кўплаб фикрни юритишган. Масалан, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида “Эрдам боши тил”, яъни одобнинг боши тил дейилган мақол

келтирилган⁴. Ушбу мақолда инсоннинг маданияти ва одоби тилда намоён бўлади деган маъно бор.

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур нутқий ифоданинг аниқлиги ва ростлигини юксак қадрлаган, бошқалардан ҳам талаб қилган. Амир Темур араб олими Ибн Халдунга Ўрта Ер денгизининг жанубий қирғоғидаги ерлар ҳақида ёзиб беришни топширганда ҳам: “Шундай ёзгинки, мен ўқиганда ўша жойларни ўз кўзим билан кўргандай бўлай”, – деб тайинлаган⁵.

“Авесто”да тил, нутқ, нутқ одоби, тилга муносабат, тилни улуғлашга оид фикрлар ҳам мавжуд. Унда жуда кўп жойда такрор айтилишича, ўша давр дини ва маънавияти асосини эътиқод, эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал тушунчалари ташкил қилган⁶. Келтирилган эзгу сўз тушунчаси халқ учун фойдали бўлган фикрни ифодалаган, уни нутқ одоби ва маданиятига амал қилган нутқ ҳамда кишиларга манфаат келтирувчи ва таъсир этувчи, қолаверса, уларни тарбияловчи восита, сўз деб тушунмоқ керак. Бу фикрни баъзи ўринларда эзгу сўз ўрнида эзгу калом, эзгу фикр, муқаддас сўз қабила ифодалашади ҳам кўриш мумкин.

Маҳмуд Қошғарий талкин қилишича, тил сўзи ўша даврда қуйидаги маъноларда қўлланилган: 1) тил – сўз (калом); 2) тил – сўз, лугат; 3) тил – душман ҳақида маълумот олиш учун тутиб келинадиган асар. Шунингдек, сўз, нутқ маъносида сав сўзи ҳам бўлган. Маҳмуд Қошғарий турк(туркий)ларни бошқа бир ўринда мадҳ қилар экан, уларга хос қуйидаги фазилатларни қайд қилади: “*Туркларда кўркамлик, ёқимлилиқ, одоблилиқ, сўзнинг устидан чиқишлиқ, дадиллик, камтарлик каби мақташга сазовор сифатлар сонун саноксиздир*”⁷.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ўз асарининг қисмларидан бирида тилнинг аҳамияти ҳақида сўзлайди. Унинг фикрича, тил кишини илм-маърифатга, эъзоз ва ҳурматга эриштиради:

*Ўқувга, билимга тилмоч – бу тил,
Кишини рўшноликка чиқарган равон тил деб билгин.
Кишини тил эъзозлайди, киши (у туфайли) бахтга эришади,
Кишини тил қадрсиз қилади, эр бошини ёртади.*

Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, тил кўнгилдагини изҳор қилади, у киши фикрининг ифодачисидир:

*Тил сўз киши кўнглини билиш учун белги эди,
Кўнгул тил ола (яъни бошқа) бўлди, кимга ишонайин.* Демак, тил билан

дил бир бўлиши лозим:

*Элиг айтди: Кўргин, тўғриларнинг
Тили, дили билан сўзи бир бўлади.
Дил (ва) тилни яратди, дил (эса) сўз учундир,
Сўзи эгри бўлса, у киши ночор кулди.*

⁴ Маҳмуд Қошғарий. Девони лугатит турк. I том. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1960. 335-б.

⁵ Қар.: Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Т., 2009. 8-б.

⁶ Авесто. Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. 56-57-б.

⁷ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Фан, 1971.

Абу Али ибн Синонинг ўқитувчининг нутқи, унинг қисқа, аниқ, ортиқча сўзлардан холи, тингловчининг ёши, ақлий даражасига мос бўлиши юзасидан айтган фикрлари Беруний мулоҳазалари билан ҳамоҳангдир. Ибн Синонинг фикрича, инсон тили шунчаки мулоқот қилишдан иборат бўлмасдан, балки мулоқот эгаларига муайян ахлоқий ва эстетик таъсир этишни ҳам кўзда тутди. Шу сабабли Ибн Сино: “Киши нутқининг кучи шундаки, у бошқа кишиларга ҳам таъсир қила олади”, – деб ёзган⁸.

Ибн Сино нутқ маданияти, нутқнинг сифатига хос белгиларидан ташқари нутқ техникаси, нотик амал қилиши лозим бўлган баъзи талаблар ҳақида ҳам фикр юритган. Масалан, нутқий фаолиятда овоздан ўринли фойдаланиш юзасидан шундай маслаҳат берган: *“Овозни йўқотмаслик, нафас олиш органини шидан чиқармаслик учун, аввало, ўқишни наст овоз билан бошлаб, кейинчалик аста-секин кучайтириш, лекин кучли овоз билан ўқиш ҳам узоқ давом этмаслиги керак”*⁹.

Абу Райҳон Берунийнинг бебаҳо асарлари саҳифасида сўз, унинг аҳамияти, сўзни тўғри қўллаш ва сўз қўллаш меъёрлари, тилдаги ўзлашма сўзлар ва бевосита нутқ маданияти ва тил эстетикасига алоқадор бўлган мулоҳазалар ҳам мавжуд. Берунийнинг ёзишича, тилнинг тарихий таракқиёти даврида тил луғат таркибида *“...ўша тилда фақатгина оз киши фаҳмлайдиган бир мунча бегона сўзлар пайдо бўлади ва улар тушунарсиз бўлгани учун бундай сўзларга салбий муносабатда бўлади”*. Берунийнинг таъкидлашича, *“Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар”*.

Абу Райҳон Беруний фикрича, тилнинг асосий вазифаси кишиларнинг ўзаро мулоқотини таъминлашдир: *“Тил – сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир”*¹⁰.

Алишер Навоий тил сўзи билан баравар арабча *лисон*, калом, калима, *лафз*, *алфоз*, форсча *сухан*, *забон*, сўзларини ҳам кўплаб ишлатган.

Алишер Навоий тил сўзини олти хил маънода қўллайди:

1. Инсонлар ўзаро фикр алмашадиган, мулоқот қиладиган қурол, восита маъносида.

2. Оғзаки айтилган ёки ёзилган нутқ, матн маъносида.

3. Ёзилган асар, асосан, бадий асар, кўпроқ назм, шеърят маъносида.

4. Ҳайвонлар тили (масалан, куш тили) маъносида.

5. Нутқий жараён, конкрет жонли тил маъносида.

6. Бирор элат, қабила, халқнинг алоқа қуроли маъносида (туркий тил, форсий тил, араб лисони, улус тили каби). Навоийнинг ёзишича, инсон тили фикрлаш, тафаккур билан боғлиқдир.

Буни Навоийнинг қуйидаги сатрларидан англаш мумкин:

1. Тилни одам, жамоа, халқ ҳосил қилади, юзага келтиради:

Маъдани инсон гуҳари сўз дурур,

Гулшани одам самари сўз дурур.

⁸Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. 52-б.

⁹Ўша китоб.

¹⁰Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар. – Т.: Ёш гвардия, 1973. 22-б.

2. Тилнинг юзага чиқиши, унинг мазмуни шунчаки оддий жараён эмас, уни инсон тафаккури, фикрлаши, эҳтиёжи ҳосил қилади. *“Тил мунча шарафбила нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур”*.

3. Тил – ифода воситаси, унинг ёрдамида тушунчалар ифодаланиб, грамматик қоидалар асосида нутқ тузилади, рўёбга чиқади:

Навоийнинг фикрича, тил оддий сўзлашув тили ва бадиий тил шаклларига эга. У, асосан, кўп ўринларда сўз, тил, лафз, лисон, калом, сухан ва бошқалар ҳақида гапирганда бадиий тилни кўзда тутди.

Навоий асарларида тил турли иборалар, бирликлар таркибида келиб, хилма-хил маъноларни ифодалайди. Чунончи: тил ранжи, тил оғриғи, туркий тил, турк лафзи, тил ҳифзи, тил забти, улус тили, эл тили, ўз тили ва бошқалар. Унинг келтиришича, сўз:

1) фикр;

2) мулоҳаза маъносида.

Маълумки, гап фикр ифодалайди. Навоий “Муҳокаматул-луғатайн” асарида сўзни бир неча ўринларда фикр маъносида қўллаган: *“сўзни узотмоқ ҳожат эмас ва калом татвилини маъни аҳли мустаҳсан демас”*.

Сўз ва саркардалиқ илмининг беназир билимдони бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур нутқнинг содда, равон ва аниқ бўлишига, нутқий малаканинг юқори бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор берган. Бобур ўз фарзандларининг ҳам адиб ва арбоб сифатидаги камолини кўзлаб, уларнинг нутқ санъатини эгаллашини, ўта саводли иншога эга бўлишини энг жиддий вазифадеб ҳисоблаган.

Арабларда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) замонидан бошлаб тилга эътибор, нутқ маҳоратини эгаллашга даъват кучайган. Халифа Абдумалик нотиклик санъатини етарли даражада билмаган, араб тили гўзаллигини намоён эта олмаган киши ҳокимиятни бошқариши мумкин эмаслигини таъкидлаган. Шунинг учун ўғли Валидни ҳам бир неча марта классик араб тилида тўғри гапира олмаганлиги туфайли қўйган. Шундай қилиб, жамиятда ва фанда қатта нуфузга эга бўлиш учун ҳар бир шахс ўз тилининг бой имкониятларини тўла эгаллаши ва уни амалий қўллай олиши шарт қилиб қўйилган¹¹.

Кўриб турганимиздек, қадимдан ҳар қандай халқларнинг онгида тил биринчи ўринда туради. Инсон турмуш тарзини тилсиз тасаввур этиб бўлмайди, нутқ тилнинг ҳаракатдаги ифодаси бўлиб, агар нутқ муваффақиятли бўлмаса, бажарилаётган иш ҳам самара бермайди.

Тил одамлар учун мулоқот ва янги ахборотни ўзлаштириш воситаси, фикр ва туйғуларнинг ифода қуроли. Ундан самарали фойдаланиш, одамлар онги ва қалбига таъсир ўткази олиш учун эса тил эгаси ўз миллий маданиятининг узвий давоми бўлмиш нутқ маданиятига эга бўлиши зарур.

¹¹ Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Т., 2009. 8-б.

Маълумки, тил тилсимининг қудратини теран тасаввур этиши ва бу қудратни тугал ишига солиши учун мунтазам маҳорат ва малака талаб қиладиган нарса тилнинг ўз моҳиятида мавжуд. Тил моҳиятан битмас-туганмас, чексиз чегарасиз ифода имкониятларининг жамидир.

Н. Маҳмудов

Тил асосида инсон ички дунёсининг ўзига хос шаклда рамзлашуви содир бўлади. Шунинг учун ҳам тил маънавийва моддий ишлаб чиқариш жараёни, ижтимоий муносабатларга боғлиқ. Модомики, нутқ, юқорида таъкидлаганимиздек, аввало, инсоннинг ўз фикрини тўғри, аниқ, тушунарли қилиб ифодалай олиш қобилияти билан боғлиқ экан, у ҳолда нотик тўғри фикрлаш қонун-қоидаларидан хабардор бўлиши керак.

Тил – жамият маҳсули. У инсонни болалигидан тарбиялаб келаётган ва фикрлашга чорлаётган лингвистик системани ўзида ифода этади. Ушбу системада одамлар муайян воқеа ва нарсаларни ўз сўзлаш қобилияти ва ўз жамиятининг меъёрларига қараб англаб оладилар.

Тил кишиларнинг жамиятдаги муносабатлари ҳамда маънавий ва моддий ишлаб чиқариш жараёнлари билан ўзаро боғлиқ, шу билан бирга, нисбатан мустақилдир. Тилнинг ўзига хос хусусиятларидан бири тил бирликларининг муайян қисмларга: гаплар, сўз бирикмалари, сўзлар, морфема ва шунга ўхшашларга бўлинишидир.

“Тил билан нутқ ўзаро боғлиқдир. Тил бир пайтнинг ўзида нутқнинг асосий воситаси ва материали ҳисобланади” (Ф. де Соссюр).

Тилнинг биринчи маърифий аҳамияти шундан иборатки, тил туфайли жамият аъзоларининг ҳар бирида ҳосил бўлган билим оммалашиб, унинг кўпчилик томонидан ривожланишига имкон тугилади. Ундан ташқари тил туфайли билим авлоддан-авлодга ёзма ёки оғзаки тарзда қолдирилади. Бунинг билан яна тараққиёт таъминланади.

А. Рустамов

Ҳар бир тил яшаш шароити, ижтимоий ва маданий муҳитига қараб, ҳар хил гуруҳлар, ҳар хил тил системасига эга бўлиши мумкин. Ҳар бир тил турли дунёкарашни ифода этади. Тиллар бир-биридан қанчалик фарқланса, дунёкарашлар ҳам шунчалик ранг-баранг бўлади.

Тил жамиятга нисбатан олиб қараганда, ўзига хос функцияни бажаради ва бу нутқ фаолиятида ўз аксини топади. Булар:

1. *коммуникатив функция;*
2. *фикрни ифодалаш функцияси;*
3. *сўзловчининг ички ҳолатини ифодалаш функцияси ёки экспрессив функция;*
4. *тил воситалари орқали гўзаллик яратиш функцияси ёки эстетик функциядир.*

Тилнинг эстетик вазифаси, албатта, нутқнинг таъсирчанлиги, ифодалилиги, гўзаллигини таъминлашда фавқулодда муҳим аҳамиятга моликдир.

Тилнинг луғат бойлигини етарли даражада билмасдан туриб маданий нутқ тузиш мумкин эмас.

Тил воситаларидан нутқ фаолиятида фойдаланишда жамият томонидан ўрнатилган муайян *ижтимоий*, аниқроғи, маърифий ва маданий *меъёрларга* риоя қилиш талаб этилади. Улардан чекиниш тил эгалари томонидан ҳар доим ҳам маъқулланавермаган.

Меъёр бор жойда доимо *маданият* бўлган. Тил ва нутқдаги меъёрийлик тил назарияси ва амалиётида *лисоний маданият*, тўғрироғи, *тил* ва *нутқ маданияти* деб аталган.

Тил маданияти тилнинг лексик, синтактик, семантик сатҳларининг ифодалилиги, турфа ўзгарувчанлиги қай даражада ривожланган ва бой эканлигини кўрсатса, *нутқ маданияти* нутқий мулоқот асосида борлик ва шахс ҳақидаги ахборотни юзага келтириш, уни тил системаси белгилари орқали ифодалаш ва етказишда қўлланувчи усул сифатида намоён бўлади.

“Ёшларнинг адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда сўзлашиши, нафақат уларнинг ўқимишлилигидан дарак беради, балки айна вақтда ақли ва маданиятлилигини ҳам кўрсатади. Шунинг учун ёшлар ҳамма вақт нутқ маданияти ва нутқ одобиغا қатъий риоя қилган ҳолда сўзлашга ҳаракат қилишлари лозим. Талаффуз этилган ҳар бир товуш, сўз, ибора, аниқ ва равон жаранглаши керак. Ёшларнинг нотик бўлиши шарт эмасдир (балки), лекин фақат фикрини, тушунчаларини тўғри, аниқ иборалар билан ифода қилишлари зарур, чунки она тилимизнинг софлигини сақлаш ҳар бир ёш авлоднинг шарафли бурчидир”.

А. Маматов

“Тил – бу бутун жамиятга тегишли бирлик, ушбу бирликни нутқ шахсий ва интересубъектив мақсадда ишлатади ҳамда шу йўл билан унга янгича ва ўзига хос кўриниш беради. Тил – бу ҳамма учун умумий бўлган система, нутқ эса бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот етказувчи, ҳам ҳаракат воситаси. Шу маънода нутқ шакллари, гарчи улар тилнинг ичида ва унинг ёрдамида шакллансалар-да, ҳар сафар ноёбдир”¹². Нутқ тилнинг ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда воқеликка айланган фикрдир.

Нутқнинг вазифаси онг-хотира-тафаккурнинг уйғунликдаги фаолияти маҳсулини барча учун тушунарли, адабий-меъёрий шаклга киритиш уни моддийлаштириш (ахборотга айлантириш) ва тингловчига етказишдан иборат.

Тилнинг нутққа кўчирилиш жараёнида тил тизими белгилари ситегматик қатордан жой олади ва натижада нутқ бирликлари шаклланади. Бундай бирликлар жумласига гап, мураккаб синтактик қурилмалар, абзац, микромаатн киради.

¹² Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М., 1974. С. 118.

Тилнинг қўлланилишида сўз ҳам, гап ҳам асосий бирлик бўла олмайди. Бунда матн асосий бирлик саналади. Матн ижодий тафаккур маҳсулидир. Тил матннинг онаси, чунки матн тилдан яралади. Матн лисоний имкониятлардан фойдаланувчи шахснинг сўз бойлиги, нуткий кўникмалар ҳосиласи, тафаккурий эврилишлар зурриётидир.

Маълумки, нутқ кишиларнинг улар ўртасидаги мулоқотни таъминлашга қаратилган фаолият тури бўлиб, ўзида фикрни адабий тил қоидаларига мувофиқ тўғри, эркин, аниқ, мантиқан изчил ва таъсирли баён қилишнинг ўзига хос усулини акс эттиради. Бошқача айтганда, нутқ кишиларнинг бир-бирларига ўз фикрини тўғри, аниқ, тўлақонли, мақсадли, етарли даражада таъсирчан қилиб етказа олиш қобилиятидир. Тўғри, ҳар бир инсон ўзининг фаолият тури, дунёқараши, ҳаёт тажрибасига мос равишда ўзида муайян нуткий кўникмаларни шакллантира олади ва уларга баҳолар ҳам турлича бўлиши мумкин.

Нутқ маданияти мазмунини талқин этишни барча эзгуликлар даражасида ўрнатиб бўла оладиган тўғри гапиришни ҳам ўз ичига олган улкан мазмунни ўзлаштириш билан бирга ўрганамиз.

Миллий жамият, умуминсоний кадрият ва миллий ўзлик идрокнинг барқарорлиги, миллий онг ва тафаккур, миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга теран муҳаббат ва истиклолга адоқсиз садоқат каби маънавий камолотнинг ўзагини тайин этувчи тушунчаларни она тилидан айро ҳолда тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Нутқ маданияти жамият маданий-маърифий тараққиётининг, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир.

Ҳар қандай жамоа, у хоҳ оила, хоҳ дўстлар, хоҳ қўшнилар, хоҳ мактабдош ёки курсдошлар бўлсин, ўзига хос ва мос бирор-бир моддий ёки маънавий кадриятни яратади. Бундай жамоаларга хос маданият турини фанда *субмаданият* деб аташ одат бўлган. Миллий маданият билан унга мансуб шахс орасида ўзаро кучли боғлиқлик мавжуд. Уларнинг ҳеч бири бошқасисиз мавжуд бўла олмайди. Маданият шахсни муайян жамият ҳаётига мослашишга ўргатади. У бу доирадан чиқиб кета олмайди ва унинг меъёрлари билан яшайди. Шу боис ҳам ҳар бир миллат тили ўша миллат маданиятининг бир қисми ҳисобланади. Маданиятнинг ўзи эса *нутқ маданияти* ва *жамиятнинг тилга муносабати* билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Матн – монологик ёки диалогик нутқнинг, танланган тил бирликларининг бир сарлавҳа остида гуруҳланиши, бир тизимга туширилиши, нутқ қобилият ҳосиласи, индивидуал нутқнинг адабий тил меъёрлари моддийлаштирилади.

Нутқ – мустақил *фаолият*, у орқали тил ўзлигини тўлиқ намоён этади. *Нутқ* – *мулоқот*, унда жамиятнинг муайян қатламга тегишли *маданияти* ҳам қандайдир даражада ўз аксини топади.

Модомики, нутқ, юқорида таъкидлаганимиздек, аввало, инсоннинг ўз фикрини тўғри, аниқ, тушунарли қилиб ифодалай олиш қобилияти билан боғлиқ экан, уҳолда нотик тўғри фикрлаш қонун-қоидаларидан хабардор бўлиши керак.

“Нутқ” тушунчаси учун инсон нутқ фаолиятининг таърифи катта аҳамиятга эга, чунки ушбу фаолият жараёнида тил системаси шаклланиб, ҳаракатга келади. Нутқ сўзловчи ақл-заковати ва иродасининг шахсий ҳаракати сифатида, бир томондан, ўз фикрини билдириш мақсадида, сўзловчи томонидан тил кодининг ишлатилиши билан амалга оширилаётган усулларни, иккинчи томондан эса уларни объективлаштиришга ёрдам қиладиган психофизик жараёнларни тақозо этади.

Нутқ маданиятидаги бош масала, айтиб ўтилганидай, тилдан мақсадга мувофиқ фойдаланишдир, демак, тилни қўллашнинг реал ижтимоий жараёнларини таҳлил қилиш бу соҳанинг муҳим йўналишларидан биридир. Тил маданияти нафақат филологик, балки социологик муаммо ҳамдир: у бугунги дунёдаги коммуникациянинг бениҳоя хилма-хил кўринишлари билан бевосита ёки билвосита боғлиқдир.

Нутқ фаолиятиодам томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш ва авлодларга бериш ёки коммуникация ўрнатиш, ўз ҳаракатларини режалаштириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёнидир. Нутқ фаолияти алоқа жараёнининг ўзидир.

Нутқ фаолиятининг қуйидаги турлари фарқланади: **фаол ва пассив нутқ**. *Сўзловчининг нутқи фаол нутқ. Тингловчининг нутқи пассив нутқ ҳисобланади.* Нутқ ички, ташқи нутққа бўлинади.

Артикуляцион аппарат орқали вужудга келувчи, вербал¹³ ҳолатларда акс этувчи, ўзгаларга йўналтирилган, ҳар хил хусусиятли вазиятларда намоён бўлувчи нутқ турига *ташқи нутқ* деб аталади. Тилнинг барча қоидалари ва қонуниятлари унда мужассамлашган бўлиб, узатиш ва қабул қилиш, идрок этиш ва тушунишдан иборат муомала қуроли, воситаси вазифасини ижро этади. Нутқ темпи, тембри, ритмикаси ва частотаси мавжудлиги учун ахборотларни тинглаш ва идрок қилиш енгилроқ кечади.

Ташқи нутқ ёзма ва оғзаки нутққа, оғзаки нутқ эса **монолог** ва **диалогик** нутққа бўлинади. Монолог бир кишининг ўзига ёки бошқаларга қаратилган нутқдир. Бу ўқитувчининг баёни, ўқувчининг тўлароқ жавоби, маъруза ва бошқалардир. Монологик нутқ маълум қийинчиликларга эга. Монологда гапираётган киши фикрнинг аниқлигига, грамматик қоидаларнинг сақланишига, логика ва айтилаётган фикрларнинг изчиллигига эътибор бериши керак. Ташқи нутқ сўзловчининг ташқи нутқидир. Унда тил имкониятлари ҳақиқатга айланади. Сўзловчининг нутқ мазмунини етказишга кўмаклашувчи турли хил ҳаракатлари ёрдамида баён этиладиган монолог драмматик монолог дейилади.

Нутқнинг **ички нутқ** деб аталган тури нутқ фаолиятининг алоҳида тури ҳисобланади. Ички нутқ амалий ва назарий фаолиятни режалаштириш фазаси сифатида намоён бўлади. Биз сўзни чала-ярим айтишимиз биланок тушунаверамиз. Ички нутқ айрим оғзаки нутқ актларидан юксакроқ, хусусан, ихтиёрийлик даражаси анча юксакроқ бўлган оғзаки нутқдан юксакроқ содир

¹³Вербал - лисоний.

бўлиши мумкин. Нутқнинг ички нутқ деб аталган тури нутқ фаолиятининг алоҳида тури ҳисобланади. Ички нутқ амалий ва назарий фаолиятни режалаштириш фазаси сифатида намоён бўлади. Биз сўзни чала-ярим айтишимиз биланок тушунаверамиз. Ички нутқ айрим оғзаки нутқ актларидан юксакрок, хусусан, ихтиёрийлик даражаси анча юксакрок бўлган оғзаки нутқдан юксакрок содир бўлиши мумкин. Ички нутқ бадий адабиётда қўлланивчи услубий усуллардан биридир. Бу усул юз берган аниқ воқеаларни, уларнинг таъсирида қахрамон ички кечинмаларида пайдо бўлган фикрлар сифатида баён этиш имкониятини беради. Ички монолог сўзловчининг ички нутқидир.

Ёзма нутқ монологик нутқнинг турларидан бири бўлиб, ёзма нутқ монологик нутққа нисбатан батафсилроқдир. Ёзма нутқ туфайли кишилар тўплаган тажрибани авлоддан-авлодга энг яхши тарзда етказиш имконияти бор. Ёзма нутқ пиктографиядан минглаб сўзлар бир неча ўнлаб ҳарфлар ёрдамида ифода этилаётган ҳозирги замон ёзувига қадар ривожланди. Кўпинча бир нарсани ёзиб қўйиш бу уни англаб олиш ва эслаб қолиш демакдир.

Диалогик нутққа нисбатан монологик нутқ кечроқ шаклланади. Икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасидаги нутқ диалог дейилади. Диалогик нутқда баён қилинаётган фикр кўп жиҳатдан ундан олдинги фикрга боғлиқ бўлади. Диалогик нутқда суҳбатдошларга маълум бўлган айрим сўзлар тушириб қолдирилади. Шунинг учун ёзиб олинган диалог бошқаларга унчалик тушунарли бўлмаслиги мумкин. Диалогик нутқда ҳар хил турдаги шаблонлар, яъни одатланиб қолган сўз бирикмаси кўп учрайди (қойил, марҳамат қилиб айтинг-чи). Диалог нутқ шаклларида бири бўлиб, унда ҳар бир фикр тўғридан-тўғри суҳбатдошга қаратилган бўлади. Диалогик нутқнинг синтактик қурилиши монологик нутққа қараганда содда тузилади. Диалог фикрларнинг қисқалиги билан ажралиб туради. Унда суҳбатни давом эттириш учун энг зарур нарсаларгина ифодаланади. Воқеалар кенг изоҳланмайди. Шу жиҳатдан ҳам диалог монологдан фарқ қилади. Диалог, сўроқ, буйруқ ва дарак гаплардан ташкил топади.

Полилог. Иккидан ортиқ иштирокчиларнинг нутқидан тузилган суҳбат полилогдир. Полилог ҳамма тил хусусиятлари жиҳатидан диалогнинг ўзидир. Фақат унда суҳбатдошларнинг сони кўпроқ бўлади. Сўзловчи ўртага ташлаган муаммога бирдан ортиқ иштирокчи ўз фикрларини билдириши мумкин. Полилог ҳамма тил хусусиятлари жиҳатидан диалогнинг ўзидир. Фақат унда суҳбатдошларнинг сони кўпроқ бўлади. Сўзловчи ўртага ташланган муаммога бирдан ортиқ иштирокчи ўз фикрини билдириши мумкин.

Монолог бир кишининг ўзига ёки бошқаларга қаратилган нутқдир. Бу ўқитувчининг баёни, ўқувчининг тўлароқ жавоби, маъруза ва бошқалардир. Монологик нутқ маълум қийинчиликларга эга. Монологда гапираётган киши фикрларнинг аниқлигига, грамматик қоидаларнинг сақланишига, логика ва айтилаётган фикрларнинг изчиллигига эътибор бериши керак.

Монологик нутқда сўзловчи ўзига маълум бўлган воқеа-ходисалар, ўз ички кечинмалари ҳақида маълумот беради. Монологик нутқ тингловчиларни суҳбатга фаол аралашувга ундамайди: уларда айтилганларга жавоб талаб қилинмайди. Синтактик жихатдан монологик нутқ мураккаб тузилган бўлиб, кенг камровлидир. Монологик нутқ ўз хусусиятларига қараб бир неча кўринишда бўлиши мумкин: ички ва ташқи монолог. Ташқи монологнинг драматик монолог, лирик монолог, хабар монологи каби турлари бор.

Тил, нутқ ва маданият инсонсиз мавжуд бўлмаганидек, уларсиз инсоннинг ўзини ҳам тасаввур этиш мумкин эмас.

Тўғри нутқ лисоний ва нолисоний омилларни ўз ичига оладиган мураккаб жараён бўлиб, у *мантиқшунослик, руҳшунослик, педагогика, этика, эстетика* масалалари билан боғлиқ. Аммо нутқ учун тилнинг биринчи ўринда туришини ҳеч ким инкор этмайди. Тил маданиятдан ташқарида мавжуд бўла олмайди.

Шахснинг нутқ маданияти қандай таърифланади ва тавсифланади? Бу саволга жавоб топиш учун, энг аввало, “нутқ маданияти” тушунчасини аниқлаштириб олишимиз керак.

Азалдан нутқ маданияти инсоннинг умумий маданияти тарбиясида асосий омил бўлиб хизмат қилиб келган. Антик даврдан буён тўғри ва соф нутқ тўғри ижтимоий хулқ-атвор белгиси, юқори даражадаги фуқаро онглилиги намунаси сифатида кадрлаб келинган.

“Нутқ маданияти” тушунчаси кўп маъноли ва кўп қирралидир. Нутқ маданиятининг энг муҳим вазифаларидан бири адабий тилни, унинг меъёрларини асраб-аввайлашдир. Шунини таъкидлаш жоизки, бундай иш миллий аҳамият касб этади. Чунки адабий тил шундай воситаки, у тил жихатидан миллатни бирлаштиради.

“Тил маданияти” ва “нутқ маданияти” тушунчаларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. “Нутқ маданияти” аниқ маънода тил бирликларини нутқ жараёнида қўллашнинг меъёри мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ҳам умумий маънода маълум миллатнинг маданияти доирасига қаралади.

Э.Бегматов нутқ маданиятини инсон маданиятининг бир қисми сифатида эътироф этади: “Киши ўз нутқи орқали фикрлаш қобилиятини, дунёқарашини, атрофдаги воқеа-ходисаларга бўлган ўз муносабатини намоён қилади”¹⁴.

Тил маданияти тилнинг меъёрлашганлик даражасини, унинг луғат таркиби, грамматик, семантик, стилистик жихатлардан ривожланганлик, бойлик даражасини, ифода имкониятларининг кўламдорлигини билдиради. Нутқ маданияти эса тилдан бемалол, мақсадга ўта мувофиқ ва таъсирчан бир тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган кўникма, малака ва билимларнинг жами демакдир. Бошқача айтганда, нутқ маданияти тилда потенциал мавжуд бўлган хилма-хил ифода шаклларида фикр учун энг уйғунларини танлай билиш ва шу асосда мукамал нутқ туза олиш маҳоратидир.

Тил фикр ифодалаш, дунёни билиш, билим-тажрибаларни тўплаш, сақлаш ва кейинги авлодларга етказиш, миллий-руҳий муносабатларни акс

¹⁴ Ўша асар, 13-б.

эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби бир қанча вазифаларни бажаради.

Лингвистик маънода нутқ маданияти икки даражага эга:

а) нутқ тўғрилиги, яъни сўзловчи томонидан замонавий адабий тилнинг меъёрларига риоя этилиши;

б) нутқ маҳорати – нутқнинг ўринли бўлиши, аниқлиги, қисқалиги, тозаллиги ва маънодорлиги.

Шахс маданий-нутқий танловининг асосида лексик, фразеологик, грамматик синонимика туради. Бир фикр сўзлар, сўз шакллари, сўз бирикмалари ва гапларнинг ҳар хил танланиши ва жойлашиши орқали ифодаланиши мумкин.

“Нутқ маданияти – бу сўзлаш маҳорати, яхши гапириш, нутқ воситаларидан мақсадга мувофиқ ва унумли фойдаланиш санъатидир” (А.И.Ефимов). Баъзи бир тилшунос олимлар нутқ маданияти тушунчасига талаффуз маданиятини, луғат маданияти, грамматик шакллар ва нутқ синтаксиси маданияти ҳамда нутқнинг стилистик маданиятини киритишади. Нутқ маданиятига улар нутқ ҳақидаги классик таълимотлар – риторика ва стилистика томонидан қарайдилар.

“Нутқ маданияти – бу тил воситаларини шундай танлаш ва ташкил этишки, бу мулоқот вазиятида замонавий тил меъёрларига ва мулоқот одобига риоя қилиш, шахсга ўз олдига қўйган коммуникатив масалаларни ҳал қилишда юқори самарага эришиш имконини беради” (Л.К. Граудина).

Нутқ маданияти инсон маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Билимдон, тарбияли, маърифатли киши мулоқот жараёнида нутқдан юқори даражада фойдалана олишини кўрсата олади. Инсоннинг умумий маданий савияси қанчалик паст бўлса, унинг нутқ маданияти ҳам шу даражада бўлади.

Ўзбек тили дунёдаги қадимий ва ривожланган тиллардан бири сифатида бениҳоя бой лексик хазинага эга. Бу хазинадаги сўзларнинг баъзилари энг қадимги даврлардан бери яшаб келаётган бўлса, баъзилари нисбатан кейинроқ пайдо бўлган, яна айримларининг маъно микдори ортган, бошқаларида эса бу микдор камайган.

Нутқ маданиятининг замонавий концепцияси. 1991 йилга келиб жаҳон тилшунослигида нутқ маданияти турлари ҳақида янги назария яратилди. У янгича ёндашув ва қарашлар билан бойитилди. Ундаги таснифлашнинг асосий қоидаларига кўра, миллий тилнинг ҳар бир ижтимоий-функционал турига нутқ маданиятининг муайян тури мувофиқ келади. Тадқиқотчилар томонидан замонавий нутқ маданиятининг тўртта тури аниқланган: 1) элитар маданият (ёки соф адабий тил); 2) анъанавий-профессионал (арго); 3) учинчи маданият (оддий сўзлашув); 4) халқ маданияти (шева, лаҳжалар)¹⁵.

¹⁵ Толстой Н.И. Язык и культура (некоторые проблемы славянской этнолингвистики). «Русский язык и современность. Проблемы и перспективы развития русистики. Ч. I. – М., 1991. С. 5-22.

Адабий тил доирасида ўртача адабий маданиятдан ташқари яна *адабий сўзлашув* ва *оддий сўзлашув* маданияти ҳам бор. Улар ўртасидаги фарк қўлланиш чегаралари билан белгиланади.

Сўзловчининг маданияти унинг *лисоний диди* билан белгиланади. Тил воситаларини вазиятга қараб турлича қўллаш муқаррар равишда лисоний меъёр тушунчаси билан боғланган. Умуман, меъёр маданият ва тил сингари тарихий бўлиб, ижтимоий муносабатлар ўзгариши билан у ҳам ўзгаради. Шунинг учун ҳам нутқ маданияти фақат нутқнинг тўғрилиги, *меъёрийлигини* эмас, балки яна *коммуникативлик, ахлоқийлик ва маҳоратлилик* принципларини ҳам ўз ичига олади. Уларнинг амалиётда татбиқ этилишига қараб нутқ маданияти икки хил шаклда намоён бўлади: *нутқ тўғри* бўлибгина қолмай, *маҳоратли* ҳам бўлиши мумкин.

Нутқ маданиятига “коммуникатив мукамалликлар мажмуи ва системаси” сифатида қараш мумкин ва уни “коммуникатив сифатлар системаси мажмуи ҳақидаги таълимот” деб ҳисобласак бўлади. Нутқ маданиятидаги энг асосий хусусиятлардан бўлган *коммуникативлик* ўз аксини топади.

Рус тилшунос олими В.Головин мазкур таълимотни ривожлантириб, *нутқ маданиятининг* уч хил, яъни *субъектли, объектли ва гносеологик* маъноларини кашф этди.

Субъектли маъно – бу нутқ муаллифига мулоқотни оптимал даражада қуриш учун жумлаларни қийналмай тузишга ёрдам берувчи *билим, малака ва кўникмалар йиғиндиси*.

Объектли маъно эсанутқ *хусусияти* ва *сифатлари* мажмуини ташкил қилади.

Гносеология билан боғлиқлик *нутқнинг коммуникатив сифатлари системаси ҳақидаги фан соҳаси* кўринишида намоён бўлади.

Нутқ маданияти икки даражага эга: нутқ тўғрилиги, яъни сўзловчи томонидан замонавий адабий тилнинг меъёрларига риоя этилиши ва нутқ маҳорати – нутқнинг ўринли бўлиши, аниқлиги, қисқалиги, тозаллиги ва маънодорлиги. Шахс маданий-нутқий танловининг асосида лексик, фразеологик, грамматик синонимика туради. Бир фикр сўзлар, сўз шакллари, сўз бирикмалари ва гапларнинг ҳар хил танланиши ва жойлашиши орқали ифодаланиши мумкин.

Нутқ маданияти умумий маънода сўзларни ўз ўрнида тўғри ишлата олиш, жумлаларни грамматик жиҳатдан тўғри туза билиш, тўғри талаффуз қилиш, ортикчаликдан қочиш, фикрни лўнда, ихчам усулда ифода этиш, сўзлардаги таъсирчанлик, жозибадорлик, сўзлардан мохирона фойдалана олиш усуллари нутқ маданияти воситалари саналади.

Ҳар қандай нутқ сўзлар ёрдамида вужудга келар экан, бу ҳолат сўзловчидан тилнинг луғавий, грамматик томонларини яхши билишини талаб этади. Чунки бундай ҳолат жумлаларнинг равонлигини, фикрнинг мазмундорлигини таъминлайди.

Нутқ маданияти амалий жиҳатдан хилма-хил муаммоларни тадқиқ қилувчи фан бўлиб, чиройли нутқ тузишнинг қонуниятлари, сирлари, тил, тил меъёрлари, нутқ сифатлари, нутқий услублар, нутқда учраши мумкин бўлган камчилик ва хатолар, талаффузга доир муаммолар юзасидан баҳс юритилади.

Нутқ маданиятининг асосий вазифаси тилдан мақсадли ва моҳирона фойдаланиш демакдир. Демак, тилни қўллаш жараёнида ижтимоий жараёнларни ҳисобга олиш даркор.

Нутқ маданияти санъат сифатида қарайдиган бўлсак, сўзлаш маҳорати соҳаси, яхши гапириш, нутқ воситаларидан мақсадга мувофиқ ва унумли фойдаланиш санъатидир.

“Нутқ маданияти бу – тил воситаларини шундай танлаш ва ташкил этишки, бу мулоқот вазиятида замонавий тил меъёрларига ва мулоқот одобиغا риоя қилиш, шахсга ўз олдига қўйган коммуникатив масалаларни ҳал қилишда юқори самарага эришиш имконини беради” (Граудина Л.К. Культура русской речи).

Ушбу таърифда нутқ маданиятининг яна бир муҳим жиҳати – ахлоқийлик принципи ҳам очиқ берилган. Коммуникация вазиятида нутқ фаолиятига нисбатан меъёрийлик ва коммуникативлик конкретлаштирилади. Аслида бу нутқ одоби тарзида намоён бўлади.

Тилни бошқа маданий бойликлар сингари кадрлаш, унинг бетакрор ва гўзал намуналарини келгуси авлодларга етказиш, уни янгича ҳаётий мазмун ва маъно билан бойитиш, халқ тилини адабий тил шаклида доимо саклаш ва шунга интилиш ҳам қулай, ҳам фойдали, ҳам маънавий-маданий аҳамиятга эга эканлиги ҳақиқат. Бу фақат халқнинг тилинигина эмас, балки тил эгаларининг асл ижтимоий қиёфаси, мавқеини саклаб қолиш, адабий тилнинг ўзини ҳам қотиб қолган ҳолда эмас, кенг камровли мулоқотлар, динамик кўринишда – адабий нутқ сифатида намоён бўлиш имконини беради. Халқ ўз она тили ва унинг олий намунаси бўлмиш адабий шакли орқали миллий ўзлигини намоёиш этишга ҳамда инсон табиатига хос ва ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайдиган мукамалликка интилиши унинг лисоний фаолияти микёсида нутқ маданияти тарзида намоён бўлади.

Ҳозирда нутқ маданиятининг замонавий концепцияси меъёрий, этик, коммуникатив ва риторик аспектларни ўз ичига олади. Баъзи адабиётларда уларнинг тўрт аспекти (меъёрий, этик, коммуникатив, риторик) кўрсатилган.

Нутқ маданиятининг меъёрий аспекти адабий тилнинг меъёрларини билиш ҳамда лексик жиҳатдан (сўзнинг аниқ танланиши); сўзлашиш даражасида (фонетика, орфоэпия, мазмун ва ҳиссиётларга оид интонация, нутқ тезлиги, товуш оҳанги соҳасида); грамматик (морфология ва синтаксисда); морфемали ва сўз ясаш жиҳатдан уларни мулоқот амалиётида ишлатишни тақозо этади.

Нутқ маданиятининг этик жиҳати, мулоқот жараёнида нутқий хулқ-атвор қоидава меъёрларига риоя қилишни, мулоқотнинг сўзлаш формулалари тизимини билишни талаб этади.

Нутқ маданиятининг кейинги–коммуникатив жиҳати эшитувчи томонидан тўла англаб олиниши учун мулоқот амалиётида нутқнинг коммуникатив мувофиқлик шартларига амал қилишини тақозо этади. Бу эса ўз навбатида, тўғрилиқ, аниқлик, мантикийлик, ифодалилиқ, тозаллик, бойлик, таъсирчанлик, ўринлилиқ, тушунарлилиқ каби сифатлар билан ўлчанади.

Шундай қилиб, нутқ маданиятини замонавий шароитда шакллантириш кишини тарбиялаётган институтлардан ҳам, кишининг ўзидан ҳам алоҳида ҳаракатни талаб қилади. Бу амалий масалани ечишда, уни фақатгина илмий асосда ишлаб чиқиш муваффақият келтириши мумкин.

Нутқ маданияти ахборотни узатиш мақсадида амалга ошириладиган коммуникация усулида ҳам ўз ифодасини топади. Шу билан бирга, ушбу ахборот узатиш, шахснинг табиий фазилати ва унинг шаклланишини ҳисобга олган ҳолда, тилнинг тарихий жиҳатдан ташкил топган системаси асосида амалга оширилади.

Калит сўзлар: маданият, тил, тафаккур, нутқ, концепция, тил маданияти, нутқ маданияти, инсон маданияти, меъёр, нутқ сифатлари, нутқ одоби, саводхонлик, хато, нутқий ҳодиса.

Такрорлаш учун саволлар

1. Нутқ маданияти фанининг мақсад ва вазифалари нималар иборат?
2. Қайси алломалар ўз қомусий асарларида нутқ маданияти ҳақида фикр юритганлар?
3. Тилнинг қандай функциялари мавжуд?
4. Нутқ маданиятига таъриф беринг.
5. Адабий меъёр нима ва нимага асосланади?
6. Нутқ маданиятининг замонавий концепциясига таъриф беринг.

ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ

“Нутқ маданияти фани биз учун жуда зарур!” мавзуси бўйича фикрингизни баён этинг.

Ф–

С–

М–

У–

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 87-бет.
2. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Т., 2009. 8-бет.
3. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993. 9-бет.
4. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: EXTREMUM PRESS, 2010. 134-бет.
5. Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар. – Т.: Ёш гвардия, 1973. 22-бет.
6. Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Т. 52-бет.
7. Гаврвнек Б. Задачи литературного языка и его культура. //Пражский лингвистический кружок. – М., 1967. С. 339.

8. Гольдин В.Е. Речь и этикет. – М.: Просвещение, 1983. -109 с.
9. Головин Б.Н. Основы культуры речи. – М., 1988. С. 19-20.
10. Горбачевич К.С. Изменение норм русского литературного языка.– Л., 1971. С. 270.
11. Махмуд Қошғарий. Девони луғатит-турк. I том. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1960. 335-бет.
12. Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. 56-57-бет.
13. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Фан, 1971.

2-мавзу. НУТҚ МАДАНИЯТИНИНГ МЕЪЁРИЙ АСПЕКТИ

1. Адабий тил ҳодисаси.
2. Адабий тилнинг ривожланиш қонуниятлари.
3. Меъёр ва тўғрилиқ бир-бири билан боғлиқ тушунчалар эканлиги.
4. Умумий ва хусусий меъёр тушунчаси.

“Тил бениҳоя муқаддас ва муътабар неъмат, у одам деган мавжудотни шакллантирган, қавмлар ўлароқ бирлаштирган, тараққиёт босқичларига олиб чиққан, руҳий такомилга бошлаган, тафаккур гулшанининг дарвозаларини очган бемисл бир робитадир. Шунинг учун ҳам тилга нописандлик инсониятнинг ўзлигига нописандлик демакдир”.

Н.Маҳмудов

Нутқ жараёнида сўзлардан моҳирлик билан фойдалана олиш нутқ сўзловчидан катта маҳоратни талаб этади. Сўзнинг миқдорида қўлланилиши ҳам нутқнинг услубий мезони ҳисобланади. Сўзни танлаш ва қўллашда адабий тил меъёрларига амал қилиш асосий мезон ҳисобланади. Ҳар қандай нутқ, аввало адабий тил меъёрларига мослиги билан гўзалдир. Адабий тил меъёри фақат адабий тилда қўлланадиган сўзларни нутқда ишлатиш билан чегараланмайди, балки нутқнинг грамматик жиҳатдан адабий тил меъёрлари талаби даражасида бўлгандагина фикрнинг мазмундорлиги таъминланади.

Тил дейилганда маълум бир жамиятнинг барча аъзолари учун аввалдан (олдинги авлодлар томонидан) тайёр ҳолга келтириб қўйилган, ҳамма учун умумий, яъни қабул қилиниши ва қўлланиши мажбурий, фикрни шакллантириш, ифодалаш ва бошқа мақсадлар учун хизмат этадиган бирликлар ҳамда бу бирликларнинг ўзаро бирикиши ва боғланишини белгиловчи қонун-қоидалар йиғиндиси тушунилади.

Тил инсонлар ўртасида алоқа воситаси бўлиши билан бирга ахборот, хабар беришдан ташқари тингловчига маълум таъсир ўтказиш вазифасини бажаради.

Нутқ тилнинг намоён бўлиши, рўёбга чиқиш, вокеланиш шакли бўлиб, у бевосита кузатишда берилган.

Меъёр – тил бирликларини нутқнинг у ёки бу кўринишида ишлатиш қонуниятлари ва имкониятлари бўлиб, улар жамият томонидан белгиланади ва аниқланади.

Тил ва нутқ тизимида меъёр ҳам ўз ўрнига эга. Бинобарин, тил материал сифатида нутқ жараёнида хизмат қила бошлаган лаҳзалардан окуни меъёрлаштириш жамоа, жамият эҳтиёжига айланган, меъёрий муаммолар кун тартибига қўйилган.

Меъёр таърифида “жамият томонидан белгиланган, аниқланган қонуниятлар ва имқониятлар” тушунчаси мавжуд.


Тилнинг истеъмолчиси бўлган халқ яшаган ва яшаб келаётган тарихий шароит, унинг маиший, маънавий-маърифий турмуши, ижтимоий-фалсафий ва эстетик дунёқараши, урф-одатлари сингари қатор омилларни ҳам эътиборда сақлаб туриш лозим бўлади.

Шу билан бирга турли хил ходисаларини, унинг меъёрий жиҳатларини тадқиқ этишда ана шу хилнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олмаслик асло мумкин бўлмайди.

Англашиладики, тил меъёрини белгилаш муаммоларини ҳал қилиш ҳар бир миллий тил маданиятини ривожлантиришнинг узвий қисмига айланади.

Тил элементларининг маълум бир меъёрга келтирилиши, бир томондан, тил мутахассислари тарафидан бошқариб борилса, иккинчи томондан, табиий равишда ҳам юз беради.

Табиийки, жамият тараққиёти билан баб-баравар тил, жумладан ўзбек тили ҳам ривожланиб, мукаммаллашиб, илмий жиҳатдан ўрганилиб борилди. Натижада унинг барча тармоқларида меъёрий томонлар анчагина барқарорлашди.



Маълумки, адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Агар тилимизнинг, адабийлик даражасига кўтарилгунга қадар умумхалқ, умуммиллий кўринишда бўлганлигини инобатга олсак, адабий тилимизнинг оғзаки шаклини англаш бирмунча осонлашади.

Ўзбек миллий тили доирасида оғзаки шаклнинг қамрови кенг. Бу доира таснифнинг “жонли халқ тили”, “оддий сўзлашув тили” ёки “жаргонлар тили”, “диалектлар тили” тарзида майдалаштирилиб юборилганлигини инобатга олмаган ҳолда ҳам бу фикр тўғри бўлиб чиқади.

Тилимизнинг меъёри бузилишидаги асосий камчилик худди ана шу оғзаки кўринишда кўп содир бўлади ва уларни бартараф этиш ҳам қийин кечади.

Тилдаги меъёрий ҳолатларни белгилашда, тилнинг адабийлик даражасини таъминлашда илмий асосланган имлова талаффуз қоидаларининг мавжуд бўлиши, улар ваколатли ташкилотлар томонидан расмийлаштирилиб, маълум маънода тил истеъмолчилари учун мажбурий бўлиши, қонуний ҳужжат ҳолига келтирилишининг аҳамияти катта, албатта.

Аммо тил истеъмолчиларининг ҳаммасида ҳам ана шу қонун-қоидалардан етарли даражада хабардор бўлиш имкони бўлавермайди. Улар тил меъёрини асосан эшитиш ва кўриш натижасида ўзлаштирадилар ҳамда шу асосда гапириб ва ёзиб кетаверадилар. Бунда тилдан фойдаланувчининг, айниқса, ёш пайтидаги, тилни энди ўзлаштира бошлаган чоғларидаги оила куршовининг, атроф муҳит, таълим ватарбия манбаларининг аҳамияти катта бўлади. Шунинг учун ҳам кўпчилигимиз шевачилик иллатларидан қутула олмаймиз, айримларимизнинг саводхонлигимиз ўзига яраша бўлади. Аслида бу жараён инсоннинг бутун умрида давом этиши мумкин.

Сўзлаш қобилияти тушунчаси остида маълум бир жамиятга мансуб шахснинг шу жамиятга мансуб тилдан огоҳлиги, унинг имкониятларидан фойдалана олиш кўникмаси ва даражаси англашилади. Нутқ эса юқорида таърифланган тилнинг тил қобилияти асосида айрим шахс томонидан маълум бир коммуникация (ахборот алмашиш) мақсади учун ишга солиниш ёки қўлланиш натижасидир.

“Кишилар атайлаб хато сўзламайдилар, балки бошқача гапиришга ўрганмаганликлари учун ҳам шундай сўзлайдилар”.

Г.В. Костомаров

Бир-бирини шартловчи, бир-бирига боғлиқ бўлган “тил-тил қобилияти-нутқ” занжирида фақат нутқкина ташқи (моддий) формада (оғзаки, ёзма, турлишартли белгилар воситасида) намоён бўлади ва бизнинг сезги аъзоларимиз томонидан кайд этилади (эшитилади, ёзилади, кўрилади, ўлчанади). Тил эса яширинички ҳамда идеал ходиса сифатида англонади, тасаввур этилади. Сўзлаш қобилияти тушунчаси остида маълум бир жамиятга мансуб шахснинг шу жамиятга мансуб тилдан огоҳлиги, унинг имкониятларидан фойдалана олиш кўникмаси ва даражаси англашилади. Нутқ эса юқорида таърифланган тилнинг тил қобилияти асосида айрим шахс томонидан маълум бир коммуникация (хабар бериш) мақсади учун ишга солиниш ёки қўлланиш натижасидир (Х. Неъматов, О. Бозоров).

Кишилардан нутқ маданиятини, яъни тўғри сўзлаш ва ёзишни талаб қилиш учун мана шундай сўзлаш ва ёзишга восита бўла оладиган қуролни белгилаш лозим бўлади. Бундай тил адабий тилдир. Адабий тилсиз нутқ маданиятини тасаввур қилиб бўлмайди (Р. Қўнғуров).

Адабий тил учта ходисани ўз ичига олади:

1. Адабий тилни онгли ишлатиш (меъёрлаш).
2. Адабий тилни ишланган, маданийлашган ҳолати.
3. Маданий-адабий тил меъёрларидаги баъзи бир ҳолатларни қайта ишлаш ва такомиллаштириш.

Меъёрийлик универсал фалсафий категориялардан ҳисобланади. У дунёнинг асосини ташкил қилади ва “тартибсизликлар тартиби” ёки “тартиблар тартибсизлиги” сифатида намоён бўлади. Борлиқдаги бундай *меъёрийлик* муайян даражада *онгимизда*, онгимиздаги эса *тилимизда*, тилимиздаги эса *нутқимизда*, коммуникатив фаолиятимизда ўз аксини топади.

Умуман олганда, *меъёр*, *меъёрийлик* инсонларнинг барча турдаги фаолиятига хос. Ҳар қандай лисоний ҳодиса меъёрийдир. Унинг тилда ҳам намоён бўлиши тил ва нутқни тартибга солиш, бунинг натижасида *маданиятли тил ва нутқнинг* шаклланишида етакчи омил бўлиб хизмат қилган.

Мулоқот чоғидаги меъёрийлик *нутқ маданияти* қонун-қоидаларига амал қилиш орқали намоён бўлади. *Нутқ* фаолиятидаги *меъёрийлик* адабий тил ва нутқ воситаларидан белгиланган лисоний қонун-қоидалар асосида ўринли фойдаланишни тақозо этади. Мулоқотнинг самарали бўлишига эришишда меъёрийликнинг ўзи етарли эмас. Бу ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқ маданиятининг асосий белгиларидан бўлмиш *коммуникативликнинг* мақсадига ҳам боғлиқ.

“Меъёр” сўзи арабчадан ўзлашган бўлиб, “қоида, даража, ўлчовли миқдор, андоза” каби маъноларни англатади, соф ўзбекчаси *ўлчов* дейилади. Меъёр ҳозирги замон тилшунослигининг мураккаб тушунчаларидан ҳисобланади.

С.И. Ожиговнинг фикрича, “меъёр ижтимоий жараёнда бирга мавжуд бўлган, бор бўлган, янги пайдо бўлган ёки ўтмишнинг кам ишлатиладиган тил унсурларини танлашнинг натижаси сифатида шаклланган, жамиятга хизмат қиладиган фойдали тил воситалари йиғиндисидир, кенг маънода бу унсурларни баҳолашдир”. Нутқ маданиятига бағишланган ишларда кўпинча нутқимизда учрайдиган камчиликлар ҳақида гап боради.

Меъёрийлик тил ёки нутққагина эмас, балки жамият ва ундаги барча нарсаларга хос эканлиги, унга нисбатан янгича бир ёндашувнинг, унинг *ижтимоий ҳодиса* эканлиги ҳақидаги нуктаи назарнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бундай мулоҳазалар уларга карама-қарши бўлган меъёрнинг *динамиклигини* – ўзгарувчанлигини эътироф этувчи янгича *нуктаи назарнинг* пайдо бўлишига олиб келди.

Меъёр намунали, тўғри нутқдир ва унинг негизида тил системаси яратилади. Ижтимоий ҳаётнинг бир кўриниши бўлмиш нутқ фаолияти туфайли тил ва меъёр ҳам тинимсиз ўзгариб боради. Айни пайтда система ва меъёрни ҳам сўзловчиларнинг нутқ фаолияти бошқаради.

Меъёр ва тўғрилик бир-бири билан боғлиқ тушунчалар, шулардан бирортаси, масалан, онгли меъёрийлик йўқ жойда нотўғри лисоний матн юзага келади.

Меъёр мавжудлигининг асосий шарти тил воситаларининг муайян қоидаларга солинганлигидир. Меъёрнинг биринчи маъноси меъёрий

грамматика ва луғатларга асос бўлиб хизмат қилса, иккинчи маъноси тил система сифатида нутққа зид қўйилиб, у кенгрок маънода тушунилади.

Меъёр ҳодисаси тилнинг барча яшаш шакллари учун хосдир. Умумтил бойлиги доирасида қараладиган диалектизмлар, шева унсурлари, жаргон ва арголар, касб-ҳунарга оид кўпгина сўзлар ўзбек халқининг ҳаммасига тушунарли бўлмаса ҳам, ўша шева ва лаҳжаларда, сўзлашувдаги кишилар ёки маълум ижтимоий гуруҳ учун тушунарлидир. Масалан, *дўпти*: Самарқандда *қалпоқ*, Хоразмда *такя*, Бухорода *каллапўш*, Фарғона ва Тошкентда *дўпти* дейиш шу лаҳжалар учун меъёр ҳисобланади.

Нутқни маданий кўринишда баён этиш учун зарур тил воситаларини *танлаш ва қўллаш кўникмаларини* ишлаб чиқиш, уларга нисбатан *онгли муносабатни шакллантириш*, бошқача қилиб айтганда, белгиланган ўлчов меъёрига риоя этиш талаб қилинади.

Нутқ маданиятининг асосий хусусиятларидан бўлмиш *меъёрийлик*, аввало, адабий тил микёсида намоён бўлади. Адабий тил ўзига хос меъёрий мезонлари билан миллий тилнинг бошқа кўринишларидан ажралиб туради, бироқ *меъёр ҳодисаси*, “*тилнинг барча яшаш шакли учун хосдир*”.

Меъёр адабий тилдагина эмас, ҳар қандай жаргон ва шевага ҳам хослигини илк бор Прага тилшунослик тўғараги олимлари таъкидлаб ўтган эди. “Тилда меъёрийлаштирилган, конунийлашган мажмуанинг борлиги, – деб ёзади Б. Гавранек, – ундан четлашилганда аниқ намоён бўлади, зеро, бундай ҳолатлар меъёрдан чекиниш, номеъёрийлик сифатида қабул қилинади”¹⁶. Шундай бўлса-да, меъёр хоҳ лексик, хоҳ стилистик, хоҳ грамматик бўлсин, адабий тилда кучли намоён бўлади. Унинг бузилиши хатоликни келтириб чиқаради. Бироқ айрим ҳолларда нутқда адабий сўзлар билан биргаликда адабий тилга хос бўлмаган бирликларнинг қўлланилиши унинг сифатига ҳеч қандай путур етказмаслиги ҳам мумкин.

Масалан, адабий тилдаги *ойи* сўзи шеваларда *эна, она, она, ая, бийи, бува* сингари вариантларига эга. Ёки *дўпти* лексемаси ҳам самарқандликлар учун *қалпоқ*, Хоразмда – *такя*, Бухорода – *каллапўш* дейилиши меъёрга айланган. Ҳозирда *пулни соққа*, ахмоқни *лох*, ўғирлаб кетишни – *ухлатиб кетиш* дейиш кўпинча ёшларга тушунарли ва уларнинг тилига хос сўзлардан бўлиб қолган. Шундай бўлса-да, луғатларда ушбу сўзларнинг адабий вариантларини қўллаш талаб қилади.

Адабий тилнинг ривожланиш конуниятларини, адабий тил меъёрларининг умумий ҳолатини, ундаги турғун ва нотурғун ҳодисаларни чуқуррок текширмай туриб, адабий тилнинг нутқ маданияти ҳақида гапириш, адабий-меъёрий тавсифлар бериш мумкин эмас.

Тил ижтимоий ҳодисадир. Тил ижтимоий бўлгандан кейин у ўзига оид бўлган халқнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳолда тараққий қилади – бойийди, сайқаллашади, имкониятлари доирасини кенгайтиради, жамиятда кадр топади.

¹⁶ Гавранек Б. Задачи литературного языка и его культура. //Пражский лингвистический кружок. –М., 1967. С. 339.

Адабий тил умумхалқтилининг яшаш шаклларида бири экан, у умумхалқтилининг шевалари билан маълум муносабатда бўлади. Шунинг учун ҳам баъзи тилшунослар меъёрни иккига бўлиб ўрганишни тавсия қиладилар:

1. Умумий меъёр.
2. Хусусий меъёр.

Умумий меъёр қардош тилларга нисбатан белгиланади. Ўзбеклар нутқининг қардош тиллардан ажратиш турувчи меъёрлар, ўзбек тилининг умумий меъёридир. Бу меъёрга жуда қаттиқ амал қилинади. Уни бузиш тил берган имкониятлардан четга чиқиш бўлади.

Умумий меъёр бир тилнинг бошқа тиллардан ажратувчи меъёрлар билан бирга тилнинг ички меъёрларини ҳам ўз ичига олади. Умумий меъёр хусусий меъёрдан таркиб топади.

Хусусий меъёр муайян нутқ шаклларида амал қиладиган меъёрлар бўлиб, у умумий меъёрнинг нутқий кўринишларидир.

Миллий тиллар таркиб топишида халқ шеваларининг ўрни борлигини унутмаслик керак. Буларнинг бири иккинчисини инкор этмайди. Ҳар бир халқнинг шеваси ўша халқнинг миллий тили, тақдири билан боғлиқ. Аслида ҳар бир халқнинг миллий адабий тилига шева асос бўлади. Бунда шу шевада сўзловчи аҳолининг миқдори эмас, балки бу тилнинг илғорлиги, етакчилиги, яшашга қобилиятлиги, истикболга эгаллиги олинади.

Барча назарий адабиётларда қайд этилишича, ўзбек миллий адабий тилнинг шаклланиши ва ташкил топишида Фарғона ва Тошкент шевалари етакчи ўрин тутган.

Барча адабий тиллар тарихида бўлгани каби ўзбек миллий тилининг майдонга келишида ҳам қуйидаги омиллар етакчилик ролини ўйнади:

1. Адабий тил саноат, техника, фан, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маданият ва ҳоказолар соҳасида инсониятнинг илғор қисми эришган тараққиётни ифодаловчи луғат бойлигига эга бўлиши керак.

2. Жамиятнинг талабига жавоб бера олувчи ёзувга эга бўлиш керак.

3. Адабий тилнинг нутқий услублари жамиятнинг узлуксиз ижтимоий ривожланиши талабларига жавоб бериши лозим.

4. Адабий тилнинг жамиятдаги ҳал қилувчи ўрни кучая бориши туфайли аста-секин маҳаллий шеваларни иккинчи ўринга сиқиб чиқариши, улардан устунлик қилиши лозим.

5. Адабий тил илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган ўз грамматикасига, дарслик ва қўлланмаларга, меъёрий қоидаларга, уларни яратувчи тегишли илмий муассасаларга эга бўлиши керак.

6. Миллат яхлит ҳудудга эга бўлиб, унда лисоний бирлик, ягоналик бўлиши керак¹⁷.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, шуни айтиш мумкинки, ўзбек тилининг қуйидаги хусусий меъёрлари ҳақида гапириш мумкин:

1. Ўзбек адабий тили меъёри.

¹⁷Бегматов Э., Турсунпулатов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1991. 64-б.

2. Ўзбек лаҳжа ва шевалар меъёри (диалектал меъёр).
3. Ўзбек сўзлашув нутқи меъёри.
4. Ўзбек тилининг ижтимоий тармоқлари, яъни “ижтимоий диалектлар”, “ижтимоий арголар” меъёри.

Тил элементларининг меъёрий ҳолатга келтиришга интилиш адабий тилга хос хусусиятдир, бу жараён мунтазам давом этади. Адабий меъёр ўз ҳолича шаклланади. Унинг шаклланиши ва тараққиётига тилнинг таркибига кирувчи лаҳжа, шевалар турлича ҳисса кўшадилар.

Халқнинг маданияти юксалиб борган сари меъёрни ташкил этувчи тил воситалари қўллаш жиҳатдан барқарорлашиб, мустаҳкамланиб боради. Демак, меъёр маълум бир тил жамоасида мустаҳкам қўлланиб келаётган лисоний ҳодисалар йиғиндиси.

Бундай ҳолат адабий тилнинг халқ тили захирасида майдонга келганлигини кўрсатади. Лекин адабий тил шеваларидан ўзига хос томонлари билан фаркланиб туради. Чунки адабий тил меъёрлари шу тилда сўзловчи кишилар томонидан маъқулланган, ўзлаштирилган ва тўғри деб танолинган бўлади. Шу туфайли ҳам адабий тилнинг маълум меъёрларга солинган тил деб юритамиз. Адабий тилни таъминловчи воситалар адабий тилнинг меъёрий имкониятларидир.

Тилнинг ҳаёти ўзгарувчан. Унинг меъёрлари секинлик билан бўлса ҳам, лекин доимо узлуксиз ўзгариб боради (лексик меъёрлар талаффуз ёки грамматика меъёрларига қараганда тез-тез ўзгариб туради). Баъзан шундай вазиятлар ҳам юзага келадики, меъёр ўзгаради-ю, бироқ бу керакли манбаларда қайд этилмай қолади. Меъёр стихияли равишда объектив сабабларга кўра ўзгариши мумкин, аммо уни қайд этиш онгли равишда амалга оширилади. Меъёр, одатда, юкори даражадаги нутқ маданиятига эга бўлган кишилар – ёзувчи, олим ва журналистларнинг тилдан фойдаланиши давомида ўз-ўзидан, секин-аста шаклланади. Фақат тилшунослар хоҳлагани учун эмас, балки *телЕвИдениЕ, телЕФон, ФалОкат* деб талаффуз қилиш зиёлиларга анъанавий, меъёрий бўлиб қолгани учун шундай дейишимиз шарт ҳисобланади. Бошқача талаффуз вариантлари (масалан, *телВидениЯ, тИлПон, ПалАкат, кОтта, вОХт, жичча* ва б.) нутқий анъаналарга зид ҳисобланади. Луғат ва грамматикада эса тилшуносликка боғлиқ бўлмаган ҳолда адабий тилда юзага келган ҳолатлар ўз аксини топади.

Ҳар қандай луғат ёки сўровнома нашридан аввал жуда катта ва кўп эътиборни талаб қилувчи ишлар олиб борилади. Олимлар ўз тадқиқотларида илмли кишилар қандай сўзлашишини аниқлайди: сўзларни қайси маънода, қандай талаффуз қилади, нутқ вазиятга қараб сўзларни гапда қандай қўллайди ва шу кабиларни аниқлайди. Одатда, дўстлар билан суҳбатда айтиш мумкин бўлган сўз, жумла ёки ибораларни, илмий маърузаларда қўллаш ўринсиз. Шундай объектив ҳолатлар тилшунослар томонидан луғат грамматикаларда қоида ва тавсиялар кўринишида мустаҳкамланади, барча адабий тилда сўзлашувчилар учун мажбурий қилиб қўйилади. Объектив равишда мавжуд

бўлган адабий меъёрларни бундай тарзда қайд этиш фанда **кодификация** деб ном олган.

Кодификациялаш орқали *адабий меъёрлар сақланади*. Адабий тилнинг меъёрийлаштирилгани ҳақида сўз юритилганда, ана шу адабий меъёрларнинг қайд этилиши назарда тутилади. Кодификациялаш тил эгаларига нисбатан қаратилган бўлади. У нутқ амалиётига, фаолиятига ўз таъсирини ўтказа олади. Шунинг учун ҳар қандай шевага ёки жаргонларга оид сўзларнинг қайд этилиши ёки изоҳланишини кодификация деб бўлмайди. Масалан, сиз *телвидения* ёки *палакат* деб айтмоқчисиз, бироқ кодификация қоидалари уларни шева сўзлар деб тавсифлайди ва уларнинг бошқа адабий вариантларини тавсия этади: *телЕвИдениЕ*, *ФалОкат*. Сиз онгли равишда кодификация туфайли адабий бўлмаган шакллардан воз кечасиз ва тўғри деб топилган усулда талаффуз қилишга интиласиз.

Адабий тил меъёрлари стихияли равишда шаклланади, кодификация эса олимлар томонидан амалга оширилади. Масалан, ўзбеклар орасида *шам* сўзининг *шаъм* ёки *шагам*, *Аъзам* сўзининг *Агзам*, *Нуъмон* сўзининг *Нигмон* тарзида талаффуз этилиш ҳоллари кузатилади. Луғатларда ушбу сўзларнинг адабий меъёрий кўринишларикайд этилса-да, тил эгалари уларнинг адабий тилга хос бўлмаган вариантларини қўллаётганлиги бу хусусда хануз ягона фикрнинг юзага келмаганини кўрсатади. Тилшунослар доимо эски меъёрни сақлаб қолишга интилади. Чунки буни кодификация тақозо этади. Жамиятнинг ўзи ҳам тилнинг аста-секинлик билан ўзгаришидан манфаатдор, акс ҳолда, улар халқ анъаналарининг узилиб қолишига олиб келиши мумкин.

Тил барқарор бўлиши керак, у ёзувчи учун ҳам, оддий амалдор учун ҳам тушунарли бўлмоғи лозим. “Тил қандай шаклга кирмасин, у доимо миллат индивидуал ҳаётининг руҳий ифодаси”, “унинг нафаси, руҳи” бўлиб қолади (В. Гумбольдт).

Ҳар қандай тил сиёсати тилнинг яшаши ва ривожланишига жамиятнинг онгли, мақсадли аралашувини англатади.

Адабий тил меъёрини махсус ишланган онгли бошқарилувчи меъёр деб юритилади.

Тил меъёрларининг ўзгариши кўпгина тил бирликларининг унутилишига, қўлланиш доирасидан чиқиб кетишига олиб келади. Буларни қайд этишга шошилиш ҳар доим ижобий натижа беравермайди. Шунинг учун ҳам тил сиёсатида **анъанавийлик** устувор принциплардан ҳисобланади. Кодификация эса адабий тилнинг барқарор туриши ва турли замон кишиларини бир-бири билан боғлашга ёрдам беради. Кодификациялаш осон иш эмас, уни тезлик билан ҳал қилиб бўлмайди. Икки ёки ундан ортиқ вариантга эга тил бирликларидан кераклисини, зарурини қайд этиш учун ушбу масалани ҳар томонлама, синчиклаб ўрганиб чиқиш талаб қилинади. Бундай тил бирликларининг бир кўриниши, одатда, охиригиси – янги сиси меъёрий деб тан олинади ва махсус манбаларда – луғатларда қайд этилади.

Ҳар бир тил ўз сўз бойлигига, бу сўзларэса маълум фонетик қурилишига, изчил грамматик қонуниятларига эга бўлади. Унинг шу томонларига путур етиб борар экан, тил инқирозга юзтутади.

Меъёрни баҳолашнинг уч аспекти фарқланади:

1. сўзловчи ўз фикрини тўғри, аниқ ва лўнда қилиб ифодалай олиши;
2. тингловчининг муайян даражада таъсирланиши;
3. муайян тилнинг структураси ва унинг анъаналари.

Ушбу аспектларда натижага эришиш учун адабий тил меъёрларига тўла амал қилиш лозимлигини таъкидлаган ҳолда, Э.Бегматов ва бошқа муаллифларнинг “Адабий меъёр ва нутқ маданияти” рисоласида берилган тил меъёрларига мурожаат қиламиз:

- лексик-семантик меъёр;
- талаффуз меъёри;
- акцентологик меъёр (сўз ва формаларда урғунинг тўғрилиги);
- фонетик меъёр;
- грамматик меъёр (морфологик ва синтактик меъёрлар);
- сўз ясаиш меъёрлари;
- орфографик меъёрлар;
- пунктуацион меъёрлар;
- стилистик меъёрлар¹⁸.

Юқоридаги илмий таҳлиллардан хулоса қилинадиган бўлса, адабий тил меъёрионгли ишланган, онгли равишда кодификацияланган, маълум тартибга солинган, танланган, баҳоланган, ривожланувчи (динамик), синхроник (замонавий), умумтарқалган, яъни жамоавий, намунали, маданий-эстетик жиҳатдан баҳоланган ва диалектал ҳамда шевалардан устун турувчи хусусиятларга эга бўлади.

Адабий тилнинг барча меъёрларига амал қилиш тўғри нутқни юзага келтиради.

Калит сўзлар: *меъёр, адабий тил, халқ тили, намунали, кодификация, тил сиёсати, тил барқарорлиги, аспект, тўғрилик, хато, акцентология, шева, диалект, нутқ, маданият.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Адабий тил ҳодисаси деганда нимани тушунасиз?
2. Адабий тилнинг қандай ривожланиш қонуниятларини биласиз?
3. Меъёр ва тўғрилик бир-бири билан боғлиқ тушунчалар эканлигини тушунтиринг.
4. Умумий ва хусусий меъёр нима?
5. Меъёрнинг баҳолаш аспектларини кўрсатинг.
6. Тил барқарорлиги нимада?
7. Тил сиёсати деганда нимани тушунасиз?

¹⁸ Бегматов Э. ва бошқ. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Т., 1983.75-б.

“КЛАСТЕР” МЕТОДИ

“Тил”, “Маданият” ва “Меъёр” сўзларига кластер усулида таъриф беринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Бегматов Э ва бошқ. Адабий меъёр ва нутқ маданияти. –Т.: Фан, 1983.
2. Бердиалиев А. Сўз ва атамалар ҳосил қилишнинг баъзи назарий масалаларига доир “Давлат тили ҳақида”ги қонунни амалга оширишнинг долзарб муаммолари мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тезислари. –Навоий, 1993. 23-бет.
3. З.Гаврвнек Б. Задачи литературного языка и его культура. //Пражский лингвистический кружок. –М., 1967. С. 339.
4. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараккиёт босқичлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996.-176 б.

1. Орфоэпик меъёр хусусиятлари.
2. Орфографик меъёр хусусиятлари.
3. Лексик меъёр хусусиятлари.
4. Грамматик меъёр хусусиятлари.
5. Услубий меъёр хусусиятлари.

“Шуни унутмаслик керакки, она тили ва у билан баробар миллий шуур, миллий онг, миллий руҳ, энг аввало, оилада шаклланади, аجدодлар қони билан авлодларга ўтиб келадиган руҳнинг омонлиги, барҳаётлиги учун энг аввало ота-она масъулдир”.

Н.Маҳмудов

“Адабий меъёрларнинг турли бузилишларини чуқур ва объектив таҳлил этмасдан туриб юксак нутқ маданияти учун курашни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди”¹⁹. Тилшунос олим Л.П.Крисин фикрини давом эттириб, шуни таъкидлаш лозимки, нутқ маданияти адабий тил муҳофазасидир.

Хато сўз, сўз бирикмаси ва гапларни қўллашда адабий нутқ меъёрларидан чекинишдир.

Нутқ маданиятини пухта эгаллаган ҳолда муомала жараёнида мақсадга мувофиқ тарзда қўллай олиш нафақат иктисодчиларга каттамасъулият юклайди, айти пайтда унга обрў ҳам келтиради. Бунга эса осонлик билан эришиб бўлмайди. Тил илмини яхши билиш ва уни амалиётда маҳорат билан қўллай олишгина ана шу обрўнинг зарур шарти бўлиб қолади.

Орфоэпик меъёр. Талаффуз (орфоэпик) меъёрлари фанда қискача орфоэпия деб ҳам юритилади ва бу атама талаффуз меъёрларини ўрганиш билан шуғулланувчи илмий соҳанинг номи ҳамдир. Орфоэпик грекча сўз бўлиб, тўғри сўз, нутқ деган маънони билдиради. Демак, бу атама ҳозирда икки ходисани, биринчидан, муайян адабий тилга хос адабий талаффуз меъёрларини ва уларга доир қоидалар йиғиндисини, иккинчидан, тилшуносликнинг адабий талаффузини ўрганувчи соҳасини англатади.

Орфоэпик меъёр талаффуз меъёри, акцентологик ҳамда урғу меъёрини камраб олади, чунки ҳар қандай тил бирликлари муайян талаффуз ва урғу қоидаларига риоя қилади. Талаффуз ва урғу меъёрлари муайян тилда сўзловчилар учун уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, турар жойи, касби, ёшидан қатъи назар, мажбурий меъёрлар ҳисобланади. Шу сабабли

¹⁹Крисин Л.П. К типологии лексических “неправильностей”. Русский язык в национальной школе. № 5. – М., 1975. С. 57-65.

кишиларнинг нутқ маданияти даражаси уларнинг адабий талаффуз ва урғу меъёрига қай даражада амал қилганлигига қараб белгиланади.

Фонетик меъёр деганда онгли равишда муайян қоидага солинган товуш воситаларининг сўзловчи нутқида ишлатилиши тушунилади. Ҳар қандай ривожланган тилнинг меъёри ўша тилда сўзловчининг оғзаки адабий нутқидаги меъёрий товуш таркибида фойдаланишга асосланади.

Фонетик меъёр фақатгина оғзаки адабий нутқ меъёрига хос бўлиб қолмай, ёзма адабий нутқ меъёрига ҳам тааллуқлидир. Масалага чуқурроқ ёндашилса, ҳар қандай тил бирликларининг талаффузи график, яъни тилдаги белгилар орқали амалга оширилади. Демак, фонетик меъёрлар маълум тил графикаси билан ҳам боғлиқ экан.

Талаффуз меъёри. Адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шакли бўлгани каби нутқда ҳам имловий ҳамда талаффуз меъёрлари мавжуд. Адабий талаффуз меъёри тил бирликларининг оғзаки нутқ жараёнида адабий тил меъёрига мувофиқ келишидир. Ёзув туфайли ўзбек тилининг имловий меъёри анчагина дуруст ҳолга келтирилди, лекин талаффузда ҳар хилликлар давом этиб келмоқда ва бу ҳол ўзбек тили нутқ маданиятига таъсир кўрсатади. Бунинг сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Адабий тилнинг оғзаки меъёрларини барча бир хилда мукаммал эгаллай олмагани сезилиб туради. Оғзаки адабий тилни эгаллаш ёзма адабий тилдан фойдаланишга кўра сустроқ.

2. Адабий тилда сўзловчилар нутқида маҳаллий шевалар таъсири кучли. Бу айниқса, лаҳжавий талаффуз ва лаҳжавий акцентларда сезилиб туради.

3. Ўзбек адабий талаффузи доирасидаги кўзга ташланувчи хусусиятлардан бири кекса ёки ёш авлод нутқидаги тафовутдир.

3. Адабий тилнинг оғзаки шакли меъёрларининг катъийлашувида ёзма нутқ, ёзилган матнлар, талаффуз ва имло луғатлари ижобий роль ўйнайди. Шу билан бирга ёзма нутқ таъсири оғзаки адабий нутқ доирасида баъзи бир нуқсонларни ҳам юзага келтирди. Оғзаки нутқда ёзма нутқ учунгина хос бўлган ибора ва узун жумлалар юзага келади. Бир қатор сўзлар ёзилган шаклида сунъий талаффуз этиладиган бўлди.

Кишиларнинг нутқ маданияти даражаси уларнинг адабий талаффуз ва урғу меъёрига қай даражада амал қилганлигига қараб белгиланади.

Адабий меъёрнинг *орфоэтик бузилиши* кўп ҳолларда, талаффуз жараёнида, оғзаки нутқда юз беради. Лекин ҳозирги пайтда радио ва телевидение нутқида ҳам талаффуз меъёрларининг бузилиш ҳолларини кузатиш мумкин.

Жонли нутқ бир-бирига зид кучлар таъсирида бўлади. Бир томондан, сўзловчи ўз фикрини аниқ ифодалашга интилса, иккинчи томондан, қисқа вақт ичида у мақбул тил воситаларини танлаши керак. Эфир вақти чегараланганлиги боис қисқа вариант афзал ҳисобланади. Бунда қисқалик ва меъёр бир-биринга зид бўлиб қолади.

Талаффузда йўл қўйилган хатолар қуйидаги сабабларга кўра бўлиши мумкин:

1. Сўзларнинг шева талаффузи ва ёзма адабий нутқ ўртасидаги тафовутнинг мавжудлиги. Чунки ҳар доим ҳам ёзма ва талаффуз birlikлари бир-бирига мос келмайдими. Масалан, бундай ҳолатлар радио-телевидениеда спонтан нутқда кузатиш мумкин. Шевага хос талаффуз: “...иш воқтимиз ҳам, бўш воқтимиз ҳам...” (ТВ); “*Биза нима учун шундай демоқчи эканимизни ҳозир тушунтириб...*” (Р.); “...манга...юбордила...”, “...ман ўзбек тилини...” “...очиқ деб эълон қиламиза”, “...манимча, бугун интерактив, савол жавоб берамиза”, “...ҳозирча очиб бериш учун Манзурахонга берамиза...”, “...пулам муҳим ... сизга каттакон раҳмат...”, “... томоша қиб турила...”, “ўзила гувоҳ бўлдила”, “...ман эса олдинги ҳолатига келтиришга ҳаракат қивомман”, “...бу хат ...кепти”, “...томоша қиламиза”, “биринчи ўринни айтадиган воқт келди”, “сўнгги воқтда жуда кўп дори дармонлар...” (ТВ).

2. Ўзлашган сўз ва терминларни талаффуз килишда она тили физиологик хусусиятларнинг таъсири натижасида орфоэпик меъёрларнинг бузилиши. Масалан, “*Мошина ёқмироқ турибдими дийманда...*” (ТВ). Бу мисолда ўзлашган сўзнинг нотўғри талаффузи билан бирга шева талаффузини кузатиш мумкин. Яна бир мисол келтирамиз, “*дўхтирга мурожат қилмоқчи бўлса...*”, “*мабода дўхтирга бормоқчи бўлса, аввал гўрковга, кейин дўхтирга учрашиш...*”, “сўнгги воқтда жуда кўп дори дармонлар...” (ТВ).

Терминлар талаффузидаги хатолар: *провенсиларда (провинцияларда) концер(концлер), инстут (институт), презент (президент); “...жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссаси...”; “конференция ўтқазилди”; “инсутида ишлайди (институт); “...прзедент Жак Шерак”; “...конституция қабул қилинди...”, “...конситуцияни...”, “...конситуцияни биласизми..” (ТВ).*

Фонетик меъёр факатгина оғзаки адабий нутқ меъёрига хос бўлиб қолмай, ёзма адабий нутқ меъёрига ҳам тааллуқлидир. Масалага чуқурроқ ёндашилса, ҳар қандай тил birlikларининг талаффузи график, яъни тилдаги белгилар орқали амалга оширилади. Демак, фонетик меъёрлар маълум тил графикаси билан ҳам боғлиқ экан.

Орфографик меъёр ёзма нутқда амал қилиб, сўзларнинг ўзаги, суффикслари, кўшимчаларининг қандай талаффуз этилишидан катъи назар тўғри ёзилишини, сўз ва уларнинг қисмлари меъёрий ҳолда кўшиб ёки ажратиб ёзилишини, атоқли отлар ва мустақил гапларни ажратиб туришда бош ҳарфлар билан ёзилишини тартиб-қоидага, меъёрга солиб туриш вазифасини бажаради. Орфографик меъёр бузилиши ёзувчи бирон-бир товушни ёзувда акс эттиришда муайян тил графикасини ноўрин, хато ишлатганда содир бўлади.

Пунктуацион меъёр ёзма адабий нутққа хос бўлиб, тиниш белгиларини ишлатишнинг бутун системаси ва усуллари камраб олади. Ҳар бир тиниш белгиси ўз номига ва вазифасига эга, тиниш белгиларисиз гапни тушуниш қийинчилик туғдиради. Агар гапда пунктуацион меъёр талаблари бузилса, жумла ўз маъносини ва ритмик-мелодик хусусиятини йўқотади. Адабий тилнинг пунктуацион меъёри ёзув шаклининг ривожланиш қонуниятлари ва адабий тилнинг синтактик-стилистик қурилишининг қай даражада ишлаб чиқилганига қараб белгиланади.

Имловий хато ўқувчига нисбатан ҳурматсизликдир. Имло қоидалари асосан ўзгармаслик хусусиятига эга. Улар пунктуацион, лексик, стилистик меъёрлардан кўра кам ўзгаради. Масалан, “*Рухларни шод этай деган қалб пок бўлиши (,) юриш-туриши, кийиниши билан ажралиб туриши керак*”, (,) қўйилмаган; “*Келин-куёвлар бу ерга улуғлардан бахт-нажот тилаб келган(и)га эмас, ўзларини бировл(а)рга кўргазма қилаётганга ўхшайди*”. Бу мисолда *и* ортиқча, *а* тушиб қолган.

Босма матнларда сўздаги харфларнинг ўрнини алмаштириш типик хато ҳисобланади. Масалан, “... *экотуризмнинг рвио(ив)жланишига...*”.

Матндаги ёзма ва техник хатолардан бири бўғин кўчиришдир. Бўғин кўчиришдаги хатоликлар газетада кўп учрайди. Масалан: “*Хусусийлаштириши тўғрисида **балан-дп**арвоз баёнот ва гаплар айтилмоқда*”.

Кўпчилик ҳолда харф тушиб қолиши ёки ортиқча харф ёзилиш ҳолларини кузатиш мумкин:

“*Келин-куёвлар бу ерга улуғлардан бахт-нажот тилаб келган(и)га эмас, ўзларини бировл(а)рга кўргазма қилаётганга ўхшайди*”. Бу мисолда *и* ортиқча, *а* тушиб қолган.

Белгиларни нотўғри ишлатиш. “*Мана **ики**уч кундан бери...*”.

Харф алмашиши: “*Телевизў(о)рда кўрдингизми?*” ва б.

Имло қоидалари катъий регламентга эга. Тилшунослар саводсизликка қарши курашишга ижтимоий муаммо сифатида қарайди. Имловий хатоликлар ҳақида гап кетганда бу ерда газета тили назарда тутилмоқда.

Рус тилшунос олими Л.В.Щерба: “Агар ҳамма хар хил ёзса, биз бир-биримизни тушунмай қолишимиз аниқ. Саводсиз ёзиш – бу одамларнинг вақтини ўғирлаш демакдир. Тўғри шаклланган жамиятда бунга йўл қўйиб бўлмайди”, – деган эди²⁰.

Харф теришдаги эътиборсизлик шу каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Бунда харфларни тушириб қолдириш ёки ўрнини алмаштириш, кам учрайдиган сўзларни қолдириб кетиш, чизикча ўрнига тире қўллаш ёки аксинча, сўзбошини ёзмаслик ва бошқа хатолар кузатилади.

Лексик меъёр. Лексик меъёр деганда, сўз қўллашнинг қоида ва қонуниятлари тушунилади. Тил меъёрлари билан лексиканинг ўзаро боғликлиги шундаки, сўзлар тил бирлиги сифатида ўз маъносига эга бўлган мустақил тил элементи сифатида меъёр учун “қурилиш материали” бўлиб хизмат қилади.

О.С.Ахманова лексик меъёрга: “бу муайян бир тилда сўз қўллаш меъёридир” деб таъриф берса²¹, К.С.Горбачевич: “сўзни тўғри танлаш ва ҳаммага маълум бўлган ва халқ томонидан тан олинган, ўринли сўз ишлатишдир”, – деб ёзади²².

²⁰ Щерба Л.В. Современный русский литературный язык. // Избранные работы по русскому языку. – М.: Учпедгиз, 1957. С. 110.

²¹ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1969. С. 67.

²² Горбачевич К.С. Изменение норм русского литературного языка. – Л., 1971. С. 270.

Адабий тилда миллий тилнинг яшаш ва амал қилиш қонуниятларидан келиб чиқиб, сўз танлаш имкониятлари унинг лексик меъёрини белгилайди. Адабий тил халқ тилида мавжуд бўлган сўз вариантларидан энг маъқулини, яъни ҳамма учун тушунарли бўлган кўринишларини танлаб олиб, меъёр сифатида такдим этади. Қолган вариантлар эса шева ва лаҳжаларда ижтимоий гуруҳлар тилида яшайверади.

Ижтимоий ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлар, энг аввало, лексикада ўз ифодасини топади. Шу туфайли ҳам лексиканинг бойиб бориши ҳам тилдаги бошқа унсурларга қараганда бирмунча фаолдир. Сўзловчи ёки ёзувчининг лексик меъёрга риоя қилиши тингловчи ёки ўқувчининг ахборотни тўлиқ тушунишини тақозо этади.

Оғзаки нутқда, ёзма матнда кераксиз сўзлар ишлатилиши кўп кузатилади. Биринчи ўринда уларни хато айтилган фикрлардан фарқлаш лозим. Қоидага кўра, сўзловчи хато айтилган фикрни англаган ҳолда ўз хатосини ўзи тузатади.

Лексик хато эса сўзнинг аниқ маъносини ва қўллаш усулини билмаслик оқибатида келиб чиқади.

Лексик хатоларнинг классик манбаи паронимлар ҳисобланади. Ифодада таъсирни кучайтириш учун образ яратишга ҳаракат қилиш кўпинча лексик бирликларнинг бузилишига олиб келади: *“...ўз ишига ниҳоятда масъулият билан ёндошишини таъкидлашади”*.

Сўзни тушириб қолдириш ёки сўзларни алмаштириб қўйиш ёки тавтологияга йўл қўйиш ҳоллари ҳам лексик хатоликка олиб келади. Масалан, *“...бу жараёнда бутун бир яшайди, бутун бир ҳаёт яшайди. Кўплаб одамлар ана шу турмушда мавжудлар”*(ТВ); *“Биз билан боғланган дастлабки муҳлис билан боғланамиз. Боғланган муҳлисимиз...”*(Р).

Лексик меъёр хусусиятларини аниқлаш ва хатога йўл қўймаслик учун меъёрий изохли луғатларга мурожаат этиш лозим. Чунки луғатларнинг вазифаси, муайян лексик бирликларни тўла кўрсатишдан ташқари лексик меъёрни қонунлаштиради.

Айтиб ўтилганидек, нутқ меъёри дейилганда жамият томонидан қабул қилинган тил системасини амалга ошириш тушунилади.

Ижтимоий муҳитнинг тилдан фойдаланиш жараёнига таъсир кўрсатиши табиий бир ҳолдир. Кишилар нутқида ўзлари билиб-билмай ёки эътиборсизлик оқибатида бошқа тил элементларидан ҳам фойдаланадилар. Бошқа миллат вакиллари билан биргаликда яшаш, меҳнат қилиш, таълим олиш, хуллас, муомала жараёнида ана шу ҳол юз беради: *“У уже руҳий кучли бўлишини хоҳласа керак”*; *документ, лекция, министр, секретарь, медсестра, справка, форма, область, район* ва ҳ.к.

Тил меъёрлари, хусусан, тил бирликлари, уларнинг таркиби, тузилиши ва бирикмали қўллашга тааллуқлидир.

Грамматик меъёр. Тилшуносликнинг назарий жиҳатдан бирмунча мукамал ишланган, сўз шакллари, қўшимчалар, сўз бирикмалари ва гап тузилиши анча меъёрлаштирилган бўлими грамматикадир. Адабий тил учун турловчи, тусловчи ҳамда сўз ясовчи қўшимчаларнинг энг маъқул вариантлари

шевaлар билан киёсланган ҳолда тавсия этилган ва морфологик меъёр сифатида берилган. Лекин нутқда бу меъёрларнинг бузилиш ҳоллари учрайди. Кўпинча қараткич ва тушум келишиги қўшимчалари фарқланмайди, *-ли* ва *-лик* қўшимчаларини қўллашда қориштириш ҳоллари учрайди: *хоразмли йигитлар, хоразмлик йигитлар*. Адабий тилнинг сўз яшаш шакллари ҳам шевалардан фарқланади: *олайлик-олайли, кетайлик-кетайли*. Шевалардаги сўз ясовчи қўшимчалар сони адабий тилга нисбатан кўп. Лекин нутқда адабий тилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Яхши, намунавий нутққа қўйиладиган талаб унинг грамматик жиҳатдан тўғри бўлишидир. Бу жиҳатдан оғзаки ва ёзма нутқ ҳамда шеърий нутқ ўзига хос фарқларга эга. Ҳар қандай ҳолатда гап тузиш қоидаларини яхши билиш ва улардан тўғри фойдалана билиш зарур. Грамматик меъёрда қўшимчалар қўллашнинг меъёрий ҳолатлари ҳақида боради. Морфологик меъёр тушунчаси тилнинг ана шукатламини қамраб олади ва унинг атрофида юритиладиган фикр-мулоқазалар ҳар бир сўз туркуми доирасидаги қўшимчалар ҳамда уларнинг нутқ жараёнидаги меъёрий кўринишлари, агар улар бузилган бўлса, тuzатиш йўллари ҳақида бўлади.

Сўз тузилиши, жумлада сўзларнинг боғланиши, гап қурилиши ғализлиги сўзловчига нисбатан салбий муносабатга ва тингловчига маълумот етказишда тўсқинликка сабаб бўлади. Кўп ҳолларда сўзларнинг нотўғри жойлашуви тушунишга кийинчилик туғдиради. Масалан: *“Мана икки-уч кундан бери ҳамма бир-бирини табриклаган, галаба билан дейди”* (газета), аслида: *Мана, икки-уч кундан буён ҳамма бир-бирини галаба билан табриклаган*.

Грамматик хатоларнинг кўп қисми отли ва феълли бирикмаларга тўғри келади.

Кишининг оператив хотираси узун синтактик бирикмаларни эслаб қолишда қийналади. Бинобарин, оғзаки нутқда уларни қўлламаслик керак. Акс ҳолда, мураккаб гапларни мослаштириш билан боғлиқ хатолар юзага келади. Бундан ташқари бирликда қўлланилиши лозим бўлган отларни кўпликда қўллаш (ёки аксинча)да ҳам шундай ҳолатлар юзага келади.

Грамматикада кўп йиллар давомида бартараф этилмаган барқарор хатолар ҳам ажратилади: келишикдаги бошқарувда, сўз шаклини ясашда, мослашувда.

Нутқда келишикларнинг фарқланмасдан ишлатилишини ҳам ижобий ходиса сифатида қараб бўлмайди: *узумни шираси, дадамларнинг кўрдим, уларга сўрадим, дарахтга судралиб юрувчи ҳайвон*.

Кўпинча отларни келишикларда нотўғри турлаганидан энг кўп хатога йўл қўйилади: *“мослама ишдан чиқиши сабаб бўлган бўлиши мумкин”* – *мосламанинг ишдан чиқиши*.

Синтаксис доирасида меъёрнинг амал қилиниши деганда, аввало, грамматик жиҳатдан тўғри тузилган нутқни кўз олдимизга келтирамиз. Грамматик жиҳатдан тўғри бўлишлик гап таркибидаги сўзларнинг ўзаро мазмуний мунофиқ келишига – валентлигига боғлиқ бўлади.

Бу хусусият, айниқса, сўз бирикмаларига тегишли бўлиб, улар таркибидаги семантик ва грамматик алоқанинг кучлилиги, улардаги аъзолар

яхлит ҳолда гап таркибида парадигма ҳосил қилиши ана шу аъзолар ўртасидаги алоқаларнинг турғунлигини, бинобарин, меъёрнинг мустаҳкамлигини тақозо қилади.

Адабий тилнинг **услубий меъёри** тил бирликларининг нутқда вазият кўзда тутилган мақсаддан келиб чиқиб энг маъқулини қўллаш заруратидан пайдо бўлади. Шу маънода услубият деганда сўз қўллаш маҳорати ҳам тушунилади.

Маълум бир нутқий вазиятда, у оғзаки ва ёзма бўлишидан катъи назар, сўзловчи ва ёзувчининг ўз нияти ва муддаосидан, нутқ мавзуси ва мазмунидан келиб чиқиб, тил бирликларини қўллаш, танлаб ишлатиш имконияти услубиятни юзага келтиради.

Тилнинг услубий меъёрини белгилашда тил бирлиги қўлланилаётган контекстга қараб ҳукм чиқариш энг тўғри йўлдир. Чунки ҳар бир бирлик нутқ жараёнида ўзининг у ёки бу стилистик имкониятини намоён этиши этади.

Стилистика нутқнинг эстетик сифати бўлиб, сўзловчи ҳақида тасаввур уйғотади.

Семантик – услубий меъёр. Сўз бир ёки бир нечта маънода бўлиши мумкин. Сўз маъноларининг қайси бири ҳозирги ўзбек адабий тили учун меъёр эканлигини белгилаш семантик меъёр ҳисобланади. Сўзларнинг маъноси тилнинг изоҳли, икки тилли ва атама луғатларда ўз ифодасини топади.

Стилистика нутқнинг эстетик сифати бўлиб, сўзловчи ҳақида тасаввур уйғотади. Энг кўп учрайдиган стилистик хатолар, жумладан ўзакдош сўзларни қайта такрорлашдир. Масалан, *“мослама ишдан чиқиши сабаб бўлган бўлиши мумкин”*. Стилистик хатонинг лингвопсихологик механизми кўпинча ихтиёрсиз равишда вужудга келади. Масалан: *“Юртимизнинг янада ривожланиши йўлида саралашларини изҳор этдилар”*; *“Юксак сифатли маҳсулотлар”*. Бу ерда услубий хато оқибатида аниқлик бузилган ва мантиксизлик келиб чиққан.

Баъзида фикрни нотўғри баён қилишга сўзловчининг тушунарли бўлмаган сўзлардан фойдаланиши ёки тушунарсиз гап тузишлари сабаб бўлади. Бунга айниқса радиода мисол кўп. Масалан: *“Айни дамда тўқис ва дастурхон атрофида танаввул истеъмол қилаётган юртдошларимизга ёқимли иштаҳа”*. Матнда стилистик хатолар. *“Мақсадлар аниқ ва равон эканлигидан далолат беради”*. *Равон* сўзи услубий жиҳатдан нотўғри қўлланган. Унинг ўрнига *равшан* сўзи қўлланилса, гап мазмунидан тушунмовчилик чикмайди. Яна бир мисол: *“Улуг устознинг сабоқ мактабини 3 ой мобайнида ўтган ҳамюртимиз куч ва моҳиятини ўзининг кимлигини ва нимага қодир эканлигини исботлай билди”*. *Ўтган* сўзининг ўрнига *ўтаган* сўзи ишлатилса, услубий хатолик юз бермасди.

“АҚШ давлати ва иқтисодиёти учун кичик бизнеснинг аҳамиятлилиги ва унинг қанчалик муҳимлиги барча кишилар томонидан, асосан, ҳукумат органлари, давлат ва шахсий таълим марказлари ҳамда турли хил иқтисодий ривожланиш гуруҳлари томонидан тузилган бизнес жамоалари томонидан кундан-кунга кенг тан олинмоқда». Кундан-кунга жумласининг қўлланилиши

услубий хатони келтириб чиқарган. *Кенг* сўзи ҳам ноўрин қўлланилган, *кенг тан олинмоқда* жумласининг ғализ чиқишига сабаб бўлган.

Адабий тилнинг услубий меъёри тил бирликларининг нутқда вазият кўзда тутилган максаддан келиб чиқиб, энг маъкулини қўллаш заруратидан пайдо бўлади. Шу маънода услубият деганда, сўз қўллаш маҳорати ҳам тушунилади. Тилнинг услубий меъерини белгилашда тил бирлиги қўлланилаётган контекстга караб ҳукм чиқариш энг тўғри йўлдир. Чунки ҳар бир бирлик нутқ жараёнида ўзининг у ёки бу стилистик имкониятини намойиш этади. Тилда эса бундай имконият чексиздир. Хуллас, меъёр тилнинг ижтимоий вазифа бажаришининг асосий шарти бўлиб, унга амал қилиш, шу тилда сўзловчилар ва ёзувчилар учун мажбурдир.

Калит сўзлар: *меъёр, хато, келишиклар, лексик хато, услубий, грамматика, имло, тил бирликлари, талаффуз, лингвопсихологик, стилистик имконият, фонетика, сўз, сўз бирикмаси, гап.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Нутқ фаолиятидаги меъерийлик деганда нимани тушунасиз?
2. Маданий нутқнинг орфоэпик меъёри хусусиятлари нималардан иборат?
3. Маданий нутқнинг фонетик ва акцентологик меъёрлари (сўз ва формаларда урғунинг тўғрилиги) нимада намоён бўлади?
4. Маданий нутқнинг лексик меъёрлари нимадан иборат?
5. Маданий нутқнинг грамматик меъёрлари нимада намоён бўлади?
6. Услубий меъёр хусусиятлари ҳақида нималарни биласиз?
7. Нутқий хато тушунчасига таъриф беринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Бегматов Э. Нутқмаданияти ва адабий меъёр. Лекторга ёрдам. – Т.: Ўзбекистон, 1973.
2. Бегматов Э. ва бошқ. Адабий меъёр ва нутқ маданияти. – Т.: Фан, 1983.
3. Бабаходжаева М.Х. О функционировании лексических заимствований русского происхождения в речи узбеков. // Материалы 3-й межвузовской научно-исследовательской конференции. – М., 1992, часть 1. С. 5.
4. Бартольд В.В. Церемониал при дворе узбекских ханов в XVII в. Сочинения. Т.2.22. – М.: Наука, 1964. -657 с.
5. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси ЎзР Фанлар Академияси Тилшунослик институти. – Т.: Навруз, 2000. -137 б.
6. Бегматов Э., Турсунпўлатов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1991. С. 9-13, 70-75.
7. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилнинг лексик катламлари. – Т.: Фан, 1985. -200 б.
8. Усмонов О. Тил маданиятининг муҳим масалалари. “Ўзбек тили ва адабиёти масалалари”, 1973, № 1, 1974, №4.

4-мавзу. МАДАНИЙ НУТҚНИНГ КОММУНИКАТИВ АСПЕКТИ. НУТҚ СИФАТЛАРИ

1. Нутқнинг тўғрилиги ва аниқлиги.
2. Нутқнинг мантикийлиги.
3. Нутқнинг ўринлилиги.
4. Нутқнинг софлиги.
5. Нутқнинг ифодалилиги.

*“Ҳар бир сўзга гавҳардан қутича
қилиб сақланса, шунда ҳам унинг
қийматиға яраша иш бўлар экан”.*

Алибек Рустамов

Нутқ маданиятида коммуникативлик тўғри ва мазмунли нутқ туза олиш билан боғлиқ. Бу хусусдаги дастлабки қарашлар Аристотелга тегишли. У нотикликни санъат сифатида тан олган ҳолда, аввал яратилган назариява кузатувларини умумлаштириб, нутқ сифатлари ҳақидаги таълимотни яратди. Мазкур таълимот, асосан, тушунарлилик принципига таянади. “Сўз орқали ифодаланишдаги энг асосий ютуқ бу – тушунарли бўла олишлиқдир”,- дея таъкидлайди Аристотель “Поэтика” асарида. У яна шуни ҳам эътироф этадики, яхши нутқдаги зарур сифатлар – тўғрилик, аниқлик, ўринлилик, ҳаммабоплик, кулоққа ёқимлилик, софлик кабилар айнан тушунарлиликка бўйсунди ва унинг максимал даражада намоён бўлишига Римликлар олиб келади.

Кейинчалик унинг фикрлари Қадимги Римда ҳам ривожлантирилди. Унинг фикрига кўра, яхши нутқ қисқа, нафис, равон, ишончли, кўтаринки, тантанавор, кенг кўламли, ёрқин, жонли, илик, содда, ҳаққоний бўлиши керак. Барча антик дунё мутафаккирлари томонидан тушунарлилик, тўғрилик, ўринлилик, софлик, аниқлик ва нафислик сифатлари яхши нутқнинг асосий белгилари дея тан олинган.

Алишер Навоий тил, нутқ, тилдан фойдаланиш, нутқнинг коммуникатив сифати масалаларига катта эътибор қилган. Унинг бу масалага оид қарашлари ўша даврда амал қилинган нутқ маданияти ва одобининг негизидан иборат бўлиб, шоирнинг бадий, лисоний, тарихий, диний асарлари саҳифаларида ўз ифодасини топган. Алишер Навоий асарларида нутқнинг коммуникатив сифатлари ўз аксини топган.

Навоий нутқнинг коммуникатив вазифалари ҳақида тўхталиб қуйидаги фикрларни келтиради:

*Айтиб совумас тарона сен-сен,
Олиб қурумас хизона сен-сен.
Олам эли зарра йиғса жовид,
Нурини кам айлагайму хуршид.*

*Игна учи бирла жазб этиб нам,
Ким баҳр суйини айлагай кам.*

Келтирилган мисраларда нуткнинг имкониятлари мухтасар баён қилинган. Ушбу мисраларда сўз канча тилга олинмасин, унга доимо мурожаат қилиниши ва уни лисоний имкониятлари чексиз ва беҳисоблиги, у ҳар доим бойиб, мукаммаллашиб боради дея таъкидланган. Шунингдек, шоир сўзни қуёш нурига ўхшатади ва оламдаги барча кишилар уни зарралаб йиғсалар-да, унинг нури кам бўлмайди, борди-ю, игна учи билан денгиз сувини сарф этса, у камаймаганидек, тилнинг ҳам бойлик ва имкониятлари денгиз суви каби заррача камаймайди дейди.

Нуткнинг шакл-шамойили ва мазмун мутаносиблиги негизида намоён бўлувчи тушунарлилик сифати ушбу тадқиқот учун ҳам асосий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Яхши нуткка хос бундай сифатлар XV-XVII асрларда яратилган нотиклик санъатига оид асарларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Россияда 1620 йили пайдо бўлган “Риторика”да нуткнинг софлиги, гўзаллиги, аниқлиги, тушунарлилиги эътироф этилган бўлса, Пётр I даврида тушунарлилик, одоб доирасидан чиқмаслик, гўзаллик, безатилганлик, тасвирий, бадиий безаклардан оқилона фойдаланиш, равонлик, уйғунлик, мантикийлик кабилар қайд этилган. Кейинчалик ушбу соҳадаги карашлар М.В.Ломоносов томонидан бойитилган.

Нуткнинг коммуникатив белги, сифатлари нуткка тааллуқсиз таркибий қисмларга мос ва хос бўлиб, улар мулоқот жараёнини енгиллаштиради.

Ҳар қандай нуткка хос коммуникатив белги Б.Н.Головин томонидан коммуникатив актнинг бирор-бир компоненти билан ўзаро боғлиқлиги орқали асослаб берилган. Масалан, “нутқ – адресат” мутаносиблиги нуткнинг ҳаммабоблиги ва таъсирчанлигини таъминлайди. “Нутқ – мулоқот шароитлари” муносабатлари асосида ўринлилик сифати намоён бўлади. “Нутқ – тафаккур”, “нутқ – борлик” мутаносиблиги нуткнинг аниқлиги ва мантикийлигини англаш имконини беради. “Нутқ – онг” боғлиқлиги ифодалилик, образлилик ўринлилик, таъсирчанлик каби нуткнинг коммуникатив белгиларини тушунишга кўмаклашади.

“Нутқ ва адабий тил” муносабатлари нуткнинг софлиги ҳақида фикр юритиш имконини яратади. Нуткнинг нуткка тегишли бўлмаган компонентлар билан муносабатларидаги бузилишлар ҳар қандай коммуникатив босқичдаги нутқ сифатининг бузилишига олиб келади.

Нуткнинг тўғрилиги. Тўғри нутқ замонавий адабий тил меъёрларига амал қилишдир.

В.Г.Костомаровнинг фикрича, нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шarti сифатида адабий тилнинг маълум даражада қабул қилинган меъёрига қатъий ва аниқ мувофиқ келиши, унинг талаффуз, имловий, луғавий ва грамматик меъёрларини эгаллашни тушуниш лозим.

“Агар сўзни ва илмни яхши билсанг ҳам ҳеч бир сўзни бузма, тўғри таърифла. Сўзни бир хил гапир”.

Кайковус “Қобуснома”

Нутқнинг тўғрилиги ҳақида Э. Бегматов шундай ёзади: “Адабий тилнинг фонетик-орфоэпик, лексик-семантик ва грамматик меъёрлари талабларига тўла мос келадиган нутқ тўғри нутқдир”. У адабий тилнинг фонетик-орфоэпик меъёри нуктаи назаридан тўғрилиқнинг қуйидаги хусусиятларини келтириб ўтади:

- талаффуз маданияти (тил материалларини тўғри, ифодали талаффуз қилиш билан боғлиқ);

- луғавий маданият (сўзларнинг ўз ва кўчма маънолари ҳамда синоним, омоним ва антоним, пароним, чегараланган лексика ва бошқаларнинг маъно кирраларини тўла англаган ҳолда нутқда қўллаш олиш);

- нутқни грамматик жиҳатдан тўғри шакллантириш (тилда морфологик ва синтактик чалкашлиқлардан холи бўлиш).

Нутқнинг тўғри тузилган бўлиши томонларнинг-сўзловчи ва тингловчининг, ёзувчи ва ўқувчининг бир-бирларини тез ва осон тушунишларини таъминлайди.

Нутқнинг тўғрилиги замонавий адабий тил нормаларига амал қилинган нутқдир. Кўп ҳолда оғзаки нутқда келишиқ кўшимчалари фарқланмайди ва натижада морфологик хатога йўл қўйилади. Масалан, “...**дарахтдан судралиб юради ... ҳавода ҳам ҳаракатланиши (ишни) ўзлаштириб олган...**”; “...**коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналари...**”, **маиший хизмат корхоналари.**

Сўзни нотўғри маънода қўллаш: “...**жароҳат айнан транспорт воситаси айби билан ҳосил бўлган**”.

Ўзлашган сўзларнинг талаффузидаги хатоликлар: “**Буюртмачилар учун маҳсулотлардан намуналар билан бирга каталў(о)глар ҳам тавсия этилади**”.

Луғавий маънонинг бузилиши: “...**ёш ижодкорларнинг акварель ва қалам тасвирлари, либослар эскизи, зардўзлик, наққошлиқ, ёғоч ўймакорлиги, бисер тўқиши каби ижодий ишлари ўрин олган**”. Бисер тўқилмайди, балки тикилади. “**Юртимиз ҳаёти ва хориж саҳнида рўй бераётган воқеалар тафсилоти билан...**”.

Синонимнинг ортиқча ишлатилиши ҳам нутқ тўғрилигининг бузилишига сабаб бўлади: “**У мазкур соҳада қизгин фаолият кўрсатиб, инсонлар тақдири ва одамларнинг ҳаёт-мамотини ҳал этишда адолатга суяниб иш кўрмоқда**”.

Ортиқча сўзларнинг қўлланилиши. Масалан, “**Маълумки, кўшма корхоналарни ривожлантириши юқори давлат идоралари томонидан рағбатлантирилиб ва тартибга солиниб турилса-да...**”. Томонидан сўзи ортиқча, “**рағбатлантириб ва тартибга солиниб турилса-да**”. Юқори идоралар қандай қилиб кўшма корхоналарни рағбатлантириши мумкин?

Тўғрилиқ аниқлик ва мантикийлик билан боғлиқдир. Тушунарлилик нутқнинг асосий коммуникатив сифатларидан бири эканлиги фан томонидан ҳам тан олинган.

Шундай қилиб, она тилимизнинг хазинасидан керакли грамматик шаклларни танлаш ва уларни жой-жойида ишлатиш, нутқнинг тўғрилигини таъминловчи асосий омилдир.

Нутқнинг аниқлиги. Аниқлик сўзнинг ифодаланаётган воқеликка мутлақо мос ва мувофиқ келишидир. Аниқлик нутқнинг энг муҳим сифатларидан бири бўлиб, бу ҳақда қадим нотиклик санъатида ҳам ошқора нутқнинг муҳим фазилатларидан бири бўлганлиги манбаларда келтирилган.

Аниқлик нутқнинг асосий сифатларидан биридир. Б.Н. Головин: “Аниқликни “нутқ – воқелик” ва “нутқ – тафаккур” муносабати асосида белгилаш мумкин”лиги ҳақида ёзади.

Э. Бегматов аниқликнинг бузилишига олиб келувчи қуйидаги ҳолатларни кўрсатади:

- 1) сўз маъносига етарли эътибор бермаслик;
- 2) паронимлар маъносини билмаслик;
- 3) мантикий жиҳатдан воқеликка зид бўлган тушунча ифодаловчи сўзларни ёнма-ён ишлатиш;
- 4) нутқда бирор сўзни ўз ўрнига қўйиб гап туза олмаслик ҳамда сўз тартибини бузиб ишлатиш;
- 5) сўзнинг ноўрин танланиши.

Баъзида воқеа талқини тўғри бўлиши мумкин, лекин гап тузишда унинг аниқлиги бузилади. Масалан: “...*актёр ҳақида маълумотга эга бўлишни истасангиз, экранда намоиш қилинаётган веб-сайтга киришингиз* мумкин”. Веб-сайт намоиш қилинмайди.

Сўз маъносига эътибор бермаслик оқибатида ҳам аниқлик бузилиши кузатилмоқда: “*Ўсмирга пичоқ ёрдамида берилган зарбалардан ўлган*”; “...*Халқ вакиллариининг Бутунхитой мажлиси сессиясида бу масалага эътироф қаратилди*”; “*Гувоҳлар инобатга олинмади*”, “*Шу ўринда биз баъзи бир ҳужжатлар ва гувоҳлар эътирофини келтириб ўтиб...*”; “...*унда нега уй Холиқ бобонинг мулки деб эътироф этилди*”; “*Жиноий жазоларни лебераллаштирилиши, оғир жазо тайинлаш сиёсатининг ўзгариши ўзининг ижобий ҳосилаларини бераётгани ҳақи эътироф лойиқдир*”; “*Жюри аъзоларини эътирофига сазовор бўлдилар*”.

“Аниқ” ёки “ноаниқ” хусусиятлари нутқнинг шаклини эмас, балки мазмунини баҳоловчи омиллардир. Фикрни аниқ ифодалаш мақсади коммуникациянинг ўзига хос тури бўлиши фақат илмий эмас, балки барча мулоқот турларида кузатилади.

Нутқнинг софлиги унинг ноёб, қадри хусусиятларидандир. Тил ва нутқ бузилишлари лингвоэкология соҳасида чуқур ўрганилмоқда. Барча нутқ сифатларига амал қилиниши ҳам нутқнинг софлигини таъминлайди.

Нутқнинг софлиги тилнинг барча сатҳлари бўйича адабий тил меъёрларига мос ва хос ҳолда фикр ифодалашдир.

Яхши тоза нутқ ҳозирги адабий тил меъёрлари талабига амал қилиши, турли тил, ғайриадабий тил элементларидан холи бўлиши керак (Т.Қудратов).

Маданий нутқнинг софлиги фонетик, орфоэпик жиҳатдан сўз ва кўшимчаларнинг тўғри талаффузи билан белгиланади.

Нутқнинг софлиги луғавий томондан шевага хос сўз ва шаклларнинг ишлатилмаслиги, қўпол маъноли сўзларни ва жаргон, арголарга хос омма учун

тушунарсиз лексикани ҳамда нутқда эҳтиёжсиз ишлатилувчи “бекорчи” сўзларни қўлламаслик билан характерланади.

Нутқ софлигини бузувчи омиллар:

Маҳаллий диалект ва шеваларга хос сўз, иборалар.

“Зулхумор она, ҳозирги пайтда курашчи аёлларимиз камайиб кетвотти; “Ҳамма нарсани бепарволикка оборвоссиз” .

Ўринсиз ишлатиладиган чет сўз ва сўз бирикмалари. *“У уже руҳий кучли бўлишини хоҳласа керак”; “...ҳаётда одамнинг исми ҳам **зависитъ** қилар эканди...” .*

Паразит сўзлар. *“Ваҳоланки, Матлубамам эслатиб ўтдилар, ваҳоланки, биз камчиликмиз, биз камчиликмиз...” .*

Талаффуз хатолари нутқнинг софлигини бузади. Масалан: *“унутмен биз сизнинг фикрингизга таянамиз, унитмен биз сизнинг фикрингизни эътиборга оламиз...” .*

Тавтология нутқ софлигининг бузилишига олиб келади. Масалан: *“Биз билан боғланган дастлабки мухлис билан боғланамиз. Боғланган мухлисимиз...”*; *“Иккита номзод турганда иккита номзод танланади...” .*

Оғзаки нутқда кўпинча тавтологияга йўл қўйилади. Масалан: *“Америкалик кўшиқчи Бритни Спирсга (Спирс) Лос-Анжелес суди ўз фарзандлари билан учрашишини тақиқлаш ҳақида қарор чиқарди. 26 ёшли санъаткорнинг ўзи ўзини номаълум модда таъсирида ўзини ёмон ҳис қилиб, шифохонага ётқизилган”; “Маълумотларга кўра, улар бўлган яхта номаълум сабабларга кўра чўкиб кетган” .*

Нутқнинг бойлиги деганда, унда баҳо берувчи сўз ва ибораларнинг ишлатилиши тушунилади. Баҳо берувчи сўзлар: *бадиий тасвир воситалари, иборалар, мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, бадиий асарлардан келтириладиган парчалар* кабилардир.

Нутқнинг бойлиги деганда дастлабки фикр шундан иборатки, нутқ майдонида турли-туман маъноларни англатувчи тил бирликлари қанчалик кўп ишлатилиши тушунилади. Нутқда такрорланмайдиган сўз ва иборалар қанча кўп бўлса, у бой нутқ, оз бўлса, камбағал нутқ ҳисобланади.

Нутқда тил бойлигидан ўринли, мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишга интилиш керак. Бунда нутқ учун ушбу ҳолатда керакли бўлган сўз ва ибораларни танлай олиш муҳимдир.

“...ҳар кишининг аҳволи ўз сўзи бетида яширинган бўлади. Яъни бир сўзни бир иборат билан айтса бўлади, эшитган кишининг эса кўнгли парижон бўлади, шу сўзни бошқа бир иборат билан айтса, эшитган кишининг кўнгли баҳра олади” .

Кайковус. “Қобуснома”

Нутқ бойлигининг кўринишлари:

- лексик сўз бойлиги;
- семантик сўз бойлиги.

Лексик сўз бойлиги деганда луғавий захира, сўзларнинг маънолари, уларнинг синонимик қаторини яхши билиш ва уларни тўғри, ўз ўрнида қўллаш тушунилади.

Семантик бойлик деганда, бир сўзни бошқа сўзлар билан боғлай олиш маҳорати, тилнинг тасвирий воситалари, стилистик воситаларни қўллай олиш маҳорати тушунилади. Масалан: *дала маликаси, ўрмон маликаси, қизларнинг маликаси, қалбим маликаси, гуруҳ маликаси.*

Нутқнинг ўринлилиги. Нутқнинг асосий хусусиятларидан яна бири—ўринлилик. Антик дунё нотиклари буни энг муҳим нутқ хусусиятларидан деб таърифлаганлар.

В.А. Головиннинг фикрича, нутқнинг ўринлилигига таянилса, аниқлиги, мантиқийлиги, ифодалилиги кераксиз бўлиб қолади. Ўринлилик “яхши нутқ”ни ташкил қилувчи тушунчаларни кучайтиради ёки сусайтиради.

Агар нутқнинг лисоний таркиби коммуникатив жараённинг жойи, вақти, жанри ва вазифалари билан мувофиқлаштирилган бўлса, у ҳолда нутқни ўринли деб тан олиш мумкин.

“Сўз тўрт навъ бўлади: биринчиси билишга, айтишга ҳожати йўқ сўзлар; иккинчиси билишга ва айтишга зарур бўлган сўзлар; учинчиси билишга зарурати йўқ, аммо айтса бўладиган сўзлар; тўртинчиси билса бўладиган, аммо айтишга ҳожати йўқ сўзлар. Бу тўрт сўзни баён қилдим. Буларнинг яхшиси ҳам билиш, ҳам айтиш зарур бўлган сўздир”.

Кайковус. “Қобуснома”

Нутқнинг ўринлилиги, бу унинг шундай функционал хусусияти, у асосда айтиладиган фикр-мулоҳаза коммуникатив мақсадга йўналтирилган гоёси бўлади. Тил воситаларининг фикр-мулоҳаза мақсадига мувофиқлиги сифатида талқин этилади. Шу туфайли ўринлилик турли нуқтаи назардан баҳоланиши мумкин. Шунинг учун услубий, контекстуал, вазиятли ва шахсий-психологик ўринлилик фаркланади: *Сиз шифокорсиз, онасиз. Мана сиз шифокорсиз. Ҳар иккала иш қийинчилик қилмаяптими?*”. Бу мисолда савол беришда тавтологияга йўл қўйилган ва савол ноўрин (нима она касб эгаси бўла олмайдими?); *“...фақат дўлмани тайёрлашда гўшт таркибидаги ёғларни чиқариб ташлаш керак. Ана шу маълумот билан ...саҳифасига навбат берамиз”.* Гўшт таркибидаги ёғ чиқариб ташланмайди, балки гўштни ёғдан ажратиб олинади.

Кўпинча жумлаларнинг ноўрин қўлланилиши ғализликка олиб келади. Масалан: *“Кўшиқ сўнгидан сўнг...”, “Кўшиқ жаранг сочишни бошлади”;*

“Хавотирни йўқотсак ҳам бўлади...”; “Ёшларни бошини бир-бирига бирлаштириш...”.

Нутқнинг ўринлилиги коммуникатив ҳодисани яхлит қабул қилишни тақозо этади. Вазият ва шахснинг рухий ҳолатлари билан боғлиқ ўринlilik аниқлик билан боғлиқ: ноаниқлик ўринсизлик, демакдир.

Нутқнинг мантиқийлиги. Ҳар қандай матннинг муҳим коммуникатив сифатларидан яна бири мантиқийликдир. Нутқнинг мантиқийлиги аниқлик ва тўғрилиқ билан чамбарчас боғлиқ. Мантиқийлик фақат лингвистик ҳодиса саналмай, балки экстралингвистик ҳодиса сифатида ҳам намоён бўлади. Бунда нотикдан тилни яхши билишгина эмас, ўзи мулоҳаза юритаётган мавзу атрофида кенг билимга эга бўлиш ҳам талаб қилинади.

Мантиқ қонунларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, аниқлик, зидсизлик, асослилиқ мантиқий тўғри нутқнинг асосий белгилари ҳисобланади. Мантиқийлик хусусияти худди аниқлик каби нутқнинг мазмунини белгилайди.

“Эй фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганигда маъноли гапир, бу нотикликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканини билмасанг, қушга ўхшайсан, бундай қушни тўти дейдилар. Тўти ҳам сўзлайди, аммо сўзнинг маъносини билмайди”.

Кайковусе “Қобуснома”.

Мантиқан тўғри нутқ фикр таркибини тўғри моделлаштириш орқали аниқликка эришишга ёрдам беради. Бундай вазиятда баён мантиқий фикрлашнинг давоми сифатида муҳим аҳамият касб этади. Мантиққа риоя қилиш ёки унинг бузилиши адресатнинг нутқни тушунишига таъсир этади. Баён мантиқийлиги матндаги лавҳаларнинг шундай кетма-кетлигини билдирадики, бунда адресат матннинг яхлит мантиқийлигинигина эмас, қисмлар мазмунини, уларнинг матндаги ўрнини англаб олишга ҳам имкон беради.

Б.Н. Головин мантиқийликни икки гуруҳга – нарса ва тушунча мантиқийлигига бўлади. Нарса мантиқийлиги нутқдаги тил унсурлари билан реал воқеликдаги нарса-ҳодисаларнинг мазмуний алоқаси ҳамда муносабатидир. Тушунча мантиқийлиги эса нутқда мантиқий тафаккур қурилишини ва унинг тил унсурлари маънавий алоқадорлигида ривожланишнинг акс этишидир.

Матндаги фикрлар кетма-кетлиги, мантиқий изчиллик тушунча мантиқийлигини таъминлайди. Матндаги бошланмалар ўртасида ҳам мантиқий боғланиш бўлиши керак.

Мантиқий деб мантиқ доирасида тузилган матнга айтилади. Мантиқийлик ҳам гап, ҳам бутун газета матни даражасида намоён бўлади. Мантиқийлик ахборотни баён этишдаги изчиллик, мутаносиблик ва мақсадга

йўналтирилганликни назарда тутлади. Гап даражасидаги мантикийлик зиддият билан боғлиқдир. Масалан: “Адҳамдан ҳамкасблари миннатдор. Чунки ишчиларга қулай шароит яратиш мақсадида дам олиш хоналари, тиббиёт хонаси, ҳаммом, спорт билан шугулланиш учун етарли имкониятлар, бепул йўлланма берилган”. Бу гап мантиқан тушунарсиз. Етарли имконият яратилганми ёки ташкил қилинганми? “**Ҳаётдан олдин** кўз юмганлар...”; “Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро шаҳарларида қўлбола арозлар тайёрлаб, сохта фаолият юритаётганлар ҳақида **фикр юритамиз...**”; “...репортажлари билан шундай **ҳурматли эътирофга** лойиқ”.

Мантикийлик аниқлик билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли мантиққа зидлик ўзаро фарқ қилувчи турли тушунчаларни солиштириш ёки бир-бирига карама-қарши қўйишда намоён бўлади. Масалан: “**Мана, сиз отаси, мабодо** ҳеч қачон хонадонингизда бундай кўнгилсиз ҳолатлар бўлмасин...”; “...**ғиёҳвандлик** ўз домига **ёшу қарини** тортмоқда”, “**ғиёҳвандликка қарши** мурасасиз кураш...”, “**беғуноҳ** одамларни **ғиёҳвандликдан ҳалок** бўлиши...”.

Нутқнинг мантикийлиги деганда яхлит бир система асосида тузилган, фикрлар ривожини изчил бўлган, ҳар бир сўз, иборанинг аниқ мақсадга мувофиқ келиши тушунилади.

Шундай қилиб, мантикийлик аниқлик каби матн тўғрилиги ва кимга қаратилганига қараб тушунарлиликка эришишга ёрдам беради. Адресат ва адресантнинг турли интеллектуал даража ва турлича фикрлашида ҳам мантикийликтақозо этилади.

Ифодалилиқ (экспрессивлик) нутқнинг интеграл хусусияти бўлиб, нутқ муаллифининг ўзига хос индивидуаллигини коммуникатив мақсадда намоён этишдаги самарадорликни тушунади.

Нутқдаги ифодалилиқ масаласи мунозарали бўлиб, кўп баҳсга сабаб бўлган. Масалан, экспрессивлик публицистик услубнинг асосий белгиларига, мантикийликка зид келади. Шундай бўлса-да, публицистик нутқдаги ифодалилиқ ўзига хос бўлиб, бунда ахборотга эмоционал муносабат билдирибгина қолмай, матннинг ўзига ҳам, адресатга эмоционал таъсир кўрсата олиши ҳам назарда тутилади.

М.Н. Кожина буни “интеллектуал экспрессивлик” деб ҳам атайди. Нутқдаги ифодалилиқ мезонлари аниқлик, мантикийлик мезонлари билан боғлиқ ва уларни ўзида бирлаштирган бўлади. Бу билан нутқдаги аниқликка эришишини осонлаштиради.

Сўз (нутқ) мазмундор бўлиш билан бирга таъсирчан ҳам бўлмоғи керак. Бунинг учун луғат таркибидаги мавжуд сўз бойликлари, сўзларнинг маъно имкониятларидан фойдалана билиш керак.

Образли фикрлаш орқали юзага келувчи образли нутқни ўз ичига олган ифодалилиқ фан соҳасида билиш, ўрганишга хизмат қилади. Масалан, илмий нутқдаги образлилик схематиклиги, типиклиги ва умумлаштирувчанлиги ҳамда мавҳумлиги билан ажралиб туради.

Образлилик нуткни безаш учун эмас, балки тадқиқ этилаётган ходисаларнинг моҳиятини очиш воситаси сифатида хизмат қилади. Барча образли воситалар ичида илмий нутққа хос бўлган ўхшатиш кўп учрайди ва у мантикий фикрлаш шаклларида бири сифатида намоён бўлади. Уларнинг аниқлиги нутқ аниқлигини кучайтиради.

Нутқда метафора ҳам кенг қўлланилади. Бундай тил воситалари бадиий нутқдаги метафоралардан фарқи кўп ёқлама эмас, балки икки ёқлама хусусиятга эга. Истиоралар кишининг турли индивид ва объектлар ўртасидаги ўхшатишларни пайқаш, яратиш талабига жавоб беради.

Ифодалилик ўз ичига тилнинг тасвирий воситалари, фразеологизмлардан фойдаланишни камрайди. Бундан ташқариматнда прецедент матнлардан фойдаланиш ҳам матн ифодалилигини кучайтиради. Тилнинг тасвирий воситалари матннинг эстетик руҳини ошириши билан бирга эмоционалликни ҳам кучайтиради. Унга муҳим безаклар берувчи троп ҳамда фигураларнинг қўлланиши нутқ риторик кучининг қай даражада эканини кўрсатиб туради.

“Илми яхши ўргангил. Билган илмингни яхши иборалар билан баён қилгил. Бемаъни даъво билан ҳижолат бўлмагил. Ўзинга маълум бўлган ва яхши билган сўзларингни кўпроқ айтгил. Бемаъни сўзлар билан шарманда бўлмагил. Агар сўзнинг юксак (ва таъсирчан) бўлишини истасанг, киноя, истеҳзоли гапни (кўп) сўзлама, мумкин қадар истиораларни ишлатгил. Мадҳда истиорани ишлатгил”.

Кайковус. “Қобуснома”

Ифодалилик экспрессивликка асосланади. Экспрессивлик, аввало, умумий нейтрал фонда тил ёки нутқий фактни ажратиб кўрсатиш, орттирилган интенсивликни тушунишни билдиради. Масалан, *“Билсангиз, баҳор элчиси, илк кўкلامий ифорларни борлиққа тарқатувчи...”*. Баҳор элчиси нутққа образлилик, экспрессивлик бағишлаш мақсадида кўчма маънода ишлатилган. *Кўкلامий ифор* ҳиссий-экспрессив бўёқдорликни оширишда қўлланилган.

Иборалар ҳам нутқи ифодалилигини оширади: *“Айниқса, пулга ружу қўйганларни йўлдан адаштириш хамирдан қил суғуришдай бир гап”*. Бу ҳолатнинг гувоҳи бўлган тарбиявий ишлар бўйича директор муовини аввалига ичаги узилиб кулган, бир куни бу сўзлардан ўзи эриб кетганида эса мактаб залида чинакамига болаларни қувлаб юрганини кўриб ҳайратдан ёқа ушладим”. *“Фан оламидаги бунга ўхшаш бағриторлик, жаҳолат не-не эзгу кашфиётларни юлдуз кўрмай жон беришига олиб келган”*; *“Куруқ қошиқ огиз йиртади* деганлари рост. Қозғозда бору амалда йўқ (,) қарор озуқа эмаски, қирчиллама қишда...”

Товушдош сўзлардан фойдаланиш ҳам ифодалиликнинг бир кўринишидир. Масалан, *Ўзбегимнинг баҳори ўзгача бўлади, шаксиз. Ўзлигини англаган, ўз йўлини ўнглаган ўзбегимнинг ўн етти баҳоридир бу. Эркин юртдан эрк топган, эллар ичра эъзоз топган элимнинг баҳоридир бу”*.

Ифодалилик матнининг диалогли шакллари билан ҳам мувофиқ келади. Диалоглиликни ифодаловчи тил воситаларини билиш ва улардан амалда фойдаланиш матнни имкони борича адекват тушунишга ёрдам беради. Интонация ҳам нуткка ифодалилик бағишлайди.

Шундай қилиб, нутқнинг коммуникатив сифатларини жуфт тарзда ўрганиш улар ўртасидаги боғланишларнинг турлича экани ҳақида хулоса чиқаришга ундайди. Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, ифодалилиги, софлиги, ўринлилиги каби хусусиятлар аниқлик ва тушунарлиликка эришишнинг асосий шартидир.

Бу хусусиятлар бир-бири билан уйғунлашганда тушунарлилик кучаяди. (Масалан, нутқнинг нотўғрилиги бошқа хусусиятларнинг бузилишига олиб келади, ифодалилик аниқлик ва мантиқийликни бирлаштиради, ўринлилик эса нутқ вазиятидаги коммуникатив сифатларнинг мазмунини белгилайди. Ушбу сифатлар нутқнинг тушунарлилиги билан икки ёқлама боғланади. Чунончи, нутқнинг аниқлиги унинг тушунарлилигини белгиласа, унинг тушунарлилиги аниқлигидан келиб чиқади; вазият ва шахсий-руҳий ҳолатининг ўринлилиги тушунарлилик орқали аниқланади).

Турли коммуникатив вазият ва ҳолатда ушбу система элементларининг турли тарзда намоён бўлиши нутқнинг тушунарли ёки аксинча, тушунарсиз бўлишига олиб келади.

Одатда, яхши нутқ ёзаётган, сўзлаётган ва мулоқот қилаётган кишининг нутқ маданияти юкори даражада эканини билдиради.

Турли интеллектуал таълим даражасига эга коммуникантларни умумий асосда бирлаштирувчи коммуникатив хусусият, бу нутқнинг тўғрилигидир. Тўғрилик эса нутқ маданиятининг асосий белгисидир.

Калит сўзлар: *экспрессивлик, ифодалилик, коммуникатив, нутқ сифатлари, тўғрилик, аниқлик, мантиқийлик, товуш, ифода, лексик, семантик, синоним, ўхшатиш, тозалик.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Нутқнинг коммуникатив сифатлари деганда нимани тушунаси?
2. Нутқнинг тўғрилиги ва аниқлиги нутқ маданияти учун қандай аҳамиятга эга?
3. Қандай нутқни мантиқийва соф деб ҳисоблаймиз?
4. Нутқнинг бойлиги қандай критерияларга боғлиқ?
5. Нутқнинг ўринлилиги ва таъсирчанлиги қандай омилларга эга?
6. Нутқнинг ифодалилиги нима ва қандай усуллар орқали амалга оширилади?

Адабиётлар рўйхати

1. Эркин Воҳидов. Она тилим. //Халқ сўзи, 2003 йил 21 октябрь.
2. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг таракқиёт босқичлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996.-176 б.

3. Усмонов О. Тил маданиятининг муҳим масалалари. “Ўзбек тили ва адабиёти масалалари”, 1973, № 1, 1974, №4.

4. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т., 1992 .

5. Ицкович В.А. Языковая меъёр. //Общее языкознание. –М., 1970.С. 565.

5-мавзу. НУТҚ МАДАНИЯТИНИНГ ЭТИК АСПЕКТИ

1. Нутқ маданиятининг этик жихати.
2. Нутқ одоби.
3. Нутқий этикет формулалари.
4. Мулоқот маданияти.

*“Сўз фойдаси туфайли, кўргин, қора ердаги,
Яшил кўкка юксалади, тўрға чиқади.
Агар тил сўзни уддалаб сўзлай олмаса,
Яшил кўкда бўлса ҳам, у кишини пастга
туширади, кўр”.*
Юсуф Хос Ҳожиб.

Қадимдан нутқ маданияти кўринишлари кўпроқ тил одоби (нутқ одоби) тарзида намоён бўлган ва тилни эгаллаш, умуман тилдан, нутқ воситаларидан тўғри фойдаланиш, тилга муносабат ва хурмат, асосан, ахлоқий меъёрлар орқали бошқарилиб турилган. Бундай ахлоқ-одоб қоидалари, уларнинг асосий кўринишлари ва талабларини халқ оғзаки ижодларида, қадимий ёзма ёдгорликларида учратиш мумкин. Масалан, Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида “Эрдам боши тил”, яъни одобнинг боши тил деган мақол келтирилган. Ушбу мақолда инсоннинг маданияти ва одоби тилда намоён бўлади деган маъно бор.

Дарҳақиқат, тил – алоқа қуроли, тил – ҳаёт кўзгуси, тил – маънавият белгиси. Тил орқали алоқа ўрнатилади, ахборот алмашилади, тил орқали инсонлар мулоқотга киришадилар ва энг асосийси тил инсон одобининг кўзгуси ҳисобланади. Киши одоби, энг аввало, унинг тилида намоён бўлади.

Навоийнинг фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар ҳақидаги мулоҳазалари, асосан, нутқий одоб билан боғлиқдир. Булар нутқнинг тўғрилиги, ростлиги, сўзловчининг самимий ва дилкашлиги, нутқнинг аниқ ва равшанлиги, нутқнинг ёқимлилиги, ширинлиги, нутқнинг таъсирчанлиги, нутқнинг равонлиги, нутқнинг тушунарлилиги, нутқнинг чиройлилиги (гўзаллиги), нутқнинг фойдали, жонбахшлиги, нутқнинг одоб доирасида бўлиши, нутқнинг софлиги, поклиги, эътиборга лойик бўлишлиги ва бошқалардир.

Ҳозирда нутқ одоби деб юритилаётган нуқтаи назарлар жуда қадимда яшаб ўтган аждодларимизнинг тафаккури мевасидир. Бунинг ёрқин намуналари ёзма манбаларда, халқнинг удумларида сақланиб, бизгача етиб келган: халқнинг оғзаки тилидаги, лаҳжа ва шевалардаги тил ва нутққа оид фикрлари; қадимий ёзма обидалар (тошбитиклардаги матнлар, тарихий мемуарлар, мумтоз адабиёт асарлари ва бошқалар); халқ оғзаки ижоди асарлари “Авесто”да тил, нутқ, нутқ одоби, тилга муносабат, тилни улуғлашга оид фикрлар ҳам мавжуд. Унда жуда кўп жойда такрор айтилишича, ўша давр дини ва маънавияти асосини эътиқод, эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал тушунчалари ташкил этган.

Келтирилган эзгу сўз тушунчаси халқ учун фойдали бўлган фикрни ифодалаган, уни нутқ одоби ва маданиятига амал қилган нутқ ҳамда кишиларга манфаат келтирувчи ва таъсир этувчи, қолаверса, уларни тарбияловчи восита, сўз деб тушунмоқ керак. Бу фикрни баъзи ўринларда эзгу сўз ўрнида эзгу калом, эзгу фикр, муқаддас сўз кабилар ифодалашда ҳам кўриш мумкин.

“Қутадғу билиг” асарининг бир неча боби бевосита одоб-ахлоқ қоидаларига бағишланган бўлиб, унда нутқ одоби талабларини тушунтириш алоҳида ўрин тутди. Асарда “Тил ардами” (“Тил одоби”) дейилган махсус боб бўлиб, унда тилнинг аҳамияти, нутқ одобига оид мулоҳазалар баён қилинади.

Аҳмад Югнакий “Ҳибатул ҳақойиқ” асарида тил одоби ҳақида қуйидагиларни баён қилган:

Кудазгил тилингни, кел оз қил сўзунг,

Кудазилса бу тил кудазлур ўзунг. (Тилингни тий, сўзингни қисқа қил, бу тил тийилса, ўзинг ҳам сақланасан).

Демак, нутқий одобнинг асосий шарти тилни тийиш, ўринли сўзлаш, инсоннинг тили ва дили бир бўлишидир ва ўзаро мулоқотни таъминлашдир: “Тил – сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир”.

Навоийнинг таъкидлашича, кўзга кўринган ҳар қандай воқеа-ҳодисани сўзлайвериш тўғри эмас:

Тил бори ул дегки, демак хўб эмас,

Кўз кўрубон оники, матлуб эмас.

Навоийнинг ёзишича, киши, умуман, она тили олдидаги масъулиятини сезмас экан, демак, нутқи олдидаги масъулиятни ҳам ҳис қилмайди:

Сен ўзунгни тонимас эрмишсен,

Ўз сўзунгни тонимас эрмишсен.

Мана шу фикрни адиб: “Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз” дея кенгрок маънода ифода этган ва бу эндиликда халқ орасида макол, ҳикматли сўз даражасида яхши маълум.

Нутқ одобининг (нутқий этикет) маданий-ахлоқий талаб ва асослари нутқ меъёрлари сифатида қадимдан авлоддан-авлодга ўтиб келган. Ушбу нутқ одоби меъёрларининг сақланиши, ўзлаштирилиши ва яшаб келишида оилавий анъаналар, бир тил жамоаси доирасида амал қилинган анъанавий қоидалар, суҳбатдошларнинг бир-бирини назорат қилиши, таълим-тарбия, ўғит-насихат жараёни, шунингдек, нутқий одоб меъёрлари ёзилган адабиётларни мутолаа қилиш асосий ўринда турган.

Ҳозирга келиб ҳам нутқ одобига (нутқий этикет) амал қилиш инсоннинг маънавиятини, маърифатини белгиловчи асосий мезони ҳисобланади. Нутқ одоби айтилиши керак бўлган хабарларни тингловчини ҳурмат қилган ҳолда, нутқ одоби қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда етказиш тушунилади.

Нутқ маданиятининг этик жихати, мулоқот жараёнида нутқий хулқ-атвор қоида ва меъёрларига риоя қилишни, мулоқотнинг сўзлаш формулалари тизимини билишни талаб этади.

“Нутқий этикет (нутқ одоби) дейилганда, сўзлашув одоби қоидаларини тартибга солувчи миллий, ўзига хос стереотиплар, жамият томонидан

суҳбатдош билан алоқа ўрнатиш, алоқани танланган тоналликда давом эттириш ёки тугатиш учун қабул қилган сўзлаш формулалари назарда тутилади” (Н.И.Формановская).

Инсон умуммаданиятининг ажралмас қисми бўлмиш нутқ маданияти муайян вазиятда нутқ одобига риоя этишни талаб қилади.

Нутқ одобига оид барча тил бирликлари *прагматик, лисоний, социолингвистик* ва *лингвокультурологик* нуқтаи назардан ўрганилади.

Биринчи нуқтаи назарга кўра, нутқ одоби бирлиги нутқ изҳори билан тенг бўлади. Бунда мулоқотнинг прагматик, ҳамкорлик ва хушмуомалалик принциплари амал қилади. Худди шулар нутқ одобида этик категориялар, мулоқотнинг ташқи меъёрларига риоя этувчи кишининг ахлоқий сифатлари тарзида намоён бўлади. Хушмуомалалик, самимийлик ёки кўр-кўрона самимийликни ҳам билдиради.

Лисоний нуқтаи назардан нутқ одоби иборалари бевосита мулоқот жараёнида амалга ошувчи ибора-ҳаракатлардан иборат, яъни “мен”, “сен” билан “шу ерда” учрашади. Ушбу кўрсаткичлар ҳамisha тилнинг семантик ёки грамматик таркибида ифода этилади. Ибора орқали бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш, масалан, *хайрлашиш* ибораси орқали “ўзимники – ўзганики”; “яқин – узок”, “таниш – нотаниш” каби қўшимча ижтимоий маънолар ҳам юзага келади.

Нутқ одобининг социолингвистик микёсида мулоқот килиб турган кишиларнинг доимий, муҳим белгилари: ёши, маълумоти, одоби, савияси, туғилган жойи ва ҳ.к. билиниб туради. Нутқий этикет формулаларининг тарихий жараёнда кўлланиши, уларнинг ўзгариши социолингвистик микёсда ўрганилади. Нутқ одобида халқнинг миллийлиги билан бирга маданий-тарихий тажрибаси ҳам акс этиб туради.

Лингвокультурология нуқтаи назаридан олиб қаралганда, нутқ одоби халқнинг билими, маданиятининг маҳсули сифатида намоён бўлади.

Ушбу принцип нутқ одоби кўламини кенг талқин этиш имконини берса-да, нутқ одоби тушунчаси “ахлоқий меъёр” тушунчасига нисбатан тор. У ўз ичига профессионал ёки шахсий одобни эмас, балки лисоний дид, халқнинг миллий ахлоқий удумлари, менталитети, эстетик тажрибасини қамраб олади.

Нутқ одоби муваффақиятли мулоқот кўринишларидан биридир. Мулоқотнинг самарали бўлиши нутқий мулоқот белгилари билан белгиланади. Уларни санаб ўтамиз:

- сифат белгиси (ахборот сохта ёки ёлғон-яшиққа асосланган бўлмаслиги керак);

- сон белгиси (ахборот жуда қисқа, жуда узун ва зерикарли бўлмаслиги керак);

- муносабат белгиси (ахборот адресатга мос бўлиши керак), усул белгиси (ахборот аниқ, тушунарли бўлиши, адресатга тушунарсиз сўз ва иборалар бўлмаслиги керак).

Ушбу белгиларнинг бирортасига риоя қилинмай қолса, бу нарса коммуникатив муваффақиятсизликка олиб келади.

Оғзаки нутққа қўйилган этикет талабларининг орасида оҳанг муҳим ўрин тутади. Тил эгаси мулойим оҳангдан энг кўпол оҳанггача аниқлай олади. Бирок маълум нутқ вазиятини ҳисобга олмасдан қайси оҳанг қайси нутқ этикетига тўғри келиши, қайси нутқ маданиятининг чегараларидан чиқиб кетишини аниқлаш амримаҳол. Бир гапнинг турли оҳангда айтилиши (демакки, турли оҳанг конструкцияларидан фойдаланиш) маъно бўйича, долзарб ажратиш, услубий оҳанг, шу жумладан, сўзловчининг тингловчига нисбатан муносабат билдириши жиҳатидан турлича баҳо берилишига сабаб бўлади. Айни вазиятда қайси оҳангдан фойдаланиш кераклиги белгиланади. Менсимай гапириш ёки буйрук бериш, ақл ўргатиш оҳангида сўзлашиш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, *“Кеча қаерда эдингиз?”* саволи билан раҳбар ишчига, ички ишлар ходими айбланувчига, бир дўст иккинчисига мурожаат этганда ёки шунчаки гап орасида айтилганда гап оҳангига кўра турли маъно касб этиши мумкин.

Мулоқот қоидалари мулоқот мавзуйига айланган ҳодисанинг қувончли ёки ғамгинлиги билан ҳам белгиланади. Бу айтилажак жумланинг оҳангини ҳам белгилайди. Оғзаки нутқда жумла оҳанги муҳим. Нутқ вазиятини ҳисобга олмасдан оҳангнинг нутқ одоби доирасидами ёки йўқлигини аниқлаш мумкин эмас. Бир жумлани турли оҳангда айтиш, жумланинг бўлиниши, стилистик бўёқдорликка қараб унинг маъносини турли хилда ифодалаш имконини беради.

Оғзаки нутқ оҳангдан ташқари имо-ишоралар, мимика сингари қатор паралингвистик бирликларнинг қўлланиши билан фарқланади. Улар жумласига “ҳа” ёки “йўқ”, рози-норози маъносини англатиш, таъзим, қўл бериб кўришиш, инвектив маънони билдирувчи хатти-ҳаракат қабиларни киритиш мумкин.

Имо-ишоралар бирор-бир ахборотни етказишга хизмат қилади. Яна шуниси ҳам қизиқки, бир хил имо-ишора ва мимика ҳаракатлари турли маданиятларда турли маънога эга.

Имо-ишоралар ва мимиканинг нутқ одобига оид маъноларидаги хилма-хиллик имо-ишора ва мимик коммуникация тадқиқотлари системаси доирасида ўрганилади.

Нутқ этикети нуқтаи назаридан паралингвистик белгилар қуйидагиларга бўлинади:

- этикет нуқтаи назаридан нейтрал бўлган (оғзаки айтилган нутқ сегментларини такрорловчи ёки ўрнини босувчи – ишора қилувчи, кўрсатувчи, таъкидловчи, инкор этувчи ва ҳоказо);

- этикет қоидалари талабларига жавоб берувчи (таъзим қилиш, қўл қисиш ва ҳоказо);

- таққирловчи ва камситувчи маънога эга белгилар.

Бундан ташқари паралингвистик белгилар этикетга тўғри келмайдиган (масалан, одамларни бармоқ билан санаш каби) информатив хусусиятга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари нутқ этикети талаблари паралингвистик суҳбатни умумий тарзда қамраши мумкин.

Ҳар қандай мулоқот жумласи мақсадли контекстлар таркибида кўриб чиқилиши керак. Масалан, “Соатингиз борми?” сўроғи аслида “Соатингиз неча бўлганини айтиб юборинг” деган маънони англатади. Шунинг учун буни ҳисобга олмай, “Ҳа, бор” жавоби нутқ одоби талабларига тўғри келмай қолади.

Нутқ одоби ўзига мансуб маданият талаб қилувчи ҳамдардлик, шикоят, айб, ғам-ғусса каби маъноларни турлича усулларда ифодалайди. Хусусан, мусулмончилик маданиятида қийинчилик ва муаммолар тўғрисида шикоят қилиш, нолиш ноўрин. Ўз муваффақияти ҳақида қайсидир маданиятда айтиш мумкин, бошқасида эса, аксинча.

Адабий меъёрларни менсимаслик ҳам нутқ одобининг бузилишига олиб келади.

Нутқ одоби талаблари ҳам фаол, ҳам нофаол лисоний амалиётнинг ажралмас қисми бўлиб, нутқ маданияти савияси (юқори ёки пастлиги) билан белгиланади. Саломлашишда, масалан, суҳбатдошнинг ёши, албатта, инobatга олиниши шарт.

Нутқ одоби махсус тил воситалари системаси сифатида ҳам намоён бўлади. Унинг унсурлари тилнинг турли ярусларида қўлланади. Масалан, лексика микёсида: *Раҳмат, Марҳамат, Кечирасиз, Узр, Хайр*.

Грамматика микёсида: сизлаш маъносини ифодалаш учун *-лар* қўшимчасидан фойдаланиш.

Стилистик микёсда: саводли, маданиятли нутқни талаб қилиш; куракда турмайдиган сўзларни қўлламаслик, уларнинг ўрнига эвфемизмлардан фойдаланиш.

Интонация микёсида хушмуомалалик оҳангидан фойдаланиш. Масалан: *илтимос, эшикни ёпинг* жумласи турли оҳангларда – илтимос ёки қатъий совуққонлик билан билдирилган талаб оҳангида айтилиши мумкин.

Орфоэпия микёсида: *Ассалому алайкум*, салом ўрнида.

Коммуникация микёсида: суҳбатдошга гапни бўлиш, ўзгалар суҳбатига аралашини тақиқлаш.

Шундай қилиб, нутқ одоби қатъий талаблардангина иборат эмас ва улар ўта ўзгарувчан.

Нутқ одоби нутқий вазиятга ва унинг барча хусусиятлари мулоқот мавзуси, жойи, вақти, сабаби, мақсади ва ким билан мулоқот қилишига боғлиқ бўлади.

Нутқ одоби бир қанча коммуникатив функциялари билан ҳам ажралиб туради:

- суҳбатдошлар ўртасида алоқа ўрнатиш;
- тингловчи диққатини жалб этиш, унинг бошқалардан ажралиб турмиши;
- ҳурмат маъносини ифодалаш;
- мулоқот мавқеини аниқлаш (масалан, дўстона, ишчанлик, расмий ва б.);
- мулоқот учун ижобий эмоционал вазият яратиш ва тингловчига таъсир ўтказиш ва б.

Нуткий этикет формулалари ўз ичига *саломлашиш, илтимос, узр сўраш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш, табриклаш, тилак билдириш, таъзия изҳорэтиш* каби тушунчаларни камрайди.

Нуткий этикет ҳар бир тилда ўзига хосдир. Бу нарса лингвистик ва ахлокий жиҳатдан намоён бўлиши мумкин. Нутк маданиятини билиш профессионал мулоқотнинг асосий шартидир. Нутк маданияти кенг маънода ҳар қандай муваффақиятли мулоқотни назарда тутди.

Нуткий этикет формулалари одобликни ифодаламайдиган бир хил ўзакли ёки синоним сўз ва иборалар билан ҳам мутаносиб келиши мумкин: *чин дилдан миннатдорман, ... у чин дилдан миннатдорчилик билдирди*; ёки “*мени кечиринг*” ибораси маъноси “*Мен сендан узр сўрашим шарт эмас!*”; “*Мен бошқача қилсам ҳам*”; “*Менинг айбим унчалик катта эмасдир*”; “*Энди нима қиламан*”; “*Сиз мени ҳеч қачон кечирмайсиз!*” ва бошқа хилдаги жумлалар кўринишида ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Кечирим ифодаларидаги муайян маъноларни ҳар қандай тил эгаси турли нутк шароитида англаб, ажратиб олиши мумкин.

Масалан: *аллэ, чао, гудбай, привет, асосан, ёшлар ўртасида ишлатилади. Тани жонингиз соғ бўлсин, барака топгур, шунга бир ёрдам қилиб юборинг* – катта ёшдагиларга хос қолиплаган иборалар; ўта ўқимишли, тарбияли одамлар нутқида сизлашиб гапириш кучли; суҳбатдошларнинг жинси ҳам мулоқот пайтида катта аҳамият касб этади. Бу маънода аёлларнинг хушмуомалаликка мойиллиги, сўқиниш, кўпол сўзларни камроқ ишлатиши, мавзунини танлашда анча инжиклиги яққол кўзга ташланади.

Хилма-хил нуткий этикетларни танлаш ҳам турли касб эгаларига хос хусусиятдир.

Суҳбатдошларнинг нутқи турли функционал стилларга мансублиги нутк одобига оид лексиканинг стилистик жиҳатдан хилма-хиллигини белгилайди.

Ҳар бир функционал стиль ўз одоб қондасига эга. Масалан, расмий нутқда расмиятчилик даражаси ўта юқори бўлади: бунда суҳбатдошларнинг исм-шарифи, мулоқот предмети номлари тўлиқ айтиб ўтилади. Илмий нутқда одоб қондаларининг мураккаб системаси ишга солинади, улар баён этиш тартибини, олдинги мулоҳазаларга муаллиф ўзининг фикрларини *биз* шаклида ифодалаш оdatий ҳолга айланган: *бизнинг фикримизча; шундай деб ҳиссблаймиз; ўйлаймизки* ва б.

Нуткий этикет бирликларини танлаш касбий фаолиятнинг турига хос хусусиятдир.

Нутк этикети доирасидаги хатти-харакатлар турли ижтимоий гуруҳ вакилларининг нуткий фаолиятида турли тил бирликларини қўллаш орқали намоён бўлади.

Н.Формановская “семантик табиатига кўра ҳам нутк одобини уч хил кўринишдаги муносабатларни ифодалашга хизмат қилади. Булар:

1. жинси;
2. ёши;
3. ижтимоий мавқеи билан боғлиқ муносабатлардир.

Улар халқнинг миллий, тарихий ва маънавий тажрибаси, мероси билан боғлиқ”, – деб таъкидлайди (Н.И. Формановская).

Мулоқот маданияти ва нутқ этикети бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Улар кишининг иш фаолияти, профессионал алоқаси ва ҳамкорлигида ўзаро ижтимоий муносабатларни таъминлайди. Шунинг учун нутқ маданияти суҳбатдошларнинг ўзаро муваффақиятини таъминловчи қоидалар билан боғлиқ. Улар мулоқот принципларига асосланиб ифодаланади. Улар қуйидагилар:

Сўзлашув қоидалари:

1. сифат (маълумот, хабар ёлғон бўлмаслиги лозим).
2. миқдор (маълумот, хабар етарлича ва лўнда бўлиши керак).
3. усул (маълумот, хабар тушунарли, аниқ, суҳбатдош учун тушунарсиз ибораси бўлмаслиги лозимлиги)га асосланади.

Улардан бирига риоя қилмаслик алоқанинг муваффақиятсизлигига олиб келади.

Мухим талаблар қаторига хушмуомалаликни ҳам киритиш мумкин. Бироқ Грайс уни асосий талаблар сирасига қўшмаган, чунки хабар беришнинг асосий мақсади тезкор маълумот етказишдан иборат. Масалага ҳатто шундай утилитар тарзда ёндашилганда ҳам нутқ маданиятининг талабларини муваффақиятли алоқа ўрнатишнинг асосий шарти сифатида баҳолаш тўғри бўлади. Бундан ташқари мазкур талаблар бошқа мақсадга қаратилган маълумот, хабарларга ҳам боғлиқ: ўзаро алоқа ўрнатиш, тингловчиларни ўз томонига оғдириш ва б. Бунда хушмуомалалик қоидаси биринчи ўринга чиқади. Бошқа қоидалар четда қолиши мумкин.

Мулоқот самарадорлиги. Мулоқот маданиятининг асосий кўрсаткичи нутқда адабий тил меъёрларига амал қилишдир. Оғзаки нутқ бу адабий тилнинг жонли сўзлашувдаги кўринишидир.

Мулоқот жараёнида инсонлар бир-бирига таъсир кўрсатиш билан бирга ўзларини аниқ бир мақсадга қаратилган хулқини (ахлоқини) кўрсатадилар.

Норасмий равишдаги мулоқот вазиятни, ҳолатни эътиборга олиб, нутқ сўзлаш тезкорлиги, ўз-ўзидан юзага келадиган тайёргарликсиз нутқ, сўзлашишда инсоннинг бу психологик эмоционал уларнинг жамиятдаги ўрнини ҳисобга олган ҳолда юзага келади.

Сўзлашув асосини тушуниш учун шундай хулоса муҳимдир: сўзлашувчи инсон ўзини шахс сифатида намоён қилади ва шундагина ўзга бир инсон билан мулоқотга киришиши мумкин.

Мулоқотнинг шартлари:

1. Мулоқотга мухтожликда, ўзаро фикр алмашувида (коммуникацион) манфаатдорликда.

2. Мулоқотнинг сифатли бўлиши сабаби тўғри тушуниш ва қабул қилиш ҳамда суҳбатдошларнинг дунёқарашлари бир-бирига яқинлиги.

3. Эшитувчининг гапирувчини коммуникатив ниятига қариб бориши уни тушуниши ва маъқуллаши.

4. Гапирувчини мавжуд бўлган ҳодиса хақида аниқ тасаввурга эга бўлиши.

Мулоқотнинг сифатига куйидаги ҳоллар таъсир қилади:

- ўзгаларнинг иштироки;
- мулоқотнинг тури (телефонда суҳбат, пейджерда маълумот);
- кайфият (канал);
- эмоционал ҳолат;
- физиологик ҳолат ва ҳ.к.

Мулоқотнинг самарадорлигини асосий компонентларидан бири сўзловчиларнинг этикет ҳақидаги билимларга эга бўлишидир.

Мулоқот самарасизлигининг сабаблари. Мулоқотнинг самарасизлиги суҳбатдошлар ўртасида ўзаро келишувнинг йўқлиги, бир-бирини тушунмаслигидадир.

Мулоқот самарасизлигининг сабаблари куйидагилар бўлиши мумкин:

1. Мулоқот қилувчиларнинг бир-бирини танимаслиги, уларнинг бир-бирини тушунишга хоҳиши йўқлиги, бегона одамларнинг борлиги, ўзининг фикрини баён этишга тўсик бўлиб туради. Мулоқотчиларнинг турли тоифага мансублиги, ёши, дунёқараши.

2. Мулоқотда суҳбатдошлар тенглигининг бузилиши, яъни кўп гапириш ва суҳбатдошининг фикрини эшитмаслик, гапиртирмаслик.

3. Мулоқотда самимиятнинг, фикр ва хиссиётнинг йўқлиги. Очиқ-ойдин гапирмаслик, гап тузишда расмий сўзларни кўп ишлатиш.

4. Суҳбатдошга ноўрин танбех бериш. Бу борада Цицерон шундай деган: “Кимки суҳбатдошнинг шарт-шароитини ҳисобга олмай, ҳаддан ташқари кўп гапириб, мактаниб, суҳбатдошнинг кадр-кимматини, унинг кизиқишини ҳисобга олмаса, у одамни ўринсиз, ноўрин дейилади”.

5. Суҳбатдошнинг ўз фикрини равон, тўлиқ, тушунарли ифодалай олмаслиги, тутилиб-тутилиб гапириши, ноўрин пауза қилиши. Бирон-бир воқеани икки хил одам ўзича талқин қилади.

Ҳар қандай тилдаги нутқ одоби миллий хусусиятга эга. Миллийлик фақат хулқ-атвордагина эмас, балки лисоний планда ҳам намоён бўлади.

Калит сўзлар: *одоб, ахлоқ, нутқ, нутқий этикет формуллари, коммуникант, суҳбатдош, нутқий ҳаракат, ўринли нутқ, ифода, мулоқот одоби, нутқ одоби, мулоқот вазияти, самарадорлик, миллий-маданий.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Нутқ маданиятининг этик аспекти деганда нимани тушунасиз?
2. Нутқий этикет формуллари ўз ичига қандай тушунчаларни камрайди?
3. Нутқ одоби қандай коммуникатив функцияларга эга?
4. Мулоқотнинг шартлари қайсилар?
5. Мулоқот самарадорлиги ва самарасизлигининг сабаблари қайсилар?

Адабиётлар рўйхати

1. Бегматов Э. Нутқмаданияти ва адабий меъёр. Лекторга ёрдам. – Т.: Ўзбекистон, 1973.
2. Бегматов Э. ва бошқ. Адабиймеъёр ва нутқ маданияти. – Т.: Фан, 1983.
3. Усмонов О. Тил маданиятининг муҳим масалалари. “Ўзбек тили ва адабиёти масалалари”, 1973, № 1, 1974, №4.
4. Кўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т., 1992.
5. Ицкович В.А.Языковой критерий. //Общее языкознание. – М.,1970. С. 565.
6. Щерба Л.В. Современный русский литературный язык. //Избранные работы по русскому языку. – М.: Учпедгиз, 1957. С. 110.
7. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1969. С. 67.
8. Горбачевич К.С. Изменение норм русского литературного языка. – Л., 1971. С. 270.

1. Нутқнинг қўллаш соҳасига кўра турлари.
2. Бадиий нутқ.
3. Илмий нутқ.
4. расмий нутқ.
5. Сўзлашув нутқи.

Нутқ маданияти билан услубиятнинг ўзаро муносабати хақида гап борганда тил ходисаси бўлган нутқ маданиятини, нутқий услубларни илмий соҳа бўлган нутқ маданияти ва услубиятдан фарқлаш лозим бўлади. Буларнинг биринчиси табиий ҳолда реал мавжуд бўлган тил ходисаларини англатса, иккинчиси ўша ходисаларни ўрганувчи фан тармоқларини англатади.

Ҳар бир мулоқот турининг ўз қонун-қоидалари, таъсир усуллари ва йўл-йўриқлари борки, уларни билиш ҳар бир кишининг бурчидир.

Услуб (стиль) тушунчаси тасвирий воситалар системасининг, санъатнинг ўзига хос йўналиши, усули деган маънода санъатшунослик фани томонидан ҳам кенг қўлланилмоқда. Стилни адабиётшунослик нуқтаи назардан тушуниш бадиий асарга ёки конкрет ёзувчига қаратилгандир.

Лингвистик стилистика эса икки асосий объектга эга: а) стиль (услуб) тил ёки нутқнинг бир кўриниши сифатида; б) бадиий асар ёки ёзувчи стили.

Олимлар, нотиклар, ёзувчилар антик даврлардаёқ у ёки бу тил воситасини қўллаш алоқа жараёнининг характери, шароити, мавзуси ва мақсади билан боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор берган эдилар. Ўша пайтларда нутқнинг уч тип (стили) ўзаро фарқланган: а) паст стиль, б) ўрта стиль, в) юкори стиль.

Тил стилларига оид бундай назариялар кейинчалик Европада нотиклик ва стилистиканинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Жумладан, француз академияси XVIII асрда стилларнинг қуйидаги таснифини тақлиф этди: юкори стиль – классик трагедиялар, одалар, ораториялар стили; замонавий стиль – роман, повестлар стили; фольклор стили ёки содда стиль – комедия, фарс ва масаллар стили²³.

Функционал стиллар тилнинг функциялашуви билан боғлиқ, яъни реал нутқда, матнда ўзига хос “композицион системалар” (акад.В.В.Виноградов термини) сифатида намоён бўладилар. Ёки бошқача қилиб айтганда, тилнинг турли яруслари (фонетик, лексик, фразеологик, морфологик, синтактик яруслари кабилар)га тааллуқли бўлган бирликлар хилма-хил стилистик бўёқда бўлишларидан қатъи назар алоқа қилишнинг маълум доирасига хизмат қилиш учун бўйсундирилади.

Шунингдек, инверсиянинг деярли бўлмаслиги, матннинг дарак-хикоя шаклида ифодаланиши, таъсирлилик – бадиий тасвир элементларининг учрамаслиги, маънонинг икки хил бўлишига йўл қўймаслик, кўшма гап

²³ Қаранг: Белоцкая Н.П. Стилистика современного французского языка. – М., 1974. С. 18.

шакллари кўлланишга кўпроқ мойиллик каби хусусиятлар эса расмий нутқ учун хосдир: “...Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қўйидагилар фахрий унвон ва орденлар билан тақдирлансин... “Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси”. Мусажонов Фарҳод – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси...” (ЎЗАС)

Умуман олганда, функционал стилларнинг таснифига қўйидаги икки гуруҳ омиллар асос бўлиб хизмат қилади: а) экстралингвистик омиллар (алоқа қилиш доираси ёки сфераси ҳамда вазифалари); б) соф лингвистик омиллар (тил бирликларининг услубий хосланиши). Шунга мувофиқ, тилнинг функционал стилларига тавсиф бераётганда экстралингвистик омилларни ҳам, соф лингвистик омилларни ҳам тўла ҳисобга олиш зарур.

Р.А. Будагов оғзаки ва ёзма стилларни тилнинг бош стиллари, деб ҳисоблайди. Бу стиллар ичида яна илмий ва бадиий стиллар ажратилади. Қолган стиллар эса нутқий муносабатлар билан узвий боғлиқ бўлиб, нутқ стиллари деб юритилади. Нутқий стилларнинг сони ва ички бўлиниши алоқа муносабатларининг ўзи сингари чексиз ва хилма-хил формаларга эгадир.

Лисоний услублар тўғрисида баҳс юритилганда асосан вазифавий услублар назарда тутилади.

Вазифавий услублар, уларнинг таснифи масаласида “*тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир*” деган фикрдан келиб чиқиш керак. Тил пайдо бўлганданок кишилар учун худди шу вазифани бажара бошлади.

Нутқ услублари деганда, тил услубларининг алоқа жараёнида қўлланилиши тушунилади. Бошқача айтганда, нутқ услублари тил услубларининг ҳаракатдаги шаклидир.

Нутқ услубий моҳиятига кўра қўйидаги турларга бўлинади: **илмий нутқ** (*тезис, мақола, маъруза, аннотация, тақризлар*); **бадиий нутқ** (*насрий ва назмий асарлар*); **расмий нутқ** (*маълумотнома, қарор, буйруқ, тавсифнома, тавсияномалар*); **оммабон нутқ** (*мақола, суҳбат, табрик ва хитоб нутқи матнлари*); **сўзлашув нутқи**. Сўзлашув нутқи кишиларнинг кундалик норасмий, эркин муомалалари доирасида тил бирликларининг ўзига хос амал килувидир.

Нутқда тил унсурларининг иштирок этишига кўра китобий услуб сифатида қаралувчи илмий, расмий иш қоғозлари ва публицистик услубларга сўзлашув услуби қарши туради дейиш мумкин. Сўзловчи ва тивловчи ўртасида нутқий алоқанинг бевосита амалга ошуви, нутқий жараённинг олдиндан тайёрлаб қўйилмаганлиги, нутқий муносабатда бўлаётган кишилар ўртасида расмий муомаланинг бўлмаслиги сўзлашув услубини бошқа вазифавий услублардан кескин чегаралайди.

Сўзлашув услубининг яна бир фарқи шундаки, унда лисоний ва нолисоний омилларнинг муносабати бошқа услубларга караганда мустаҳкамдир.

Сўзлашув нуткининг ўзига хосликлари:

1. Нутқ кўпинча эллиптик характерга эга бўлади. Сўзлашув жараёнидаги вазиятга кўра баёнотнинг маълум қисми нутқда колдирилиб кетилиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам тингловчиларга фикр тушунарли бўлади. Масалан, Қорами? Кўкми?

2. Сўзлашув нутқида тил бирликлари ўзининг экспрессивлик имкониятларини кенг намойиш қилади. Масалан, улгурмаймиз дейишдан кўра улгуриб бўпмиз, улгурмоқ қаёқда, улгуриб ҳам бўлдик каби жавоб қайтариш бир мунча табиийроқдир.

3. Оҳангнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлади. Нутқий оҳанг оғзаки нутқнинг амалга ошувида тил бирликларидан кейинги муҳим ҳал қилувчи восита бўлиб, нутқнинг тезлиги пауза, тон, мелодия, товуш тембри, мантикий урғу ва сўз урғуси каби интонациянинг кўринишлари маънони фарқлашда, унинг қирраларини ажратиб кўрсатишда, ҳаяжонни кучайтиришда катта хизмат қилади.

Барча вазифавий услублар учун умумий бўлган адабий холис луғавий қатлам сўзлашув нутқи учун ҳам хосдир. Сўзлашув услуби луғавий қатламида кундалик турмуш муомаласида фаол қўлланадиган сўзлар ва экспрессив буюкқа эга бўлган сўзлар кўзга ташланиб туради.

Илмий нутқ. Илмий нутқ фан, техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган вазифавий услубдир. Илмий услубнинг ҳозирги замон тараккиёти билан боғлиқ равишда қуйидаги умумий хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

1. Ахборотнинг объективлиги, аниқлиги.
2. Нутқнинг маълумотларга бойлиги.
3. Фикрнинг қисқа, лўнда ифодаланиши.

Илмий услуб лексикаси кўпроқ китобий, нейтрал сўзларни тўғри маънода қўллаш характерлидир. Бу услуб учун бегона унсурларни, тилнинг образли воситаларини қўллаш характерли эмас.

Илмий матн қурилишининг мантикий изчил бўлиши учун бошланмалар, гап қисмларини боғлаш учун шундай қилиб, шу сабабли, кўринадики, шунга кўра, айтилганларга кўра каби сўз ва сўз бирикмаларининг қўлланишини шартлаб қўяди. Кўп қўлланадиган биринчидан, бир томондан, иккинчи томондан, хуллас, демак типидagi кириш бўлаклари ҳам юқоридаги мақсадларга буйсундирилган бўлади. Кўпроқ феълнинг мажхул нисбатидан фойдаланилади.

Публицистик нутқ (оммабоп нутқ). Публицистик асарларнинг (масалан, хабар, репортаж, корреспонденция, мақола, очерк, фельетон, памфлет, бош мақола ва бошқаларнинг) услубий чегараланиши уларнинг алоҳида лисоний белгиларига эга эканлигида кўринади.

Адабий тилимизнинг бойишида публицистик услубнинг роли катта. Публицистик услуб ижтимоий-сиёсий билимларни тарғиб қилиш ва кенг халқ

оммасига етказувчи восита сифатида бу услуб тилининг ранг-баранглиги орқали кишилар онгига кўпроқ таъсир этади.

Бу услубнинг яна бир хусусияти шундаки, унда қисқалик марказий ўринлардан бирини эгаллайди, яъни қисқа, лўнда, тушунарли, ёркин, ихчам тилда ёзиш асосий талаблардан ҳисобланади.

Публицистик услубда газета тили алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки газета ва публицистика бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга газета услуби публицистик услубнинг бир тармоғи ҳисобланади.

Публицистик услубнинг ўзига хос белгиларидан яна бири шундаки, унда баъзи грамматик воситалар, равишдош, сифатдош оборотлар феълнинг шарт майли шаклларининг алмашилиб ишлатилиши, риторик, мурожаат, ундов, бир составли гапларнинг кўлланиш даражаси бошқа вазифавий услубларга нисбатан устунроқ.

Бадиий нутқ. Тил материални камраб олиш имкониятининг кенглиги, умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча луғавий бирликларнинг ҳамда бошқа вазифавий услуб унсурларининг иштирок этиши ва уларнинг муҳим бир вазифага – эстетик вазифани бажаришга хизмат қилишини бадиий нутқ услубининг ўзига хос хусусиятидеб қараш керак бўлади.

Бадиий адабиёт тили адабий тил билан бирга умумхалқ тили бойликларини ҳам камраб олади. Яъни асарнинг жанр ва мавзу талаби билан ёзувчининг индивидуал услубига боғлиқ ҳолда бадиий нутқдан умумхалқ тилидаги барча луғавий қатламлар иштирок этади.

Бадиий адабиёт тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, сўз санъаткорлари фақатгина умумхалқ тилида мавжуд бўлган сўз ва иборалардангина фойдаланиб қолмасдан, уларни қайта ишлаб, янги-янги маъноларда кўллайдилар, маъносини кенгайтирадилар, бойтадилар. Тилимизнинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда янги сўз ва иборалар яратадилар.

Адабий тилнинг нутқий имкониятлари тўлалигича бадиий нутқ услубида намоён бўлади дейиш мумкин. Бадиий услубнинг грамматик хусусиятларига назар ташласак, грамматик шаклнинг барча кўринишлари – шева ва тарихий вариантлари ҳам асарнинг мавзу талаби билан кўлланади. Масалан:

*Дунё бўлди чаманим маним,
Ўзбекистон ватаним маним.*

Бадиий нутқ услубида сўз туркумларини кўллашда ҳам ўзига хосликлар мавжуд. Бадиий нутқ услубида қўшма гапнинг барча турлари аралаш ишлатилаверади. Нутқ ҳам диалогик, ҳам монологик бўлиши мумкин. Бадиий услубни тилимизнинг бойлиги саналмиш тасвирий воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Хулоса қилганимизда, тил воситаларининг вазифавий чегараланиши уларни нутқ жараёнида ҳам фарқлаш заруратини келтириб чиқаради. Демак, нутқда ёзиш ва сўзлаш жараёнида масалага нутқ мавзуси ва хусусияти нуктаи назаридан ёндашилиб, вазифавий услубларнинг амал қилиш қонуниятлари ва талабларини эътиборга олиш лозим бўлади.

Шундай қилиб, нутқ оғзаки ва ёзма шаклда ифодаланади. “Нутқнинг ёзма шакли матн атамаси ифодалайдиган мазмунга мувофик келади”. Демак, нутқнинг ёзма шакл олиши – нутқ. Шу маънода ҳар қандай нутқ муайян фикрнинг ифодаси бўлгани каби ҳар қандай матн айтиб бир муносабатининг ёзма кўринишда моддийлик касб этишидир. У “фақат объектив информациядан иборат бўлмай, балки ўзига прагматик мазмунни ҳам камраб олган нутқнинг материал кўринишидир”.

Умуман, матн дейилганда нутқий жараён махсули бўлган, тугалланган, ёзма шаклда мавжуд бўлган, адабий шаклланган, суперфразали бирликлардан тузилган, лексик, грамматик, логик, стилистик алоқалар билан боғланган, аниқ мақсадли ва прагматик қурилмали нутқий асарни тушунмоқ керак.

Калит сўзлар: ёзма нутқ, оғзаки нутқ, шакл, нутқ, адабий тил кўриниши, нутқ услублари, бадиий, расмий, публицистик, сўзлашув, тил унсурлари, ахборот, нутқ хусусиятлари, лексика, атама.

Такрорлаш учун саволлар

1. Нутқ қандай ҳодиса?
2. Нутқ шакллари ва турлари ҳақида нимани биласиз?
3. Ички ва ташқи нутқ қандай хусусиятларга эга?
4. Монологик ва диалогик нутқнинг белгилари қандай?
5. Нутқнинг қўллаш соҳасига кўра турлари деганда нимани тушунасиз?

Адабиётлар рўйхати

1. Бегматов Э. Нутқмаданияти ва адабий меъёр. Лекторга ёрдам. – Т.: Ўзбекистон, 1973.
2. Бегматов Э ва бошқ. Адабий меъёр ва нутқ маданияти, – Т.: Фан, 1983.
3. Усмонов О. Тил маданиятининг муҳим масалалари. “Ўзбек тили ва адабиёти масалалари”. 1973, № 1, 1974, №4.
4. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т., 1992.
5. Ицкович В.А. Языковые нормы. //Общее языкознание. –М., 1970. С. 565.
6. Щерба Л.В. Современный русский литературный язык. // Избранные работы по русскому языку. – М.: Учпедгиз, 1957. С. 110.
7. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1969. С. 67.
8. Горбачевич К.С. Изменение норм русского литературного языка. – Л., 1971. С. 270.

7-мавзу. РАСМИЙ ХИЗМАТ ДОИРАСИДА НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА АХБОРИЙ НУТҚ

1. Ахборий нутқ тушунчаси.
2. Касбий нутқ маданияти.
3. Махсус тил терминологияси.
4. Иктисодий терминларнинг хусусияти.

Ахборот коммуникациянинг мазмуний аспектидир. У коммуникацион жараёнга кўшилиб кетган ҳолда, ахборотни сақлаш, йиғиш, тарқатиш ва саралаш воситалари ва тармоқлари билан узлуксиз боғланган бўлиб, уларга доимий таъсир ўтказиши ва ўзи ҳам уларнинг таъсирида бўлади. Ахборот ўз маъносида хабардаги “керакли” маълумотлар бўлиб, улар аудитория томонидан ўзлаштирилади билан билимлар, меъёрлар, кадрлар сифатида англаниши ва шу билан аудиторияга таъсир ўтказиши.

Ахборот алоқалари инсон фаолиятининг барча соҳаларида ҳаёт-мамот ролини бажаради. Жамиятнинг ахборот ресурслари ҳозирги пайтда унинг ҳам илмий-техник, ҳам ижтимоий сиёсий тараққиётида аниқловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Ахборот узатиш ва қабул қилиш жараёнида инсонлараро мулоқот, лисоний коммуникация содир бўлади. Коммуникация, энг аввало, мулоқот ҳодисасидир. Бунда бир ёки ундан кўп индивид ўртасида ўзаро тушуниш ҳамда бир шахсдан бошқасига ёки бир қанча шахсларга ахборот узатишдан иборат бўлган муносабатлар юзага келади.

Ахборотнинг тил орқали ифодаланишида уларнинг моддийлашув усули ва шакллари муҳим аҳамият касб этади.

Коммуникациянинг умумий хусусиятларидан бири мулоқотнинг инсон – инсон, яъни оддий инсон эмас, балки бу – инсон бирор бир касб эгаси бўлиши мумкинлигидир. Бошқа сўз билан айтганда, унинг муҳим хусусиятларидан асосийси касбий маҳоратга эга бўлишидир. Шунинг учун махсус тил тушунчасини биз “касбий тил”, “касб тили” деб юритамиз.

Керакли ахборотни етказишда, албатта, адабий тилнинг аҳамияти каттадир.

Касбий мулоқотда ахборотни узатишда тил ижодкорликка ундовчи, шунга бошловчи катта куч эканлигига ишонч ҳосил қилинади.

Ахборий нутқни тайёрлашда мутахассис қуйидагиларни билиши керак:

- материални тартибга келтириш тили ва принципни билиш;
- ахборотни юзага чиқариш, уни баён этиш, умумий маълумотни барпо этишни билиш;
- мураккаб ижтимоий-иктисодий тенденция ва жараёнларни топа олиш ва таҳлил қилишни билиш;
- муомалага кириша олиш, мулоқот психологиясини яхши билиш.

Ахборий нутқда нотик тасаввурининг хусусияти янги ғояларнинг назарий ҳамда амалий кўринишларинда намоён бўлади, ҳаётий таассуротлар ва образларнинг қайта тузилиши, олдинги малаканинг қайта шаклланиши, материалнинг структуравий ташкиллаштирилиш жараёнида ва ҳ.к.

Тасаввур стимуллаштирилишининг бир нечта усуллари мавжуд:

- яширин сабаб кетма-кетлиги алоқасини юзага олиб чиқувчи ҳодиса ва фактларнинг қайта гуруҳлантирилиши;
- янги фразеологик оборотлар, каламбурлар, метафоралар, киёслаш, аналогларни ўйлаб топишда ёрдам берадиган турли “сўз ўйини”;
- турли классификациялар ва типологияларни тузиш;
- муаммони турли томонлама кўриб чиқиш;
- бўлажак нутқнинг мавзусини ҳамкасблар билан предметли муҳокама қилиниши.

Ахборий нутқ қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. ахборотни қабул қилишнинг психологик хусусиятлари;
2. ахборотнинг хусусиятлари;
3. кўзланган мақсадлар асосида ётган қадриятлари;
4. тил ва матннинг ахборотни долзарблаштирувчи восита ҳақидаги назарий тасаввурларни ўз ичига олади.

Ахборий нутқ ўзига мулоқотнинг барча оғзаки ва ёзма шаклларини ўз ичига олган. Унда аудиториянинг қуйидагича эҳтиёжи фарқланади:

- ориентационли (йўл кўрсатувчи). Инсонга ижтимоий ҳолатда йўл кўрсатиши. Уларни керакли йўлга йўналтириши;
- уталитар эҳтиёж. Инсонларга маиший (уталитар) характерга эга бўлган маълумотларни беради: нима қаерда содир бўлган, қаерда ва нимани сотиб олиш, қандай хизматлардан фойдаланиш мумкин;
- билиш эҳтиёжи;
- мулоқотга эҳтиёж, суҳбатлашиш истаги.

Ахборий нутқ қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

- ахборот берувчи (адресат) – гапирувчи ёки ёзувчи;
- ахборотни қабул қилувчи (адресант) – ўқувчи ёки тингловчи;
- хабар – оғзаки ёки ёзма шаклдаги матн-моделнинг ажралмас таркибий қисми, чунки ахборот алмашувисиз нутқий коммуникация бўлиши мумкин эмас.

Ахборий нутқда нутқий мулоқотнинг асосий мақсади ахборот алмашинувидир. Шунга мувофиқ, мулоқот жанрида мулоқотчилар қуйидаги вазифаларни амалга оширишлари мумкин:

- ахборотни самарали қабул қилиш;
- ахборотни самарали бериш (етказиш);
- белгиланган мақсадга суҳбатдошини ишонтириш ва уни бирор-бир хатти-ҳаракатга ундаш орқали эриштириш;
- суҳбатдоши ҳақида қўшимча маълумот олиш;

- ўз-ўзини ижобий маънода намоён эта билиш.

Ахборий нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда самарали қабул қилиниши, тинглаш ва ўқиш кўникмаларини қай даражада эгаллаганлигига боғлиқ.

Сухбатдошни ишонтириш орқали мақсадга эришиш асосий ёзма ва оғзаки нотиклик нутқи ҳамда ишонтириш ва ҳаракатга ундаш каби нутқий тактика усулларини билишни тақозо этади.

Сухбатдош ҳақида қўшимча маълумотни унинг ижтимоий-маданий савияси, ижтимоий келиб чиқишини билиб олиш учун тилнинг жамиятда қўлланилиши асосида қўлга киритиш мумкин.

Ўз-ўзини ижобий маънода (тақдим) этиш, яъни сухбатдош ёки ўқувчига яхши таассурот қолдира билиш учун тил меъёрини ўз нутқини сухбатдошга ёқадиган усулда “ижро” этиш ва бу орқали ўз ижобий сифатларини кўрсата билиш зарур.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, мулоқотда ахборот алмашуви фақат тил ёрдамидагина амалга оширилади.

Қадимда жамиятда мулоқот ва ахборотни етказишнинг қўшимча воситалари ҳам қўлланган. Улардан кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам бор.

Шунга кўра, ахборий нутқни етказиш воситаларининг *вербал* ва *новербал* турлари фарқланади.

Вербал (лисоний) – тил орқали хабар бериш.

Новербал (нолисоний) – рамзлар, расмлар, белгилар, қўл ва юз ҳаракатлари орқали етказиш демакдир. Улар орасида кўз караш, юз, қўл ва тана ҳаракатлари каби эмоционал ва физиологик ҳолатлар тўғрисидаги ахборотни узатишнинг рефлектор, яхши назорат қилиб бўлмайдиган усуллари мавжуд.

Ахборий нутқ тўғри нутқнинг асосий мезонларига, яъни: аниқлик, ўринлик, тозалик, бой, таъсирчанлик ва ҳ.к. ларга амал қилиниши керак.

Сўзсиз, мулоқот жараёнининг асосий мақсади ахборот узатиш ва қабул қилишдир.

Лекин мулоқот мақсади оддийгина ахборот алмашиш билан чегараланиб қолмайди, ахборот узатишдан “ҳамкор”га таъсир ўтказиш, уни бирор нарсага ишонтириш, бўйсундириш, ҳаракатга ундаш мақсади кутилади.

Лисоний мулоқот жараёнида ижро этиладиган вазифаларнинг турли-туманлиги кўпчилик томонидан эътироф этиб келинмоқда.

Лисоний белгиларни мулоқотда қўллаётган шахс қандайдир бир эмоционал рухий ҳолатда бўлади, унинг хатти-ҳаракатларида ижтимоий келиб чиқиши, маданияти ўз аксини топади. Мулоқот иштирокчиларининг бу турдаги хусусиятларини лисоний тизим бажарадиган вазифалар қаторига киритиш ушбу қаторни чексизликка олиб келади ва илмий таҳлилнинг самарасиз бўлишига сабаб бўлади.

Маълумки, коммуникатив жараёнда сўзловчи ва тингловчининг иштироки, мақсади ва роли турлича. Сўзловчи тингловчининг кечаётган

мулоқот тарзи, мазмунига бўлган муносабатини ҳисобга олишга мажбур, акс холда мулоқот сохталашади, коммуникатив бефарклик юзага келади.

Маълумки, мулоқот жараёнида лисон матн шаклида намоён бўлади, зеро, лисоний ҳаракатлар алоҳида-алоҳида тарзда бажарилмайди, улар гуруҳлар даврасида пайдо бўлади, уларнинг ҳар бирининг лисоний матнда ўз ўрни бор.

Умуман, лисоннинг ҳар қандай вазифаси унинг коммуникатив жараёнда фаоллашувидан намоён бўлади. Агар лисондан фойдаланувчи шахснинг мулоқот жараёнида қандай ҳаракатларни бажаришини билсак, лисон коммуникатив восита вазифасини ўташи учун қандай имкониятларга эга бўлиши ва ушбу имкониятларни қай йўсинда намоён қила олишини аниқлаш мумкин бўлади.

Ахборот алмашинувини тақозо этувчи нутқий мулоқот ҳиссий ва рационал (оқилона) билиш ҳаракатларининг ўзаро алоқаси натижасидир.

Лисоний мулоқот қобилиятининг ўзи когнитив ва коммуникатив вазифалар умумлашмаси бўлган мақсадга эришишда лисондан фойдалана олиш қобилиятидир.

Касбий мулоқотда ҳурмат тамойилларига амал қилиш керак ва у олти та постулатларни ўз ичига олади:

1. Ҳушмуомалалик, назокат, одоб қоидаси (суҳбатдош уринишлари “сарфи”ни камайтир, унинг фойдасини кўпайтиришга ҳаракат қил).

2. Ҳиммат, олижаноблик қоидаси (ўз фойдангни камроқ кўзла, барча “сарф”ни ўз зиммангга ол).

3. Маъқуллаш, таҳсин қоидаси (ўзгаларни ёмонлама, гийбат қилма, қойима).

4. Камтарлик, камсуқумлик, оддийлик қоидаси (ўз-ўзингни макташни кескин камайтир).

5. Ризолик, мурасасозлик қоидаси (тортишувлардан қоч, мурасага урин).

6. Ҳуш кўриш, майл, ёқтириш қоидаси (хайрихоҳ, оқкўнгил бўл).

Нутқий мулоқот жараёнида фаоллашувчи инсон фактори билан боғлиқ доимий ва ўзгарувчан хусусиятлар қаторига профессор В.В.Богданов қуйидагиларни киритади:

1. лисоний қобилият;

2. маълум миллатга мансублик;

3. ижтимоий-маданий статуси (маълум ижтимоий гуруҳга оидлик, касби, лавозими, маълумоти, яшаш жойи, оилавий аҳволи);

4. биологик-физиологик кўрсаткичлари (жинси, ёши, соғлиги, жисмоний нуқсонлар мавжудлиги ёки йўқлиги);

5. рухий-психологик тури (темперамент, патологик кўрсаткичлари);

6. вазиятга нисбатан ўзгарувчан рухий ҳолати (кайфият, муваққат билим, мақсади ва қизиқиши);

7. доимий диди, қизиқиш ва одатлари;

8. ташқи кўриниши (қийиниши, ўзини тутиши, хулқ-атвори).

Ушбу қаторга киритилган белгиларнинг ўз мазмуни ва бажарадиган вазифаси жиҳатидан бир хилда эмаслиги кўриниб турибди. Уларнинг нутқий мулоқот мундарижасига таъсир кучи ҳам ҳар хил. Жумладан, лисоний қобилият белгисини олсак, у мазмундор нутқий фаолиятнинг асосий омилидир. Тилни билмаган шахс ушбу фаолиятни ижро эта олмаслиги аниқ, аммо турли шахсларнинг тил билиш даражаси ҳам хил. Мулоқотнинг текис кўчиши ва суҳбатдошлар ҳамкорлиги юзага келиши учун уларнинг тил билиш даражаси нисбатан бир хилда бўлгани маъқул.

Мулоқот мураккаб кўринишдаги лисоний (нутқий) тафаккур фаолиятидир. Мулоқот – ахборот алмашув жараёни, унинг мақсади ҳам шу. Ахборот узатиш ёзма ёки оғзаки усулда кечиши билан унчалик фарққилмайди. Ҳатто диалог ҳам ёзма нутқ воситасида кечиши мумкин.

Расмий хизмат доирасида касбий маълумотларни етказишда нейтрал бўлган, ўзини функционал услубига эга бўлган лексикани кераклигини назарда тутамиз.

Махсус тил тушунчаси олдиндан баъзи бир аниқликни талаб қилади. Махсус доирада мулоқот вазияти (илм, фан, кишлок хўжалиги, транспорт, алоқа, медицина, дипломатия, корхона ва ҳ.к), мавзу, махсус мақсадлар мулоқотни касбий нутққа ўтишга мажбур қилади.

Махсус тилни тарғиб қилувчилар кимлар? деган савол туғилади.

Касбий нутқни мулоқот жараёнида давомийлиги биринчи ўринда адресатга, яъни коммуникацияда иштирок этаётган шеригига боғлиқ.

Махсус тилнинг яна бир хусусиятларидан бири шуки, мулоқотда (касбий соҳа мулоқоти фаолиятида, яъни илмий тилда) гуруҳий нутқий фаолиятда бўлади.

Махсус тилнинг ҳамма шакли хоҳ у ёзма, хоҳ у оғзаки бўлсин, касбий соҳада муаммолар, аниқ масала ва фактлар муҳокама қилинади.

Махсус касбий тил бир неча асосий лингвистик хусусиятларни намоён қилади:

- махсус тил табиий тилдир. Унда математика, логика, лингвистика, химия ва ҳ.к. символлари намоён бўлади;

- махсус тил вербал (лисоний) тилдир. Вербал бўлмаган воситаларнинг ишлатилиши терминларнинг келиб чиқиши билан боғланган. Бу термин элементлари (L-нури, В-нурланиш, h-аъзо) жадвал ва расмларда маълумот бериш ҳам мумкин;

- махсус тил миллий доимий, миллий йўналишдаги тилдир. Йўналиш (тенденция) касбий билимларни (биринчи ўринда илмий) давлатлар, миллий, идеологик ва ҳ.к. чегараланмаганидир.

Тилларнинг махсус мақсад учун байналмилаллиги бир хил маъно касб этишидадир. Масалан: *биржа, банк, брокер, инвестиция бизнес* ҳамма тилларда бир маънони билдиради.

Касбий нутқнинг хусусиятларидан бири терминларнинг қўлланилишидир. Терминларни оқилона қўллаш мулоқот жараёнида мақсадга эришишда самарали натижа беради ва муҳим омиллардан ҳисобланади.

Махсус терминологиянинг пайдо бўлиши фан-техниканинг ривожини билан боғлиқ. Термин сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, махсус билим ва иш фаолиятини билдиради. Термин умумий-лексик системага махсус терминология системаси орқали киради. “Термин” латинча “terminus” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “охири”, “чегара”, “тугаш” деган маъноларни билдиради. Шунга боғлиқ ҳолда олимлар терминга қуйидагича таъриф беришади: “Термин” сўз бўлиб, ўрта асрларда “аниқлаш”, “ифодалаш” деган маъноларни билдирган. Масалан: *солиқ, бож, агент, текширув, база, мувозанат, қолдиқ, сальдо, бюджет, импорт, экспорт, даромад, дотация, фоиз (процент), йиғим, йўқотиш (убыток), тизим (система), нарх, субсидия, кредит, кодекс, сумма, квота.*

Терминларнинг ўзига хос махсус хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) тизимлилиги; б) қўлланилиш соҳаси; г) услубий нейтраллиги.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳамда илмий-техник туб ўзгаришлар даврида янги-янги фанлар ва тушунчалар юзага келмоқда. Жумладан, ўзбек тилида ҳам янги терминлар пайдо бўлмоқда, илгаридан ишлатиб келинган қатор лексемалар янги маънолар касб этмоқда.

Термин умумистеъмолдаги сўздан фарқлаш учун етарли, деб ўйлаймиз:

1) термин-умумадабий тилнинг махсус вазифа бажарувчи бир тури бўлмиш ишлаб чиқариш, фан ва техника тилига мансуб лисоний бирлик, бир сўз ёки бирикмадир;

2) термин-конкрет нарса-предмет, ашё, маъхум тушунчаларнинг махсуслаштирилган номидир;

3) термин ёрдамида тегишли тушунча мазмунини аниқроқ ифодалаш, тушунчанинг бирини иккинчисидан чегарала бажратиш имконини берувчи, айни маҳалда маълум тушунчани муайян таснифий қаторга жойлаштиришга йўл қўювчи, фарқловчи белгиларини равшанроқ кўрсатиш мумкин.

Демак, терминология муайян фаннинг тушунчалар тизими билан ўзаро муносабатда бўлган терминлар жами сифатида таърифланади. Ҳар қандай тушунчалар тизимига муайян терминлар тизими тўғри келади. Терминологик тизимлар фан тараккиёти билан биргаликда ривожланиб боради. Терминлар умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли равишда жорий қилиниб, уларнинг қўлланилиши маълум даражада назорат остида бўлади. “Терминлар пайдо бўлиб қолмайди”, аксинча, уларнинг зарурати англаган ҳолда “ўйлаб топилади”, “ижод қилинади”²⁴.

Ҳар бир соҳанинг, тармоқнинг термини борки, у ўша соҳа, тармоқ доирасида қўлланади, аниқроқ қилиб айтганда, касб-хунар эгасининг нутқини шакллантиради, ўзаро нутқий муомала учун шарт-шароит яратади.

Бу ўринда шунини қайд этиш лозимки, муайян касб-хунар ёхуд мутахассисликка эга бўлган кишилар кўпинча у ёки бу соҳанинг ўзига хос

²⁴Хусанов Н., Мираҳмедова З. Иқтисодий атамалар ва иш юритиш. Маъруза матни. – Т., 2005.

специфик терминлари билан иш кўради. Масалан, *бўлажак иқтисодчиларнинг ёзма ёки оғзаки нутқида картел, клиринг, товар обороти, майда мулкчилик, маблағ ажратилиш, рента* каби тор доирадагина қўлланиладиган терминлар ишлатилиши табиий бир ҳолдир. Ўз-ўзидан аёнки, бу хилдаги терминлар иқтисодиётдан узоқроқ бирор касб эгасининг нутқида ишлатилмайди. Шу билан бирга иқтисодиёт соҳасининг қатор терминлари ҳам борки, улар муайян тил эгаларининг деярли барчаси нутқида баб-баравар ишлатилаверади: *бозор, мол, савдо, савдо-сотик, олиб-сотар, чайқовчи, пул, харидор, бозорчи* кабилар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш лозимки, нафақат иқтисодиёт, балки фан-техника, ишлаб чиқаришнинг хилма-хил соҳа ва терминлар мажмуи, яъни йиғиндиси терминология деб аталади. Масалан, математика терминологияси, тиббиёт терминологияси, иқтисодиёт терминологияси ва бошқалар.

Иқтисодга оид терминларни юқоридаги қатламлар қаторига киритмасликнинг иложийўқ, чунки инсон инсонлигини таниб, биринчи навбатда “иқтисод” тушунчасига дуч келган.

Таъкидлаш керакки, ўзбек тилининг иқтисодиёт терминологияси ҳозирги ҳолатига келгунча мураккаб шаклланиш ва ривожланиш босқичларини босиб ўтган. Иқтисодиёт терминологияси ҳақида гап кетганда, у, асосан, бир-биридан сифат жиҳатидан фарқ қилувчи учта тарихий босқични бошидан кечирган, деб қатъий айта оламиз.

Қайд этилганидек, қатор терминологик тизимларнинг, жумладан, иқтисодиёт терминларининг шаклланиши узоқ ўтмишга бориб такалади. Бунга ишонч ҳосил қилиштарихий ёзма ёдгорликларга мурожаат этишга тўғри келади.

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясининг ривожланиш тарихи ҳақида гап кетганда, биринчи галда, номи жаҳонга машҳур Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит-турк”²⁵ асарига мурожаат этиш лозим.

“Девон”ни кўздан кечириш шуни кўрсатдики, унда қўлланган баъзи иқтисодиётга оид терминлар ҳозирги ўзбек тилида ҳам (айрим жузъий фонетик ўзгаришлар билан) қўлланмоқда. Буларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: *олди-сотди, савдо-сотик*.

Асарда ўз ифодасини топган баъзи лексемалар давр ўтиши билан истеъмолдан чиқиб, ҳозирда архаизмга айланиб қолганлигини ҳам қайд этиш лозим бўлади. Булар жумласига қуйидагиларни мисол тариқасида келтирамиз: *отўнч-қарз, бергў-қарз, ўрўнч-пора, йжўз-жўн, арзон баҳо, оғур-давлат, ёмга-молларни сақловчи ва уларни йиғувчи, сарт-савдогар, терчи-музд, иш ҳақи олувчи*.

Келтирилган далиллардан ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг, билиш жараёнининг хилма-хил соҳаларига оид кўпдан-кўп терминларнинг қайд этилганлиги ва улардан айримларининг ҳам ўша даврдаги маънолари билан қўлланаётганлиги аён.

²⁵Ўша асар.

Шу билан бирга Алишер Навоий асарларида фақат умумтуркий иқтисодий атамаларқўлланиб қолмай, уларни арабча, форс, тожикча синонимлари ўз ифодасини топганки, қуйида келтириладиган мисоллар шундан далолат беради: *савдопиша-савдогар-савдогарчилик; сармоя-давлат-маблағ; байъона-баҳо, қиймат, бай пули; манфаат-фойда-даромад; бож-хирож; дастмоя-фармоя-нақд пул-нақдина; нафақа-маош-харажат* ва б.

Ўзбек адабий тили бойлигининг бир қисми ўлароқ, бундай сўзлар кейинроқ, конкрет терминологик тизим вужудга кела бошлаши билан иқтисод фанининг махсус тушунчаларини ифодалаш учун жалб қилина бошланган эди. Масалан, *ҳақ, битим, пай, гаров, даллол, пул, сўм, суғурта, савдо, омонат, гамлама* ва б.

Иқтисодиёт билан алоқаси бўлмаган, бошқа-бошқа соҳаларда қўлланадиган терминлар ҳам махсуслаштирилади, яъни иқтисодий терминлар сифатида ишлатилади. Масалан, *таклиф, соҳибкор, ўсим, қолдиқ, даража, палата, кадрли, етакчи, йиғим, қонун, қайднома, баҳо, хўжалик* каби юзлаб лексемалар иқтисодий терминологик тизимида якка ҳолида ҳам, сўз бирикмаларининг таркибий қисмлари сифатида ҳам ушбу соҳа терминлари сифатида амал қилинади.

Иқтисодиёт терминологиясининг бойишидаги яна бир манба, бу иқтисодий тушунчаларни ифодалаш учун хилма-хил аффикслар иштирокида ҳосил қилинган ясама луғавий бирликлар ҳисобланади: *жамгарма, ижарачи, ишсизлик, уюшма, тежамкор, иқтисодиёт, тадбиркор, боғхона, қарздор, бойлик* кабилар шулар жумласидандир. Бундай терминларнинг бир қисми тегишли русча-байналмилал муқобилларининг ўзбек тилидаги намунаси сифатида юзага келган.

Ҳозирги ўзбек тили луғат таркибида, унинг иқтисодий терминлар тизимида юқоридагидек умумтуркий, ўзбек терминлари билан бир каторда форс-тожикча, арабча, шунингдек, русча-байналмилал лексемалар ҳам қўлланиб келинаётир. Масалан, *сармоя, савдогар, тожир, саркор, даромад, дастмоя* каби форс-тожикча сўзлар асосий иқтисодий терминлар бўлиб қўлланмоқда.

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясини русча-байналмилал терминлар ҳисобига тўлдирилиши ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, рус тили лексикаси империя даврида маҳаллий тилларга, хусусан, ўзбек тилига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Масалан, *вексель, прейскурант, кредит, товар, бухгалтер, банк, кассир, аванс, маклер* ва бошқалар.

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологияси, бошқа терминологик тизимлар каби икки манба, яъни ички ва ташқи манбалар асосида ривожланади ва такомиллашади.

Алоҳида қайд этиш лозимки, ўзбек тили терминологик тизимларининг ривожланишида шу тилнинг ички имкониятлари асосида роль ўйнайди. Чунки адабий тил лексикаси бойишининг биринчи ва энг муҳим манбаи унинг ўз ички ресурсларидир.

Терминологик тизимларнинг бойиш йўллари ҳар хил бўлиб, улар куйидагича:

1. Математик терминлар иқтисод термини вазифасини бажариб келиши мумкин: *чорак режа, норматив қиймат, дифференциал рента, йиғма кўрсаткич, иш ҳақи даражаси, даромаднинг қолдиги, иқтисодий интеграция, бозор ҳажми, нисбий даража, нарх даражаси, фойда миқдори, қиймат ўлчови, бўлинма, қиймат солиғи.*

2. Техника воситалари ва уларнинг қисмлари ҳамда атрибутларини англатувчи терминлар. Масалан: *амортизация фонди, машиналашган ҳисоб, кредитнинг эластиклиги, талабнинг эгилувчанлиги, бозор механизми.*

3. Физикавий терминлар билан алоқадор сўзлар иқтисод термини вазифасини бажариб келиши мумкин. Масалан: *бозор мувозанати, меҳнат сизими, капитал сизим, нисбий даража, пул массаси, тебранувчи талаб, ўзгарувчан харажат, доимий харажат, ўзгарувчан нарх, мутлақ даража, талабнинг эгилувчанлиги, фонд сизими.*

4. Қишлоқ хўжалиги ва унинг атрибутларини англатувчи терминлар: *аграр кризис, соҳибкорлик, қийматнинг ўсиши, товар хўжалиги, ўсим, қарз ўсиши, ундирилган пул, пул ундириш, унумсиз чиқим, унумсиз харажат, ундириладиган солиқ, иқтисодий ўсиш, талабни ўстириш, агробизнес, агросаноат.*

5. Ижтимоий фанлар ва уларнинг атрибутларини англатувчи терминлар. Масалан: *молия олигархияси, қадрли маблағ, ихтисослаштирилган сармоя, автоном бюджет, мутлақ рента, таъсисчилик акциялар, мутлақ наф, эркин савдо, товар моддийқадриятлар, тўлов қобилиятсизлиги, етакчи валюта, товар туркуми, бозор унсурлари, даромад самараси, ихтиёрий ишсизлик, шиддатли инфляция, ўринбосар товарлар, хайрия фонди, вақф фонди, иқтисодий инқироз, иқтисодий таназзул, пулнинг қадрсизланиши, муомала фондлари.*

6. Зоология терминлари ҳам иқтисод термини вазифасини бажариб келиши мумкин. Масалан: *ўрмаловчи инфляция, сузиб юрувчи инфляция, югурувчи инфляция.*

Туб, яъниоясама иқтисодий терминлар сирасига куйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: *гаров, иш, буюм, бой, бозор, қиймат, даромад, нарх, қарз, рақобат, савдо, тариф, товар, заём, вексель, брокер, демпинг, депозит, грант, давлат, фонд, пошлина, банк ва б.*

Иқтисодий терминлар иқтисодиётнинг турли соҳаларига боғлиқ бўлиб, уларни ихтисосликлардан келиб чиққан ҳолда куйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Банк иши: *миллий валюта, сўм, қиймат, нарх, талон, купон, жамғарма, хазина, қогоз пул, банкнот, вексель, чек, кредит карточкалари, пул обороти, пул массаси, пул агрегати, банк, пул тизими, металл назарияси, миқдорийлик назарияси, пул муомаласи, инфляция, кредит, тиждорат кредити, банк кредити, давлат кредити, халқаро кредит, кредитнинг чегаралари, лизинг, ҳисобли кредит, ламсбардли кредит, лизинг операциялари, лизинг*

шартномаси, кредит механизми, кредит йиғиндиси, фоиз ставкаси, кредит хавф-хатари, актив, пассив, фоиз маржаси, экспортли кредит, муаммоли ссуда.

2. Солиқ ва солиққа тортиш: солиқ объекти, солиқ субъекти, солиқ манбалари, солиқ нормаси, солиқ бирлиги, солиқ ставкаси, солиқ декларацияси, солиқ сиёсати, солиқ механизми, солиқ тизими, тўғри солиқ, эгри солиқ, божхона божи, давлат божи, ижара ҳақи, тўлов, йиғим, даромад солиғи, фойда солиғи, аванс тўловлари, фойда, ялпи фойда, корхоналар даромади, солиқ тўловчи, қўшилган қиймат солиғи, акциз, акциз солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, аҳоли солиғи, солиқ идораси, солиқ қўмитаси, солиқ қонунчилиги.

3. Молия: молия функцияси, молия сиёсати, молия назарияси, молиявий назорат, молиявий ресурс, молиявий муносабат, иқтисодий муносабат, мулкий муносабат, давлат бюджети, амортизация ажратмалари, амортизация фонди, иш ҳақи фонди, рағбатлантириш фонди, тақсимлаш, тартибга солиш, пенсия фонди, бандлик фонди, молия режаси, даромад ва харажат баланси, бизнес режа, режалаштириш, хўжалик субъекти, хайрия фонди, ялпи ички маҳсулот ва бошқалар.

Расмий хизмат доирасида нутқ маданияти.

Хизмат услуби тил воситаларининг мажмуаси бўлиб, уларнинг функциялари расмий хизмат соҳасидаги (давлат органларидаги муносабат, ташкилотлар орасидаги муносабат ва ташкилотларнинг шахслар билан уларнинг юридик фаолиятидаги муносабатлар) ўзаро муносабатига хизмат қилади. Шунинг учун хизмат нутқини қўллаш жараёнида 5та тамойилга амал қилинади:

1. Бу соҳада учта услубни ажратиш мумкин:

- шахсий расмий-хизмат услуби;
- юридик;
- дипломатик. Булар бир-бирига асосий тавсифига кўра яқин услублардир.

2. Расмий-хизмат вазиятининг ўзаро муносабати хужжатнинг жанрга мос келишидир.

3. Расмий хизмат доирасида хужжатлар билан, яъни иш қоғозлари билан иш кўрилади. Уларнинг қайси турга мансублигидан қатъи назар юридик кучга эгадир.

4. Расмий хужжатда матн информацион, яъни ахборий (маълумот берувчи) бўлади.

5. Хизмат нутқида термин ёки терминлашган махсус воситани ишлатилиши.

Ўзбек тилида хужжатларнинг тури кўп ва хилма-хилдир. Мавжуд адабиётларда хужжатлар қуйидагича тасниф қилинади:

1. Яратилиш ўрнига кўра:

- а) ички хужжатлар;
- б) ташқи хужжатлар.

2. Мазмунига кўра:

- а) содда ҳужжатлар;
- б) мураккаб ҳужжатлар.

3. Мазмун баёнининг матнига кўра:

- а) хусусий ҳужжатлар;
- б) намунали ҳужжатлар;
- в) қолипчи ҳужжатлар.

4. Тегишлилигига кўра:

- а) хизмат ҳужжатлари;
- б) шахсий ҳужжатлар.

5. Хизмат мавқеига кўра:

- а) ташкилий ҳужжатлар;
- б) фармойиш ҳужжатлар;
- в) маълумот, ахборот ҳужжатлари;
- г) хизмат ёзишмалари.

Биз ҳаётини тажрибамиз давомида тез-тез ёки баъзан ариза ёзиш, ишончнома ёки бошқа турдаги хизмат қоғозларини ёзишга мажбур бўламиз. Лекин ҳар доим ёзиш давомида баъзи бир қийинчиликларга дуч келамиз. Бу қийинчиликлар бизни бу соҳадаги сайёз билимга эгаллигимиздадир.

Хизмат мулоқоти маданияти фақатгина лингвистика тил воситаларини танлаш билан чегараланиб қолмай, балки бошқа кўп нарсаларга боғлиқдир.

Ҳужжатларни тузишда ички иш схема мавжуд бўлиб, у қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Ёзувчи расмий-хизмат муносабати билан боғлиқ бўлган ҳолда, хизмат соҳасидаги вазиятга мувофиқ, расмий-хизмат ахлоқи ҳақида аниқ тавсиф бериш кераклиги. Ёзувчининг хизмат мулоқот соҳасидаги биринчи босқичи – расмий-хизмат вазиятини аниқлаш ва ҳужжат жанрини танлаш.

2. Ҳужжат жанрини танлашда, ҳужжатнинг шаклини билиш кераклиги.

Ҳар қандай ҳужжат тайёрлашда унинг реквизитларига амал қилинади:

- 1) адресат ҳақида (ҳужжат кимга ёзилган);
- 2) адресант ҳақида (ким томонидан ёзилган);
- 3) ҳужжат жанри (номи, баъзи бир ҳужжатларда ёзилиши керак, масалан: ариза, билдиришнома ва х.к.);
- 4) ҳужжат рўйхати;
- 5) куни;
- 6) имзо.

Ҳужжат шаклида реквизитларнинг сони, уларнинг боғлиқлиги, жойлашуви, бирин-кетинлиги асосий ҳисобланади.

Касбий мулоқотда кўп дуч келадиган ҳужжатларнинг тузилиш схемасини келтирамиз:

Ариза: аризининг асосий қисмлари кетма-кетлигини юқорида айтиб ўтилган реквизитлар ташкил қилади:

- 1) адресатнинг номи;
- 2) адресантнинг номи (ариза берувчи); 3) ҳужжат номи;

- 3) сўровни аниқ ифода қилиб бериш (таклиф, истак, сўров;
- 4) кун;
- 5) имзо.

Хат мазмунига қўйиладиган талаб қисқа, лўнда бўлиши керак.

Ишончнома: ишончнома корхоналараро фаолият кўрсатиш учун бериладиган расмий ҳамда шахсий тарзда ёзилади. Расмий ишончномалар босма иш қоғозида моддий, қимматбаҳо буюмлар олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатдир. Реквизитлари:

1. ҳужжат номи;
2. ишонувчининг номи (исми шарифи, фамилияси, лавозими ёки манзили); ишонч билдирилган шахс номи;
3. ишонч билдирувчининг аниқ ва тўла-тўқис ҳуқуқи ва ишонч ҳақида ҳуқуққа эгаллиги;
4. кун;
5. имзо;
6. ишонч билдирувчининг имзоси бирор-бир корхона томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Тушунтириш хати: тушунтириш хати хизмат соҳасига, иш ва вазифаларнинг бажарилишига алоқадор, иш билан боғлиқ ҳолда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, раҳбар ёки ходимнинг хатти-ҳаракатлари, ишда юз берган кўнгилсиз ҳолатларни ёзма изоҳловчи ҳужжат. Тушунтириш хати ташқи ва ички хусусиятга эга. Ички тушунтириш хатининг зарурий қисмлари: ҳужжат йўлланаётган ташкилот номи, раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, ҳужжатни тайёрлаган ташкилот номи, раҳбар ёки уни ёзувчи шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, тушунтириш хатининг мазмуни, уни ёзувчи шахснинг имзоси, фамилияси ҳамда ёзилган сананинг қайд этилиши билан тугалланади.

Ҳисобот ва унинг турлари: ҳисоботнинг режалаштирилган иш ёки топширилган вазифа-топшириқлар, хизмат ёхуд илмий сафарларнинг якуни, натижалари ҳақида муфассал маълумот берувчи ҳужжатдир. Ҳисоботлар учун умумий ва зарурий бўлган қисмлари: сарлавҳа, ҳисобот матни, муаллифнинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, ёзилган сана, ҳисоботни тасдиқловчи раҳбарнинг имзоси, фамилияси кўрсатилади.


Хизмат сафари учун мўлжалланган махсус шаклли ҳисобот қоғози, унда қайд этиладиган маълумотлар, баёни ҳамда бухгалтерия ҳисоботидир.

Шартнома ва контрактлар: шартномалар тузилишидан кўзда тутилмайдиган мақсад маҳсулот етказиб бериш, мулкӣ жавобгарлик, уй-жой, транспорт воситалари кабиларнинг олди-сотди, ҳадя қилиш, алмаштириш, ижарага олиш, қарз беришда шартнома ва контракт тузилади. Контракт ва шартномалар томонлар келушувига кўра расмийлаштирилишидир. Шартнома имзолангандан сўнг ташкилот, нотариал идора томонидан муҳрланиб, тасдиқланиши керак.

Буйрук ва фармойиш: буйрук ва фармойишлар мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассасаларнинг кундалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатдир.

Буйрукнинг асосий фаолиятга ҳамда кадрлар шахсий таркибига оид турлари бор. Буйруқлар махсус босма иш қоғозларига ёзилади. Уларда олдиндан чоп этилган доимий ёзув ва белгилар (герб, вазирлик, корхона номи, манзили) мавжуд бўлади. Ҳар бир янги буйрукнинг расмийлаштирилиши: буйрук чиқарилган сана, тартиб рақами, сарлавҳаси, буйрук матни, иловалар қайди, раҳбар ва масъул кишилар имзоси (бош раҳбар, ҳуқуқшунос, ҳисобчи) кўрсатилади. Фармойишнинг буйруқдан фарқли томониунинг буюрувчи эмас, тавсия этувчи, маъқулловчи, рухсат берувчи характергаэга эканлигидир. Унда бажариладиган вазифаларнинг муддат жиҳатдан чекланганлигидир.

Хизмат доирасида нутқни ишлатиш жараёни схемаси:



Ҳужжат матнларини тузишда унинг жанрини танлаш, ишга тушиш механизми, яъни аниқ матн меъёрларини ҳаракатга келтиради: ҳужжат ёзувчининг онгида нутқ "намунаси" ёки қолип сифатида пайдо бўладики, бу бутун бир ҳужжатнинг тузилишини, уларнинг тартиби ва жойлашувини намоён қилади. Бунда ҳужжатнинг матн меъёрларини уларнинг қатъийлигига, ўзгариб туришига, яъни мослашувчанлига қараб ажратиш мумкин.

Шундай қилиб, хизмат нутқи маданияти соҳасида тил меъёрларига амал қилиш лозимлиги қатъий белгиланган. Ҳужжат матнини тузишда тил меъёрларига амал қилишуларни тузишда хатоликка йўл қуйилишининг олдини олади.

Калит сўзлар: ахборий хат, ҳужжат матни, ҳужжат меъёри, шартнома, реквизи́т, ҳужжат тили, ҳужжат шакли, намуна, шаблон, тил воситалари.

Савол ва топшириқлар

1. Ахборий нутқ хусусиятлари нималардан иборат?

2. Ахборотнинг прагматик хусусияти ва унинг қиммати деганда нимани тушунаси?

3. Маданий нуткнинг прагматик хосланганлиги ва нутқий таъсир нима?

4. Маданий нуткнинг соҳавий хосланганлиги қандай?

5. Касбий нутқ ва унинг тузилиши нималардан иборат?

6. Касбий нутқ тузиш хусусиятлари ҳақида нимани биласиз?

7. Иқтисодий терминлар хусусиятлари ҳақида гапиринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Фишер И.С. Особенности устных выступлений носителей элитарной речевой культуры. //Вопросы стилистики: Проблемы культуры речи. - Вып. 25. -Саратов: Изд-во Сарат. ун-та, 1993. С. 151-161.

2. Формановская Н.И., Акишина А.А. Русский этикет в лексикографическом аспекте. //Словари и лингвострановедение. - М.: Русский язык, 1982. -182 с.

3. Формановская Н.И. Об обиходно-деловой сфере общения. //Культурно-речевая ситуация в современной России: Вопросы теории и образовательных технологий. -Екатеринбург, 2000. С. 101.

5. Усмонова Ў. Талаффуз нормаларини белгилаш масаласига доир. //Ўзбек тили ва адабиёти. - Т., 1975. -№ 6. 42-46-бет.

6. Гўйчибоев Б. Ўзбек тилининг таракқиёт босқичлари. - Т.: Ўқитувчи, 1996. -176 б.

7. Тешабаева Д.М. Речевой этикет делового письма. Автор. дисс. к.ф.н. -Т., 2000. -27 с.

**II қисм. НОТИҚЛИК НУТҚИЙ АМАЛИЁТ ВА
МАДАНИЯТ КЎЗГУСИДА**
**8-мавзу. НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ. ЮНОН ВА РИМ
НОТИҚЛИГИ**

- 1. Нотиклик санъати ва унинг хусусиятлари.**
- 2. Нотиклик санъати (риторика) қадимий санъат.**
- 3. Юнон ва Рим нотиклиги.**

Нотиклик санъати қадимдан шаклланган ва кадрланган. Нотиклик санъати – муайян шахснинг маҳорати белгиси. Унинг сўзи эса кудратли куч. Қадимги юнон файласуфи Плутарх таъкидлаганидек, “нутқнинг кучи – оз сўз билан кўп маънони англата билишда”.

Нутқ маданияти – классик маънодаги нотиклик, алоҳида фавқулодда нутқий санъат ҳисобланади. Нотиклик санъатига эришиш учун нафақат табиий қобилият, балки ўз тили, нутқи устида тинимсиз ишлаш демакдир. Нотик қадимий даврлардан бери алоҳида маҳорат, санъат сифатида, инсондаги маҳсус, ноёб қобилият тарзида талқин этиб келинган.

Тилшунос олим Норкул Бекмирзаев таъкидлаганидек, “нотиклик санъатининг предмети хали тузилмаган, чиройли сайқал билан тузилиши лозим бўлган сўз асаридир. Жозибали, теран сўз ва гапларнинг жонли нутқ орқали ифодаланиши нотиклик санъатининг предмети саналади”.

Нотиклик санъатида ўзлаштирилаётган материал (предмет) катта ахамиятга эга ва у нотиклик санъатининг моҳиятини ташкил қилади. Нутқнинг мазмунини нотик томонидан йиғилган материал ташкил этади. Бу материал (маъруза) асосий бўлимнинг ютуқли қисмини ташкил этади.

Қадимда нутқ маданияти фақат ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ижтимоий табақа вакилларига тегишли фаолият бўлгани учун нотиклик санъати даражасига олиб чиқилган ва такомиллаштирилган. Шарқда ҳар қандай соҳадаги фаолият ва унинг маҳсулини санъат даражасига олиб чиқиш анъана бўлгани сабабли нутқ маданияти ҳам (худди Фарбдагидек) санъат сифатида ривожлантирилди. Шунинг учун Фарбда ҳам, Шарқда ҳам нотиклик нодир қобилият, илоҳий неъмат сифатида жуда кадрланган. Моҳир сўз устаси оғзидан отилиб чиққан ҳар қандай сўз қадимги юнон нотикларидан бири Горгий айтганидек, “жуда кичкина ва мутлақо сезилмайдиган танага эга бўлса-да, мўъжизавий ишларни содир эта оладиган” кудратли қуролга айланади. “Зеро, у кўрқувни ҳайдаши, ғам-ғуссани йўқ қилиб юбориши, қувонч бахш эта олиши, ҳамдардликни уйғота олиши мумкин” (*Античные теории языка и стиля*).

Бирок ҳозирги даврга келиб нутқ маданияти ва нотиклик айнан бир хил тушунчалар эмаслиги тан олинди:

- нотиклик – оғзаки нутқ шакли, санъат тури; нутқ маданияти эса ёзма кўринишга ҳам эга;

- нотикликда тингловчига таъсир этиш асосий мақсад қилиб олинади. У нутқнинг гўзаллигини тақозо этади. Нутқ маданиятида эса асосий мақсад– она тилида тўғри, маданий гапира олиш ва ёза олиш қобилиятини тарбиялашдир;

- нотикликда, асосан, нутқнинг мазмуни, мантикийлиги, таъсирчанлигига катта аҳамият берилади;

- нутқ маданиятида эса нутқнинг лисоний тузилиши, тил бирликларининг қўлланиш хусусиятлари, меъёрлари доирасига эътибор қаратилади;

- нотиклик қадимий санъат тури, нутқ маданияти эса янги фан соҳаси;

- нутқ маданияти ҳар қандай сўз устаси учунгина эмас, барча жамият аъзолари учун зарур бўлган она тили бойликларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ равишда фойдалана олиш кўникмаларини тарбиялайди.

Нотиклик санъати амалий жиҳатдан чиройли нутқ тузишнинг қонуниятлари, сири, тил нормаси, нутқнинг сифати, нутқий услубнинг нозик томонларини ҳис этиш ва нотик нутқда учраши мумкин бўлган нуқсонлар ва талаффузга доир муаммоларни ҳал этиш юзасидан баҳс юритади. Энг муҳими, ўз билими ва дунёқарошига суянган ҳолда тўғри ва чиройли сўзлаш йўллари ўргатади.

Гўзал нутқ сўзлашнинг хилма-хиллиги айнан нотиклик санъатининг кўриниши ва йўналишларидан келиб чиқади. Бу ҳолни биз академик (илмий) нутқ ва мавзуларни тингловчилар аудиториясида ўқишида, митингдаги сўзланадиган нутқда ёки адвокатнинг суд жараёнидаги сўзлаш услубида, юбилейдаги сўзлаш қабиларда кўришимиз мумкин. Гўзал нутқ сўзлашнинг кўринишлари ишланиб бориши натижасида у ёки бу нотиклик санъати ҳам шаклланиб боради.

Гўзал нутқ сўзлашда, аввало, нотик шахсининг такрорланмаслиги ва маълум маънода ўзига хос субъектлиги кўзга ташланади. Гўзал нутқ сўзлашда нотикнинг маданияти, маънавий бойлиги, махсус билимларга эга эканлиги, тўплаган ҳаётий малакаси ва нотиклик соҳасидаги маҳорати муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари унинг истеъдоди ва қобилияти ҳамаҳамиятга эга.

Нотиклик санъатининг ўзига хослиги унинг услубида, яъни фикрнинг долзарблиги, уни етказишнинг шакли ва манерасига боғлиқ. Нутқ услуби фикрнинг йўналиши ва долзарблиги, шунингдек, гўзал сўзлашнинг таъсирчанлиги, бойлигини кўрсатиб беради. Услуб нотик нутқининг мазмуни ва шаклига бир бутунлик берган ҳолда уни ташкил этади, омма олдида чиқишга қувват, мустаҳкамлик ва қайтарилмаслик тусини беради. Нутқда услуб – нотикнинг ўзига хос ва таъсирчан қуроли.

Нотиклик санъати тарихи билан танишиш ва уни ўрганиш тингловчиларнинг ўтмишдаги таниқли нотиклар тажрибасидан самарали фойдаланишларига йўл очиши билан бирга, ўзларининг ҳам нотиклик маҳоратини оширишларига ёрдам беради.

Нотиклик санъатининг тарихи жуда узок бўлиб, у эраמידан аввалги V аср бошларида Юнонистонда шакллана бошлади. Лекин нотиклик санъати

ҳақида қадим Мисрда, Вавилонда ва Ҳиндистонда ҳам билишарди. Юнонистонда аристократия, демократия тузумининг ўрнатилиши натижасида давлат ишлари, халқ мажлислари, сенат кенгашлари, суд ишлари ва йиғилишларда республиканинг ҳар бир озод кишиси эркин нутқ сўзлаш ҳуқуқига эга бўлган.

Давлат ишларини бошқаришда қатнашишни хоҳлаган ҳар бир киши учун чиройли сўзлаш санъатини эгаллаш мажбурий бир эҳтиёжга айлана борган.

Суд ишларида ўрнатилган тартиб нотиклик санъатининг юксалишига туртки бўлди. Суд жараёнида жавобгар ўзига қўйилаётган айбнинг асоссизлигини исботлаб гапириши, даъвогар эса ўз фикрида туриши, уни қоралаши лозим эди. Лекин ҳамма ҳам чиройли сўзлаш қобилиятига эга бўлавермайди. Шунинг натижасида нутқ матнларини ёзиб берадиган билимдон кишиларга эҳтиёж туғила бошлади ва ёзма нутқ санъатини яхши эгаллаган нотикларни ўша замон тили билан “*логографлар*” деб атай бошладилар.

Логографлар судга иши тушган кишиларнинг ҳожатини чиқариб, шундан оладиган қалам ҳақи эвазига кун кечирганлар. Логографиянинг тирикчилик воситасига айланиши нотиклик санъатининг равнақ топишида катта роль ўйнади.

Нотиклик санъатининг кенг қўламда қанот ёйиши эса ўз навбатида унинг суд нотиклиги, ҳарбий нотиклик ва сиёсий нотиклик каби шохобчаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Судда сўзланадиган чиройли нутқ ўрнини, эндиликда аниқ қонуниятга эга бўлган суд нотиклиги эгаллади. Орадан бир оз вақт ўтгач, нотикликнинг яна бир тури — *эпидейктик*, яъни тантанали нутқ услуби пайдо бўлди.

Нотиклик санъати қанчалик тез ривож топмасин, барибир у адабий фаолиятга қўшилмас, чиройли нутқ матнлари эса бирор ерда нашр этилмас эди.

Эпидейктик нотикликда баландпарвоз сўзлар ишлатилади. Шунинг учун ҳам бундай нутқ матнини тайёрлаш анчагина изланишни талаб қилар эди. Бинобарин, логографлар ўзларидан олдин ўтган салафларининг меросига ва халқ оғзаки ижодига мурожаат эта бошладилар. Шу тарика чиройли сўзлаш санъати—нотиклик санъати аста-секин шаклланиб, бадиий адабиётнинг равнақида катта роль ўйнади: трагедия, комедия ва роман жанрларининг пайдо бўлишига ижобий таъсир кўрсатди.

“Нотиклик санъати” оғзаки нутқнинг амалий таъсир этишидир. Шу билан бирга нотиклик санъати бизга сўзларни маҳорат билан ишлатишга имкон беради. Риторик фаолият даласи чексиздир: Касбий мулоқотда инсон ўзининг нутқини қандай ташкил қилиши керак? Қандай севги изҳор қилиш керак? Парламентда қандай нутқ сўзлаш керак? Бу ва бу каби бошқа саволларга риторика жавоб беради. Қадим асрлардан буён Риторика маданият меъёри деб ҳисобланган. Риторика инсон нутқини ташкил қилишни ўрганувчи ва нутқни моҳирона мақсадга мувофиқ ва ишончли бўлиши учун қоидаларни тавсия қилувчи классик гуманитар фандир.

Нутқ маданияти ва нотиклик санъати умумий, ўхшаш томонларга эга. Ҳар иккала соҳа тил ва нутқ, инсон нутқи билан алоқадор. Нутқ маданияти ҳам,

нотиклик санъати ҳам ўта чечанлик ёки бадиий сўз санъатига чекланиб қолмайди. Нотиклар орасида адабий тил нормаларга тўла амал қилмасдан, маълум лаҳжа ёки шевада ҳам чинакам нотиклик санъатини намойиш этадилар. Нотиклик нутқнинг оғзаки шаклидир. Нотиклик санъати оғзаки нутқ санъатидир. Нутқ маданияти эса нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун тегишли тушунчадир. Ҳар бир киши онатили бойликларини яхши эгаллаган, нутқ маданияти талабларига жавоб бера оладиган сўзамол шахс бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир шахс ҳам санъаткор маъносидаги нотик бўла олмайди. Лекин адабий тилда фойдаланувчи ҳар бир нотик нутқ маданиятидан яхши хабардор бўлиши лозим. Нотик кўпроқ нутқнинг мазмуни, мантикий асослари, мундарижавий тузилишига эътибор қаратади.

Сўзлашдан мақсад – фикр аниқлаш. Нотикларнинг вазифаси ва мақсади ҳам ўз фикрини кенг омма эътиборига, онгига етиб боришни таъминлашдан иборат. Ҳар бир нотикнинг нутқи оммани ишонтира оладиган, уларга тушунарли, ёрқин, таъсирчан, мантикли ва аниқ бўлиши зарур. Қадимги Шарқда нотиклар ўз нутқларини намунали бўлишини таъминлаш учун қуйидаги асосий ҳолатларга катта эътибор беришган:

- ўзи тўхталмоқчи бўлган масала ёки мавзунини чуқур ўрганиш, ўзлаштириб олиш, ундаги масалаларга ўз муносабатини аниқ белгилаб олиш;
- ўз дунёқарашига эга бўлиш, сўз билан амалиётнинг диалектик бирлигига эришиш, фикрларни илмий асослаш;
- мавзуга масъулият билан ёндашиш, уни омма олдида тўлиқ очиб беришга, ёритишга эътибор бериш;
- оммавий чиқишлар пайтида тингловчилар билан ниҳоятда яқин алоқа, мулоқотни таъминлаш, тингловчиларнинг кайфиятини ҳис қилиб туриш, бу орқали эса уларни ўз фикрларига ишонтира олиш;
- ҳар бир нутққа жиддий таъриғарлик кўриш, жумладан, нутқни нимадан бошлашдан тортиб, нима билан тугатишгача жиддий ўйлаб олиш, масалаларни ўртага ташлаш кетма-кетлигини белгилаб олиш, уларнинг ўзаро боғланишини таъминлаш.

Намунали нутқни таъминловчи омиллар юқоридагилар билангина чекланиб қолмайди. Яна бир энг муҳим омил ҳар бир нотик тилни яхши билиши керак. Ҳар қандай нотик нутқининг маданияти бўлишини таъминлашга ҳаракат қилар экан, аввало, ўз она тилини билиши унинг бебаҳо неъматларидан фойдалана олиш, сўз қадрига ета билиши керак. Бундан ташқари нутқнинг гўзал, латофатли, маънодор ва олижаноб бўлиши учун кишининг ўзи ҳам табиатан самимий, мусаффо бўлиши керак.

Нотиклик қадимдан қуйидаги турларга бўлинади:

- а) ижтимоий-сиёсий чиқишлар;
- б) тарғиботчи ва ташвиқотчилар нутқи;
- в) академик нутқ;
- г) суддаги нутқ;
- д) махсус сўз усталарининг чиқишлари.

Риторика – Қадимги Грецияда айнан маданиятнинг энг гуллаб яшнаётган даврида Римда муҳим ўринни эгаллади. Бу санъат ўрта асрда ҳам мавжуд бўлиб, тикланиш даврида ривожланди. XVIII-XIX асрларда эса маънавий маданиятнинг асосий ва энг зарур қисми эди. Бу даврда риторика ўзини равнаки ва қулаши, асоссиз танқидга учраши ва унутилишни бошидан кечирди.

Нотиклар томонидан яратилган нутқ матнлари насрий ва поэтик ижод намунаси ҳисобланган. Бундай ижодкор нотикларнинг номи ўз мамлакати доирасидан чиқиб, жаҳонга маълум ва машҳур бўлган. Аристотель, Демосфен ва Цицеронлар шулар жумласидандир.

Қадимги Грецияда ҳамма таниқли нотиклар ҳам риторикани тан олмасдилар. Масалан: Платон Горгий билан бўлган баҳсда чиройли сўзлашувни “ишонтириш илми” деган (Горгий диалоги), Сократ айтганидек (устаами Сократа), “Балки ишонтиришнинг икки усулли дастурини қабул қилармиз: бири билимсиз ишончни етказиш, иккинчиси – билим берадиган” деган эди. Лекин Цицерон ўзини “Нотик ҳақида”ги трактида Платон риторикага қарши бўлса ҳам, уни моҳир ва улуг нотик бўлганини ёзади.

Классик риторика нукнинг кетма-кетлиги қонунини ишлаб чиқди, бунда нотикни мақсадли йўналтириш, тил бирликларининг ўзаро муносабати ва нутқнинг логик – психологик хусусиятларини назарда тутдилар. Биринчидан, биз нимани ошириш ёки камситиш, шиддатлик, тезлик ёки оддий, қизиқ ёки муҳим, дабдабалик ёки эҳтиёткорлик, улугворлик ёки хушмуомалалик билан, қандай даражада, қандай жойлашувда бизнинг фикр-ўйларимизга етишиш мумкин. Квинтилиан нотикнинг вазифаларини белгилаб берган.

Антик “чиройли сўзлашув” санъатининг яна бир ажралиб турадиган томони шунда эдики, у нотикни болалигидан бошлаб тайёрлаш эди. Бу тайёргарлик нафақат болани нутқига қаратилган, балки уни хушахлоқ қилиб тарбиялашда эди.

Масалан, Ораторлик тушунчасига биринчилардан бўлиб таъриф берган Цицерон: “Нотик биринчидан, философияни, қонунларни, бошқа нотикларнинг тажрибаларини яхши билиши, иккинчидан, нотик яхши фазилатга, хислатга эга бўлиши ва шу билан бирга саховатли ва одобли, тўғри сўз инсон бўлиши кераклиги ва шундагина у нутқ сўзлашга лойик”, – деб ҳисоблайди.

Ғарб нотиклиги ҳақида сўз кетганда, даставвал Цицероннинг номи тилга олинади. Бунинг сабаби бор. Аристотель асосан назариётчи, Демосфен эса амалиётчи нотик бўлган. Цицерон эса ҳар иккаласига хос хусусиятларни ўзида уйғунлаштира олган, нотиклик тараққиётига муносиб ҳисса қўшган машҳур нотик саналган. Унинг нутқий маҳоратни эгаллашга бўлган интилиши Демосфенга ўхшаб кетади. Цицерон ҳам манзур нотик бўлиб етишгунга қадар Демосфендан кам алам ва изтироблар тортган эмас. Хўш, у нотикликнинг юксак зинапоясига қандай кўтарила олди?

Аристотель эрамиздан аввал, 384 йили Стагир (Македония яриморотидаги Халкидик)да шифокор оиласида дунёга келади. Аристотель 17 ёшида Афинага келади ва бу ерда ўз замонасининг машҳур олимларидан бўлган Платонга шогирд бўлади.

Платоннинг вафотидан сўнг Аристотель Афинадан Троад томон ўтиб, Ассосга боради. Чунки бу ерда устознинг тарафдорлари кўп эди. Унга, айниқса, зўравон, золим Гермий ҳомийлик қилади. Аристотель Гермий вафотидан сўнг Лесбос ярим оролидаги Митилен шаҳрига кўчиб ўтади ва у ерда яшайди.

342 йили Македония подшоси Филипп ўзининг Александр номли 13 ёшли ўғлининг тарбияси учун Аристотелни Митилендан чакириб олади. Бу ерда у фалсафа мактабини очади ва катта кутубхона ташкил қилади ҳамда нотиклик санъати асослари билан чуқурроқ шуғуллана бошлайди. У “Органон”, “Риторика”, “Поэтика” каби асарлари билан нотиклик санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшган. Аристотель ўзининг “Риторика” асарида қуйидаги уч масалани, яъни тил, нутқ таркиби ва услубни таҳлил қилади. Унинг фикрича, нутқда аниқлик бўлмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу сабабли нотиклик санъати ютуғининг асосий шартини хам унинг аниқ ва тушунарли бўлишидадир. Шунингдек, у нутқ услубини ёзма ва оғзаки нутқ услубига ажратади.

Биринчиси ўзининг аниқлиги, ифодаси билан ажралиб турса, иккинчиси эса жонлилиги, артистизми билан ажралиб туради.

“Чиройли сўзлашув”нинг назарий удуми Аристотелнинг “Риторика” трактидан бошланади. Унда биринчи бўлиб риторика билан логиканинг ўзаро муносабати кўрсатилган. Аристотель: “Ишонтириш усули бу қандайдир сифатда ишончдир. Риторик ишонч бу энтитемадир”, – деб ҳисоблаган.

Антик “чиройли сўзлашув” услублари риторикага турли аниқликлар киритганлар:

а) ҳар бир берилган фан учун ишонтириш усуллари топиш қобилияти (Аристотель);

б) англаш, тўлқинлантириш, роҳат бағишлаш воситаси сифатида (Цицерон);

в) “Яхши гапириш” илми сифатида (Квинтилиан).

Аристотель нотиклик санъатини эгаллашни 5 қисмга бўлиб ўргатади:

- материални кашф этиш (ҳар томонлама тайёрлаш);
- материални жойлаштириш шакли (режаси);
- материални эслаб қолиш (ўзлаштириш);
- материални сўз ёрдамида тўғри акс эттириш;
- материални тўғри талаффуз этиш;
- Аристотель фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Аристотель нутқ услубини мураккаблаштиришга қарши чиққан, чунки мураккаб сўзлар, кераксиз ифодалар ва ноўрин эпитетларни ишлатиш нутқни мураккаблаштиради. Нотикнинг нутқ услуби эмоционал, руҳни кўтарувчи бўлиши керак. Бундай услуб оммаки назорат остида тута олади.

Демосфен. Нотиклик санъатини ривожлантиришда Демосфеннинг хам ўрни катта. Демосфен милоддан аввалги 384-322 йилларда яшаб ижод этган. У нотиклар мактабининг йўлбошчиси, моҳир воиз, демократик тузум ҳимоячиси, зиёли ватанпарварлар вакилидир.

Умрини она-ватанининг гуллаб-яшнашига бағишлаган давлат арбоби, машҳур нотик Демосфен эрамиздан олдинги 384 йили Афинада ўзига тўқ оилада дунёга келди. Унинг отасининг исми ҳам Демосфен бўлиб, курул-яроғ устахонасининг эгаси эди.

Бўлажак нотик беш ёшга тўлганда отасидан ажралади. Демосфен билан синглисига отадан катта мерос қолади. Болаларнинг тарбияси ва мерос вақтинча тоғасига топширилади. Тоға эса барча бойликларни қўлга киритиб олгач, болаларнинг тарбияси билан қизикмайди. Натижада, Демосфен жуда нимжон ва касалманд бўлиб ўсади.

Демосфен вояга етгач, тоғаси уй ва уй жиҳозларини ҳамда пулининг маълум бир қисминигина бериб алдайди. Демосфен тоғасидан мол-мулкининг қолганини яхшилик билан қайтариб беришини сўрайди. Бироқ тоға бундан бош тортгандан кейин у қолган меросини суд орқали ундириб олишга қарор қилади. Судда муваффақият қозониш учун Афина давлатқонунларини яхши билиш, шу билан бирга, равон сўзлаш, даъвосининг тўғрилигига кишиларни ишонтириш керак эди. Шу сабабли Демосфен нотиклик санъатини ўрганиш учун ўз даврида мерос ишлари бўйича машҳур бўлган адвокат Исей мактабида таълим олишга мажбур бўлади. У тўрт йил давомида қунт билан ўқийди ва бу даврда кўпгина ёзувчиларнинг асарлари билан танишиб чикади. Айниқса, машҳур тарихчи Фукидид (*Фукидид* –эрамиздан олдин V асрда яшаган Афина тарихчиси ва давлат арбоби. У Пелопан урушида иштирок этган ва унинг тарихини ёзган) ва файласуф Платоннинг танланган асарларини пухта ўрганади. Бўлажак нотик Фукидид асарларини саккиз мартаба қайта кўчириб ёзиб, уни деярли ёддан ўзлаштиради.

Демосфен ўқишни тугатгач, васийлари билан судлашади ва бу суд беш йил давом этади. Бир неча йил сурункасига бўлган кураш бўлажак нотик характерининг товланишида, бир сўзли ва матонатли бўлишида катта роль ўйнади.

Ёшлик чоғларидаёқ кўпчилик олдида сўзга чиқишни орзу қилиб юрган Демосфен ўқиш йилларида ўқитувчиси билан суд мажлисларига катнашади.

Демосфеннинг нутқлари фактик материалларга жуда бой бўлган, чунки у ўз кузатишлари асосида кўпгина нутқларни тузган. У ҳар қандай шароитда аудиторияни ўзини охиригача эшитишга мажбур қила олган. Демосфеннинг суддаги нутқлари яхши бўлмаса-да, лекин сиёсий нутқлари, айниқса, Македония подшоҳи Филипп II га қарши нутқлари жуда қизиқарли бўлган. У ўз чиқишларида доимо машҳур афиналикларни эслаган ва хотирлашга чақирган. Дадил, ватанпарварлик руҳидаги чиқишлари афиналикларни қаҳрамонликка ундаган ва уларнинг маънавий ҳаётида чуқур из қолдирган. У афиналиклар билан бевосита мулоқотга киришган, ўзига нисбатан ҳеч бир лўкмани жавобсиз қолдирмаган. Ўз рақибларининг чиқишларини тез ва самарали рад этган. Масалан, “Илтимос шовқин кўтарманглар, инсонларга ўхшаб эшитинглар”, – деб мурожаат қилган йиғилганларга.

Демосфен тингловчиларни нутқда ифодаланаётган муаммолар тўғрисида тафаккур юритишга мажбурлаш мақсадида афиналик фукараларга тез-тез

мурожаат қилган; уларга саволлар берган ва саволларнинг баъзиларига тезда ўзи жавоб берган, баъзиларини эса тингловчилар жавоб беришлари учун жавобсиз қолдирган; шунингдек, нуткида баъзан Еврепид, Софокл шеърларидан парчалар келтирган. Унинг яхши кўрган нотиклик усулларидан бири тингловчилар хохишидан келиб чиққан ҳолда ўз чиқишларини тайёрлаш ва уларни муайян ҳаракатларга ундаш бўлган (масалан, “яхши” ва “аъло” деб баҳо бериб турган), баъзан ундов саволлар ҳам ишлатган (масалан, “Бундай бўлишини ким ҳам ўйлаганди!?”).

Демосфеннинг қасамёдлари, худога мурожаатлари афиналиклар қалбида чуқур из қолдирган. Масалан: “Зевс номи билан қасам ичаман”, “Сизларга фақат ҳақиқатни гапираман деб худога қасам ичаман” ва бошқалар. Давлат аҳамиятидаги тадбирларда, хусусан, “Херсонес иши тўғрисида”ги нуткида у ўзини энг олдинги сафларда бўлиш истагини худо номи билан сўрашдан бошлаган. Баъзан аудиторияни ҳам Зевс номи билан қасам ичишга чақирган.

Демосфен нутклари асосланган, ифодасига кўра аниқ, гаплар қисқа, суръат текис ва майин, гоҳ баланд, гоҳ паст бўлган. Қиёслашлар Демосфен нутқларини янада кучайтирган. Демосфен нутқларининг муваффақияти унинг ҳаракатлари, интонацияси, тингловчилар қалбига қаратилган нигоҳи билан боғлиқ бўлган.

Демосфен нотикликни сиёсатдан ва ижтимоий кизиқишлардан ташқарида тасаввур қила олмаган. Ўзининг нотиклик санъатига сиёсий, моҳиятан ватанпарварлик фаолиятининг қуроли сифатида қараган. У сафсата нутқларни танқид қилган. Унинг фикрича, нотикнинг нутқи ва амалий фаолияти ўртасида тафовут бўлмаслиги зарур, ёлғон нутқлар давлат учун жуда зарарли, ҳар қандай нутқ нотикнинг фуқаролик ғурурига мувофик бўлиши лозим. Демосфен нотикликни сиёсий фаолият билан уйғунлаштиришга интилган.

Цицерон. Цицерон Римдан узок бўлмаган Арпина шахрида бадавлат оилада дунёга келади. Унинг болалик йиллари Арпина шахридаги отасига қарашли ерларда ўтади. Отаси фарзандига яхши таълим-тарбия бериш мақсадида Римга кўчиб ўтади. Цицерон у ерда юнон мураббийлари кўлида таҳсил кўради, юнон тили ва адабиётини мукамал эгаллагач, Юнонистоннинг машҳур сўз усталари Лициний Красс ва Марк Антоний каби нотиклардан, сўз санъатининг нозик сирларини ўрганади ва уларнинг ажойиб нутқларини тинглайди.

Бўлажак нотик, айна вақтда, фалсафа билан ҳам шуғулланади. Лекин уни кўпроқ нотиклик санъати қизиқтиради. Цицерон нотикларнинг турли мимика ва ҳаракатлар билан сўзлаётганини кўриб, нотик бўлиш учун актёрликдан ҳам хабардор бўлиш керак экан, деган хулосага келади. Шунинг учун Эзоп ва Росций каби ўз даврининг машҳур актёрларидан сабоқ олган.

Цицерон узок тайёргарликдан сўнг 25 ёшида биринчи мартаба халқ олдида нутқ сўзлашга журъат этади. У аввал фуқаролик, сўнгра жиний иш жараёни бўйича гапиради. Бирок унинг бу нуткида давлат бошлиқларидан Сулл ҳамда Котт исмли машҳур нотиклар қарши чиқади. Шундан кейин у риторика

ва фалсафа фанларидан мукамалроқ назарий билим олиш мақсадида замонасининг буюк нотикларидан ҳисобланган Антио Аскалонскийдан таълим олади, машҳр сўз усталаридан ўрганиш ниятида Кичик Осиёнинг бир қанча шаҳарларини кезиб чиқади.

Цицерон – ўз замонасининг кўпчилик сўз усталари сингари ўз фаолиятининг илк даврларидаёқ нутқида услубнинг чиройлилиги, ибораларнинг жонлилиги, жумлаларнинг нафис бўлишига катта эътибор беради.

Цицероннинг фикрича, нотик шунчаки суд ишларининг барча қонунқоидаларини яхши биладиган қонунпараст эмас, балки давлат ишларини чуқур тушунадиган, халқ қайғусига ҳамдардлик қила оладиган давлат арбоби бўлмоғи керак. Шунинг учун нотиклик санъатига кизиққан ҳар бир киши фақат риторика илмига оид ибтидоий билимлар билан чекланмасдан ва ўзининг табиий истеъдодига ишониб қолмасдан, доимо турли фанларни ўқиб-ўрганмоғи, илм ва маданиятнинг юқори чўққиларига интиломоғи даркор.

У анча вақтгача нутқ сўзлашда янги усуллар кидирди, ниҳоят Осиё ҳамда Аттика (Ўрта Греция (Юнонистон)нинг жануби-шарқида денгиз ичкарасига анча ёриб кирган яриморол Аттика деб аталади) усуллари омиктасидан иборат бўлган янги бир услуб кашф этади.

Цицеронни бутун инсоният олдида улуғлаб, обрўсини оширган нарсанинги ажойиб нутқлари, яъни “Архиянинг ҳимоясига бағишланган нутқ”, “Верресга қарши нутқ”, “Планкнинг ҳимоясига бағишланган нутқ”, “Клуенцийнинг ҳимоясига бағишланган нутқ”, “Квинт Лигарийнинг ҳимоясига бағишланган нутқ”, “Муреннинг ҳимоясига бағишланган нутқ”, “Секст Росцийнинг ҳимоясига бағишланган нутқ”, “Шоҳ Дейотарнинг ҳимоясига бағишланган нутқ” кабилардир.

Шунингдек, Цицероннинг хатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар: “Марк Брутга хати”, “Аттикага хати”, “Квинтга хати”, яқинларига хати ва бошқалардир.

Цицерон “Брут”, “Нотик” номли бошқа асарларида Рим нотиклик санъати тарихи ҳақида батафсил фикр юритиб, аттикачиларнинг назарияларига тамомила қарши мулоҳазалари билан майдонга чиқади.

Унинг таъкидлашича, ҳар қандай нотикнинг кўзда тутган асосий мақсади – тингловчининг завқини уйғотиб, ўзига мойил қилишдан иборатдир. Нотик шароитга қараб, мавжуд услубларнинг ҳаммасидан баравар фойдаланиш зарур.

Цицерон бу фикрни давом эттириб, кимки жўн нарсалар ҳақида оддийгина, кундалик воқеалар ҳақида ўрта даражада, улуғ ходисалар ҳақида эса шавқ-завқ билан гапирса, шу одам сўз санъатининг чинакам устаси бўлишини алоҳида таъкидлайди.

Поэзия тилининг вазни ва оҳангдорлиги, узун ва қисқа ҳижоларнинг, унли ва ундош товушларнинг алмашинуви, бир сўзнинг охири ва иккинчи сўзнинг бошида икки унлининг қатор келишига йўл қўймаслик, сўзларни тўғри талаффуз этиш, грамматикқоидаларга катта эътибор бериш каби нотиклик санъатининг муҳим масалалари ҳам Цицерон асарларида ўзининг тўла ифодасини топган.

Цицеронни бутун инсоният олдида улуғлаган, обрўсини оширган нарса унинг ажойиб, такрорланмас нутклари бўлди. Уйғониш даврида Италия, Франция ва Олмониянинг инсонпарвар олимлари Цицероннинг илҳомбахш нутқларини севиб ўргандилар.

Римда бир қанча вақтгача нотиклик санъати ривожланишдан тўхтаб қолди. Ўрта асрларга келиб эса нотикликнинг диний ва схоластик томонлари авж олиб кетди. Дин ҳомийлари нотиклик санъатини ўз қўлларига олгандан кейин уни ўзларининг синфий мақсадларини амалга ошириш учун хизмат қила бошладилар. Дин аҳлларининг ўртасида ҳам истеъдодли нотиклар бор эди. Улардан, айниқса, Василий Великий, Григорий Богослав, Иоани Златоуст ва Аврелий Августинлар катта шуҳрат қозонди.

Ўрта асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни XI-XII асрлардан “университет нотиклиги” деб номланган нотиклик санъати ривожланди. Дорилфунуннинг тарих ўқитувчиси Ян Гус прогрессив фикрлари учун гулханда ёндирилган Оксфорд дорилфунунининг магистри Дунс Скотт, фалсафа ўқитувчиси париждик Пьер Абелярлар шу санъатнинг атоқли вакиллари эди.

Ўрта асрнинг сўнгги давларида кўзга кўринган етук нотиклардан бири флоренциялик монах Савонарола эди. У илк бор черковни христианликнинг принципларига қайтишга чорлади. Тўғри, Савонарола черковдан воз кечишни тарғиб қилмади. Шундай бўлишига қарамасдан, унинг мафтункор нутқлари ўз-ўзидан католицизмга кетма-кет зарба бўлиб тушаверди. Натижада нотикнинг черковдаги хизмати кун сайин оғирлаша бошлади. Ашаддий диндорлар Савонаролани худди Ян Гус каби таъкиб остига олиб, турли иғволар таркатдилар, сўнгра тириклайин гулханда куйдирдилар.

XVI асрда буржуазиянинг туғилиши билан янги дунёкарашларидан – инсонпарварлик шакллана бошлади. Унинг характерли хусусиятлардан бири инсоннинг куч-қувватига, ақл-заковатига ишонч ҳамда антик дунё маданиятига катта қизиқиш уйғотиш эди. Инсонпарварлар халқ яратган маданий бойликларни кўз қорачиғидай сақлашни тарғиб қилдилар. Шунинг учун ҳам кўп вақтларгача “уйғониш” термини, “гуманизм” термини билан ёнма-ён туриб келди.

Шу даврнинг кўзга кўринган етук нотикларидан Эразм Роттердамский Ульрих фон Гуттен ҳамда католик черковининг турли хил намоёнликларига ўзларининг ажойиб нутқлари билан зарба берган Мартин Лютер ва Кальвинлар катта шуҳрат қозонди.

Бу даврда Олмонияда нотиклик санъатини мукамал эгаллаганлардан бири Томас Мюнцер эди. Мюнцер деҳқонлар ўртасида шундай ажойиб нутқлар сўзлар эдики, уни тинглаган ҳар бир деҳқон юрагида янги ҳаётга нисбатан катта умид уйғонар эди. Ҳатто шунинг натижасида деҳқонлар феодалларга қарши курашга отланиб, кўзғолон кўтардилар.

XIX асрда Франция, Италия, Олмония ва Австрияда буржуа демократик революциясининг ғалабасидан кейин нотиклик санъати юксак даражада ривожланди. Шунинг учун бу давр нотиклик санъатининг гуллаш даври деб

ҳам юритилади. Ўша давр нотиклари инсоннинг меҳнати ва ақл-заковатини улуғлаб, унинг келажагини астойдил химоя қилдилар.

Калит сўзлар: *риторика, юнон риториқаси, ошқора нутқ турлари, буюк нотиклар, эпидейктик нотиклик, чиройли нутқ, таъсирли нутқ хусусиятлари, суд нотиклиги, нотиклик санъати.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Нотиклик санъати ва унинг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Нотик деб кимлар айтилади?
3. Қадим нотиклик санъати кимларга хизмат қилган?
4. Рим нотиклик санъати ҳақида нималарни биласиз?

Адабиётлар рўйхати

1. Аристотель. Поэтика. Риторика. – М.: Азбука-классика, 2007.
2. Рождественский Ю.В. Теория риторики. – М.: Флинта: Наука, 2006.
3. Сопер П.А. Основы искусства речи. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1992.
4. Стернин И.А. Практическая риторика. – М.: Издательский центр Академия, 1993.
5. Цицерон. Эстетика: трактаты, речи, письма. – М.: Искусство, 1994.

1. Шарқ нотиклик санъати.
2. Воизлик санъати пайдо бўлиши ва ривожланиши.
3. Воизлик санъати хусусиятлари.

Марказий Осиёда нотиклик санъатининг тарихий илдизлари ва ғоявий манбалари милоддан аввалги VII асрга бориб тақалади. Бу ўринда “Алп Эр Тўнға” достони, муқаддас китоб “Авесто”, Ўрхун ва Энасой битиклари каби ёзма ёдгорликларни Марказий Осиёда нотиклик санъати шаклланишининг илк манбалари сифатида кўрсатса бўлади.

Мовароуннаҳрда ваъзхонлик санъатининг даражаси бевосита тингловчининг онги ва ҳис-туйғусига таъсир этиш маҳорати билан боғлиқ. “Ваъз” арабча сўз бўлиб, тарғиб қилиш, панд-насихат деган маъноларни англатган. “Воиз” сўзи эса ваъз айтувчи, нутқ сўзловчи шахс маъносини билдирган.

Марказий Осиёда IX асргача воизлик вазифасини шоҳ ва халифалар бажарганлар. Улар жума кунлари, ҳайит ва бошқа байрамларда жамоани йиғиб, давлат сиёсати, фуқароларнинг мажбурият ва бурчлари (жумладан, итоаткорлик, қонунларга риоя қилиш), қўшни мамлакатлардаги вазият, душманларнинг кирдикорлари, муҳофаа масалалари каби мавзуларда ваъз қилганлар.

Қадимги Шарқда нотикликнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборат эдики, у энг аввало, ўша давр тузумининг манфаатларига хизмат қилар ёки унинг акси бўлар эди. Бу даврда нотиклик санъати усталарини надимлар, киротхоналар, маддоҳлар, қасидахоналар каби номлар билан атаганлар.

Ўрта Осиё маданияти тарихида нутқ маданияти билан боғлиқ асарлар яратиш ўзига хос мавқега эга бўлган машҳур турколог Маҳмуд Қошғарийнинг “*Девони луготут турк*” асари бу масаланинг жуда қадимдан ўртага қўйиб келинганлигидан гувоҳлик беради. У даврда шартли равишда нутқ одоби деб юритилган қоида ва кўрсатмаларда содда ва ўринли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик, лакмалликни қоралаш, тўғри, рост ва дадил гапириш ва бошқалар ҳақида гап борган. Шарқда илк уйғониш даврига келиб нотикликнинг қуйидаги беш шакли ривожлана бошлади:

1. Юқори доирадаги сарой нотиклиги.
2. Диний нотиклик.
3. Халқ нотиклиги (бунда асосан кўзғолон раҳбарларининг нутқи кўзда тутилади).
4. Ҳарбий нотиклик.
5. Дипломатик нотиклик.

Нотиклик – ўтмиш сўз санъатининг энг баркамол оммавий жанрларидан бўлиб, бу санъатни мусулмон Шарқида воизлик деб аталган. Шунга кўра нутқ – *ваъз*, нотик – *воиз* деб юритилган.

Воизлик санъати асосан уч шаклда: *дабирлик*, *хатиблик*, *музаккирликдан* иборат бўлган. Булардан *биринчиси*, давлат мақомидаги ёзишмаларни ёзма баён этиш ва қироат билан ўқиб бериш; *иккинчиси*, жума кунлари пешин намози олдидан хутба ўқиш; *учинчиси*, жума кунларидаги, ҳайит ва бошқа тантанали кунлардаги анжуманларда хатибдан кейин диний, ахлоқий, ҳуқуқий масалаларни шарҳлаб беришдан иборатдир. Кейинчалик буларга республикамизда кенг тарқалган амри маъруфлар ҳам қўшилган. Ҳозирда уларни, асосан, имом-хатиб, имом-ноиблар, гоҳо мударрислар ўтказмоқдалар. Умуман, воизлик санъатига диний таълимот соҳиблари ҳамиша катта эътибор билан қараганлар ва бу анъана ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Ҳар қандай оғзаки нутқ шакли нутқий маҳорат маъносидаги нотиклик бўлавермайди. Ўзбек тилшунослигида нотиклик санъати ва унинг ўтмиши етарли даражада ишланган. Шу туфайли ўтмиш Шарқ нотиклиги билан ҳозирги кундаги нутқ маданияти соҳасида кўпгина ўхшашлик томонлари биз учун қоронғу. Нотиклик санъатида тингловчини оммани ўзига тортишга интилиш мақсади биринчи ўринда туради. Айтиб ўтганимиздек нотик нутқи чиройли мазмунли ва жозибали бўлишига, мантиқий кучга, жумлалар жимжимадорлигига катта эътибор берилиши лозим.

Воизлик санъати тингловчи ва воизларнинг ижтимоий-сиёсий маъқеи ҳамда бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларга ажратилган: *султониёт* – юқори табақа аъёнлар ва зодагонлар учун мўлжалланган; *жиходия* – жанггоҳ иштирокчилари учун мўлжалланган; *ғарибона* – оддий фуқаролар учун мўлжалланган.

Султониётда ҳукмдорлар шаънига ҳамду санолар айтилган, улар кўкларга кўтариб мақталган, яъни шахсга сиғиниш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик ўз ифодасини топган; *жиходияда* жанговарлик, яловбардорлик, ботирлик, қаҳрамонлик, жасурлик, фидойилик, ватанпарварлик улуғланган, барчажиходга (муқаддас урушга) чакирилган; *ғарибонада* эса меҳнат аҳли итоаткорликка, ювошликка чакирилган. Уларнинг ёзилиш, ўқилиш, шунингдек, ваъз этилиш шартлари, усули, оҳанги ҳам ҳар хил бўлган.

Шарқда, ўрта аср воизлик санъатида ҳар бир сўз, тушунча, оҳангнинг таъсирчанлигига эришиш, муайян бир фикр, мулоҳаза, ҳукм, гоё, мафкура ва хулосани ўз тингловчиларига етказиш мақсадида суҳандонлик (риторика) фани ўқитилган. Ҳозир ҳам мадрасаларда бу фан ўқитилмоқда. Бу давр воизлик санъатида жарангдорлик, фармонбардорлик оҳанги етакчи бўлган. Шу туфайли улар ижтимоий салмоқ, сиёсий қудрат касб этган, бадий сайқал топган.

Воизлик ҳам бошқа тарихий омиллар каби ижтимоий-сиёсий хусусиятга эга бўлган. Одамлар золим ва мазлум, ҳукмрон ва тобе, бой ва камбағал табақаларга, диний ва дунёвий дунёқараш соҳибларига бўлинган жамиятда бошқача бўлиши ҳаммумкин эмас эди. Воизлар ўз нутқларини бадий жиҳатдан юксак, жозибали, барча тингловчиларга етиб борадиган қилишга интилиш билан бирга, муайян ижтимоий табақаларнинг манфаатларига ҳам мослаган. Натижада ваъзлар таъсирчан мафкуравий қуролга айланар, мавжуд

ижтимоий тузумни муқаддас деб тушунган, ҳукмдорни яратувчининг ердаги сояси, пайғамбарнинг ноибидеб тасаввур этган тингловчилар бу воизларни қизиқиб тинглар, авом халқ воизга итоатгўйлик билан эргашар эди.

Шарқда дин мафкура ва таълимот сифатида танҳо ҳукмрон бўлган ўрта асрларда аксарият воизларнинг ваъзалари диний хусусиятга эга бўлиб, диний-таълимий мазмун ва шаклда баён қилинган. Бундай ҳол эса илғор фикрли, тараққийпарвар, ҳақиқатгўй зиёлиларда, олим, шоир, ёзувчи ва муаллимларда эътироз туғдирган. Улар бундай мутаассиб тарғиботчиларга қарши чиқар, уларнинг ёлғонини фош этиб, ҳақиқатни халқ оммасига, эл-юртга етказишга ҳаракат қилар эдилар.

Марказий Осиёда воизлик санъатининг ривожига ҳисса қўшган ноёб ёдгорликлардан яна бири – Кайковуснинг “Қобуснома” асаридир. Ундавоизликнинг сир-асрорларига бағишланган махсус боб бўлиб, у “Сухандонлик билан баланд мартабали бўлмоқ зикрида” деб номланади. Мазкур бобда Кайковуснинг фарзандига мурожаати куйидагича келтирилган:

Киши сухандон, сухангўй (нотик) бўлиши лозим. Эй фарзанд, сен тўғри сўзла, ёлгон сўзлама, тўғри сўз билан машхур бўл, чунки бир вақт зарурат юзасидан ёлгон гапирсанг, қабул қилишади. Ҳамма вақт сўзинг рост бўлсин, ёлгонга ўхшаган тўғри сўзни гапирмагилки, ростга ўхшаган ёлгон ёлгонга ўхшаган ростдан яхшидир, чунки бундай ёлгон сўз қабул қилинади, ёлгонга ўхшаган рост қабул қилинмайди, демак, номақбул ростни айтишдан сақлан...

Эй фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганинда маъноли гапир, бу нотикликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканини билмасанг, кушга ўхшайсан, бундай кушни тўти дейдилар...

Мана шу келтирилган қисқа сатрларда ҳам “Қобуснома” асарида нотикликда сўзнинг кучи ва ўрни нечоғлик моҳирона тасвирланганига гувоҳ бўламиз. Бу эса Марказий Осиёда нотиклик санъати ривожланишининг яна бир назарий манбаи сифатида “Қобуснома” асарини кўрсатиш мумкинлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, Марказий Осиёда воизлик санъатининг пайдо бўлиши ва кейинги ривожланиши халқ оғзаки ижодининг намуналари – “Алп Эр Тўнға” достони, муқаддас “Авесто”, Ўрхун ва Энасой, “Қобуснома” каби ёзма ёдгорликларнинг яратилиши билан бирга кузатилган. Бу эса ўз навбатида, Марказий Осиё воизлик санъатининг узок қадимий тарихга эга бўлиб, воизликнинг таркиби, тури ва шакллари ифодаловчи ўзига хос тизимни шакллантирган деган хулосага келишимизга асос бўла олади.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи IX-XV асрларда дунё маданияти тараққиётида олдинги сафлардан бирига кўтарила олган эди. Умуман, ўрта асрларда фан ва маданиятнинг ривожига Хоразмий, Фароғий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Қошғарий, Навоий каби улуг сиймолар катта ҳисса қўшганлар.

Булар яшаган даврни Шарқ тарихида Уйғониш даври деб ҳам юритадилар. Бу даврда илм-фан, адабиёт, санъат маданиятимизнинг раванк топган йиллари бўлди. Адабиёт, санъат, фан ва умуман, маданиятимизнинг тарғиботчилари бўлган бу алломалар айна вақтда воиз (нотик)лик санъатини ҳам яратдилар.

Мутахассис нотикларни *воизлар* деб атаганлар. Уларнинг ваъз матнлари, одатда, чиройли ва бадиий юксак савияда бўлган. Нутқ матнларининг аксарияти насрий шеър ва ҳатто шеърини шаклларда ёзилган.

Нотиклик жуда узоқ тарихга эга, ана шу давр ичида у шаклланди, ўзгарди ва камол топди. Албатта, бу тарихий жараёнда наслдан-наслга мерос қолишга арзигулик анъаналар ҳам етиб келди.

Ўтмиш Шарқ нотиклари орасида ўз замонасининг Демосфен ва Цицеронлари жуда кўп бўлган. Ўзбек ва юнон санъаткор-мутафаккирларининг нутқ талқинлари, таъсирчанлиги ва нотиклик санъати асослари бўйича олға сурган фикрлари жаҳон тараккийпарвар нотиклигининг шу масалаларидаги талқинлари билан ҳамоҳангдир.

Шарқ ва хусусан, Ўрта Осиёда жуда кўплаб нотиклар етишиб чиқдилар, фақат етишиб чиқдиларгина эмас, балки улар нотиклик асосларини ва мактабини яратиб, бутун Шарққа, ҳатто, бутун дунёга машхур бўлганлар.

Жумладан:

- Воиз Муҳаммад Рафиъ – “*Абвобул жинон*”.
- Воиз Қазвиний – “*Зилолу мақол*”.
- Воиз Ширвоний – “*Аҳсанул аҳодис*”.
- Муҳаммад Бобурбинни Муҳаммад Воиз – “*Ҳидоятул-тақвим*”.
- Қурайш Синдий – “*Анисул-воизин*”.
- Мулла Калон Воиз Самарқандий – “*Равзатул-воизин*”.

Воизликнинг келиб чиқиш тарихи ҳам анча қизиқ. Швейцар олими Адам Мецнинг маълумотларига кўра илгари подшоҳлар эл олдига чиқиб давлат тузуми, итоаткорлик, халқаро аҳвол, диний қоидалар, ўз сиёсатлари ва бошқа мавзуларда нутқ сўзлаб турганлар. Уларнинг нутқ матнларини эса сарой ходимлари, яъни Девонил иншо ходимлари ёзиб берган. Айниқса, жума намози кунлари улар нутқ сўзлашлари шарт бўлган. Вақт ўтиши билан бундай ишларни маҳсус сўз усталарига топшира бошлаганлар. Жумладан, Мавлоно Фахриддин Али Сафийнинг “*Латойифут-тавойиф*” асарида айтилишича, Султон Ҳусайн Бойқаро бир куни Шерозга, Шох Шижоъ олдига расмий давлат иши билан музокара олиб бориш учун бир вакил юбормоқчи бўлган. Арқони давлат билан маслаҳатлашиб, Мавлоно Ир шоддан бошқа муносиб киши топа олмайдилар.

Хуллас, Иршод бориб расмий ишларни оз муддатда ижобий ҳал этади. Аммо унинг нотиклик маҳоратига қойил қолган шох Шижоъ Иршодга жавоб бермай, бир мажлис куриб кейин кетиши мумкинлигини айтиб илтимос қилади. Нотик мажлисни жума кунига тайинлайди. Бошқа одамлар катори Шох ва унинг аъёнлари ҳам масжиди жомага йиғиладилар. Ўша куни Мавлоно Иршод шундай эхтиросли нутқ сўзлайдики, йиғилган халойиқ хўнг-хўнг йиғлай

бошлайди. Нотик ҳамма нутққа берилиб кетиб йиғлаётганини кўради. Шунда Мавлоно Иршод ўз нотиклигининг яна бир бунёдкор кучини намоёниш қилади: у тўсатдан шундай кутилмаган бурилиш ясайдики, ҳамма бирданига кўз ёши аралаш қаҳ-қаҳ солади.

Шоҳ Шижоъ ҳам, йиғилган халойиқ ҳам буюк нотик Мавлоно Иршодни ҳурмат-эҳтиром билан кузатиб кўядилар.

Ўзбек халқи орасида Мавлоно Иршодга ўхшаган нотиклар жуда кўп бўлган. Улардан бири фарғоналик машҳур нотик Қози Ўший бўлган. У Ўш шаҳрида қозилик лавозимида ишлагани учун Қози Ўший тахаллусига эга бўлади.

У халқ ўртасида жуда катта обрўга эга бўлади. Эрондаги Сиистон вилоятининг халқи каттиққўллиги билан донг чиқарган, ҳатто гадойга ҳам нон бермас эканлар. Қози Ўший эса бу халқнинг кўнгил кулфини сўз калити билан очиб юмшатаман дейди. У Сиистонга бориб, бир-икки ҳафта шу халқ ичида юради, уларнинг руҳий ҳолатини ўрганади. Шаҳар қозисидан рухсат олиб, жума кун масжиди жомеда катта нутқ сўзлайди, нотик билан барабар халқнинг фиғони фалакка кўтарилади. Сиистон халқи топган-тутганини минбар остига ташлайди. Лекин Қози Ўший нутқи учун ҳеч кимдан ҳақ олмаслигини айтади, буни эшитган халқ нотикни янада эъзозлайди.

Нотик, у халқнинг ҳасис эмаслигини, аксинча, олижаноб эканлигини, халқнинг меҳр ҳазинасини очиш учун муносиб калиттопа олиш керак эканлигини исбот этади.

Алишер Навоий томонидан тилга олинган воизлар қаторига Мавлоно Риёзий, Хусайн Воиз Кошифий ва Хожа Муайяд Меҳнагийларни қўшади.

Мавлоно Риёзий Зова деб аталган вилоятда ўсди, улғайди. Ўзининг ақл-заковати ила шу вилоятнинг қозилик лавозимига кўтарилди. Бироқ Алишер Навоий “Мажолис-ун нафоис” ясаида ёзишича, у айрим ўринсиз хатти-ҳаракатлари учун қозилик лавозимидан четлаштирилган, кишанга солиб бадарға килинган. Натижада бир умр таъкибостида юради, ғарибликда кун кечиради.

Алишер Навоийнинг ёзишича: “...ваъз айтиб, минбарда ўз ашъорин ўқуб, йиглаб ваъжди ҳол қилур эрди”- дейди. Шоирнинг бу сўзлари анча диққат-эътиборга лойиқ, чунки эл олдида расмий нутқ билан чиқиб, йиғлаш даражасига бориб етишиши ва бу кўз ёшига нисбатан тингловчиларда кулги эмас, балки ҳамдардлик кайфиятини уйғота олиш учун катта санъаткорлик маҳорати керак. Мавлоно Риёзий нутқ пайтида кўз ёши даражасига етиб борар экан, қалбидагини йиглаб баён этар ва кишиларни шунга ишонтира олар экан, демак, у, шубҳасиз, жуда истеъдодли нотик, чинакам сўз санъаткори бўлган.

Мавлоно Риёзий ажойиб сўз санъаткори бўлиш билан бир қаторда, у ўз даврининг кўзга кўринган педагогларидан бири бўлган. У ўз ишларини дунёвий фанлар: табиатшунослик, география, тарих, адабиёт назарияси ва бошқа фанларни чуқур ўрганиб, уни ёшлар ўртасида тарғиб қилган.

Алишер Навоийнинг ёзишига караганда, Мавлоно Риёзий ўз фикрида каттиқ турувчи ва шу фикр учун курашувчи шахс, садоқатли ва мохир педагог,

бутун хаётини севимли касбига бағишлаган улуғвор инсон эканлигини таъкидлайди.

Ўз касбининг моҳир устаси бўлган Мавлоно Риёзий ўз нутқларида бошқа нотиклар қатори халқ оғзаки ижодидан ва айниқса, бадиий адабиётдан жуда усталик билан фойдаланган. У ўз замонасининг забардаст нотиғи, олими, педагог ва шоирларидан бўлган.

Хусайн Воиз Кошифий. Маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган XV асрнинг машҳур воизларидан яна бири Хусайн Воиз Кошифийдир. Ўз соҳасида бутун Марказий Осиёга машҳур ва манзур бўлгани боис унинг исмига воиз тахаллуси қўшиб айтилар ва ёзилар эди. “Камоли эҳтиром ила соҳиби суҳан” деб тавсифланган сиймо мавлоно Навоийнинг замондоши ва дўсти бўлган.

Хусайн Воизнинг энг асосий фазилати унинг илм эгаси эканлигидадир. У жуда кўп фанларни эгаллаган ва уларнинг ҳар бирида чуқур илмий тадқиқотлар олиб борган машҳур олимлардан биридир.

Кошифий ўзидан анчагина салмоқли ижодий мерос қолдирган. Қуръони Каримни ёд билган, ҳадисларни халққа тарғиб қилишда, тушунтиришда у моҳир нотик бўлган. Қуръони Карим ҳақида авом халққа тушунарли бўлиши учун тўрт китобдан иборат шарҳ ёзади. Воиз Кошифийнинг бизгача етиб келган “Ахлоқи Мухсиний”, “Рисолати Хотамия”, “Анвари Сухайли”, “Футувватномаи Султоний”, “Тафсири Хусайний”, “Жавоҳирнома”, “Махзанул-иншо” каби асарлари араб, урду, турк, немис, инглиз, француз каби бир қанча тилларга таржима қилинган ва ҳозирда кўпгина хорижий давлатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда.

Кўп йиллар давомида тадқиқот олиб борган олим С.Иномхўжаев ўрганилган кўлёмаларга асосланиб, Кошифийнинг 40га яқин асарлари бўлганлиги ва булардан 14 таси форсийда ёзилганлигини таъкидлайди.

Воиз Кошифийнинг ўз замонасида забардаст нотик бўлганлиги хусусида тарихий далиллар кўп.

Хожа Муайяд Мехнагий. Алишер Навоийнинг ёзишича, у “...зоҳир улумин такмил қилиб эрди”, яъни юзадаги илмлар, ўзига аён бўлган фанларнинг ҳаммасини ўзлаштиргангина эмас, балки уни тўлдирган ва ривожлантирган ҳам эди. Унинг ваъзлари жўшкин ўтган, ўз тингловчиларида нуткига нисбатан хайрихоҳлик кўзгата олган. Шунинг билан бирга у ўз тингловчилари қалбига қўл солаолган, уларни фақатгина тингловчиликдан, ҳар бирини фаол фикр юритувчи, ваъз мазмунига нисбатан фаол муносабатда бўлувчи ижодкор тингловчилар даражасига кўтара олган. Ўз мажлисларининг кизгин ўтишига эриша олган.

Ўша даврларда Хожа Муайяд каби оташнафас нотиклар сони жуда кам бўлган. Шунинг учун ҳам улар номи улкан адиблар номи қаторида тарих саҳифасидан шарафли ўрин олган. Унинг ижодий маҳорати бошқа нотиклар учун намуна бўла олади. Чунки у ўша даврдаги мавжуд фанларнинг барчасини тўла ўзлаштирган ва уларни такомиллаштирган донишманд олимдир.

Хожа Муайяд кабимаҳорат ва билимга эга бўлган ҳар бир нотик ўз тингловчилари қалбини ларзага келтириши, уларни хаяжонга сола

олиши турган гап. Ана шундай кудрат-заковати туфайлигина султонлар, подшоҳлар ҳам унинг маҳорати, истеъдоди олдида бош эгганлар.

Буюк шоир Алишер Навоийнинг табаррук қаламига мансуб яна бир Шарк воизи – Ҳирот вилоятининг забардаст воизларидан бири Муин воиз бўлган. У ҳақдаги асосий маълумотлар кўп.

Муин воизнинг акаси Низомиддин давлат арбоби бўлган. У укасини икки марта Ҳирот шаҳрининг қозиси лавозимига тайинламоқчи бўлган, аммо Муин ҳар гал рад жавобини бериб, бу илтифотдан воз кечган.

Масалага юзаки қараганда, Муиннинг акасига бу эркалиги ўринсиз эди. У акасининг сояи давлатида энг йирик шаҳар қозиси лавозимида виқор билан мағрурланиб юрса бўларди. Лекин у узоқни кўргани, амал гўёки қўлнинг кири эканлигини англагани боис бундай қилмаган. Алишер Навоий таъбири билан айтганда, Муиннинг “дарвеш”лиги, яъни шаккоклигининг асосий сабаби унинг воизлик санъатига бўлган иштиёқи ва фидойилигидир.

Муин воиз Ҳиротнинг нуфузли нотикларидан бўлган. Алишер Навоий ҳазратларининг таъкидлашича, у “ҳоло ўзидаги азим воиз дурур ва муридлари кўп” бўлган. Бу таърифдан пайқаш мумкинки, Муин фақат сўз устаси эмас, балки бундай суҳандонларнинг мураббийси ҳам бўлган. Бинобарин, унинг педагогик фаолияти ғоят ибратлидир. Агар Муин фаолиятининг шу қирралари ҳақидаги маълумотлар сақланганида эди, нур устига аъло нур бўлар эди.

Мавлоно Навоийнинг тазкирасида Муиннинг нутқ маданиятига тааллуқли қимматли фикрлар мавжуд. Уларга кўра, Муин ғоят жўшқин, эҳтиросли нутқ сўзлаш маҳоратига эга бўлган. У ваъз қилаётганида, шу қадар берилиб кетар эканки, девоналик даражасига етиб борар ҳамда “баланд ва паст сўзлардан айтур”¹ экан. Бунинг устига ваъз фурсатида “минбар устида девонавор илик ташламоғи ва тахтани тепмоғи кўп дурур”² экан.

Воиз Муиннинг нутқ пайтидаги қўл ҳаракатлари, чехрасидаги имо-ишоралари бевосита унинг нутқ маданиятига доир қўшимча воситалардан моҳирона фойдаланганидан далолат беради.

Муиннинг дилрабо ваъзларини тингловчи шинавандалар сабрсизлик билан кутганликларининг сабаби унинг жума намози, рамазон ва қурбон ҳайитлари кунларида ўкиладиган бомдод намозлари олдидан айтадиган ваъзлари ҳаммани лол қолдирган. Тазкиралардаги ривоятларга кўра, аксарият намозхонлар бу воизнинг ваъзи баҳонасида узоқ-яқиндан масжиди жомеларга келганлар. Чунки у даврларда фуқаролар орасида “ваъзпарастлик”, ваъзларга ишқибозлик кенг тарқалган.

Тарихнавис Хондамирнинг таъкидлашича, воиз Муин ўз ваъзларида ҳеч кимни юз-хотир қилмаган, ҳатто давлат арбобларини ҳам аёвсиз танқид қилган.

Воиз Муинга Хондамир берган юқори баҳоларга қараганда, бу воиз зўр суҳандон бўлиши билан бирга кенг ва чуқур билим соҳиби, “тузуккина” шоир ҳам бўлган. Хуллас, Муин ҳақида айтилган бу сифатларнинг келтирилиши, унинг моҳир воиз бўлганлигидан далолат беради.

Шарқ илк Уйғониш даври комусий олимларидан бири **Абу Наср Форобий** табиий-илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий масалалар билан бир қаторда нотиклик санъати, тилшунослик каби фанларга оид асарлар яратган. Унинг *“Калом фи аъжир ва-л ковофи”*, *“Китоб фил лугат”*, *“Китобфил хитоба”*, *“Китоб фил санъат ал хитобат”* каби асарларида бевосита санъат назариясига оид қарашлари баён этилган. Форобийнинг фикрича, санъатнинг барча турлари бир-биридан фарқ қилиб, назм санъати сўз билан, тасвирий санъат эса бўёқлар билан иш кўради. Лекин улар инсонга бир хил таъсир кўрсатади. У Арасту изидан бориб, бу санъатларнинг ҳар иккаласига тақлид қилиш ёрдамида кишилар тасаввури ва хиссиётига таъсир кўрсатишни мақсад қилиб кўяди.

Ўрта Осиёнинг бошқа бир буюк мутафаккири **Абу Райхон Беруний** ҳам ўз даврининг комусий олими бўлиб, жуда кўп тилларни билган. У нотиклик санъатини эстетика билан боғлаб, нутқ чиройли, равон ва ёқимли бўлсагина кенг оммага тез етиб боришини таъкидлаган.

Забардаст комусий олимлардан бири **Абу Али ибн Сино** ҳаммамизга тиббиёт соҳасининг билимдони сифатида таниш. Аммо у инсондаги нутқ, тил масалаларига ҳам алоҳида эътибор берган. У: *“Оллоҳнинг инсонларга инъом этган бахтларидан бири инсон нутқидир. Инсон ўзининг ана шу нутқдаги товуш-оҳанглари орқали ўз хиссиётларини изҳор этади”*, деб айтади. Унинг айтишича, нотиклик санъатида овознинг баланд-пастлиги ҳам, уларнинг бир-биридан фарқ қилиши ҳам ўзига хос маънога эга. Инсонларнинг овозлари ҳам бирор маънони ифодалаб келиши руҳига таъсир этиши мумкин.

Нотиклик санъатининг ривожига буюк мутафаккир **Алишер Навоий** алоҳида ҳисса қўшган. У нотиклик санъатини ўз даврида юксак даражага кўтарибгина қолмай, нутқ маданияти назарияси билан ҳам жиддий шуғулланган: У *“Маҳбуб-ул қулуб”* асарининг 24-бобини воизликка бағишлаган. *“Муҳокамат-ул лугатайн”* ва *“Мажолис-ун нафоис”* асарлари эса бевосита тил ва нутқ, нотиклик ҳақида назарий муаммоларини ҳал қилишга бағишлаган.

Шундай қилиб, қадим машҳур нотикларнинг тажрибасини ўрганаётганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. Нотиклик санъати ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида намоён бўлади.

2. Нотикликнинг ижтимоий-сиёсий, судга оид, академик ёки илмий, дипломатик, ҳарбий, маросим ва урф-одатларга оид турлари мавжуд.

3. Нотиклик ижтимоий-тарихий ходисадир.

4. Ҳар бир давр ўз нотиғини минбарга чиқаради, ҳар бир нотик давр билан боғлиқ ҳолда етишиб чиқади.

5. Нотиклик санъатида умумий қонуниятлар ҳам намоён бўлади.

Нотик аудитория билан мустаҳкам алоқада бўлганда, унинг нутқи халқнинг ўйлари ва ишларини ифода этгандагина муваффақиятга эриша олади. Нотикнинг нутқи субъектив фазилатлари билангина эмас, балки нутқ сўзлаётган объектив шарт-шароитлари билан ҳам белгиланади. Маданий савия,

масалани чуқур билиш ва нутқ сўзлаш малакалари нотикнинг муваффақиятларини белгилайди.

Умуман, нотиклик санъати тарихини, йирик нотиклар иш услубини, тажрибасини ўрганиш нотикларга тақлид қилиш эмас, балки ҳар бир ўрганувчи, бошловчи нотик учун ўз нутқий услуби, ўз нотиклик санъатига йўл очади.

Калит сўзлар: *шарқ нотиклиги, кўзғолончилар нутқи, султониёт, ғарибона, диний нотиклик, жиҳодия, нутқ мақсади, шарқ нотиклари, шарқда диний нотиклик.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Воиз ва воизлик нима?
2. Султониёт, жиҳодия ва ғарибона нутқ деганда нимани тушунасиз?
3. Қадим нутқ турларини кўрсатинг.
4. Шарқ нотиклик санъати ҳақида нималарни биласиз?
5. Қадим машҳур нотикларнинг тажрибаси нималардан иборат?

Адабиётлар рўйхати

1. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Фан, 1971.
2. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. – Т., 1984. 17-б.
3. Кайковус. Қобуснома. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: Ўқитувчи, 2006.
4. Сиддик Мўмин. Сўзлашиш санъати. – Фарғона: 1997.27-б.
5. Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. – Т., 1982. 7-б.

1. **Замонавий умумий риториканинг қонунлари.**
2. **Умумий ва хусусий риторика.**
3. **Нутқ тузиш ва ижро этиш санъати.**

Биз риторикага муҳтожмизми? Ўз замони ва маконида айтилган сўзнинг аҳамияти нечоғлик катта эканлигини биласизми? Ким ҳам ақлли, чиройли, ўринли ҳамда мазмунли гапиришни хохламайди, дейсиз? Бу мавзу азал-азалдан долзарб бўлиб келган. Нима дейиш керак? Қандай айтиш лозим? Қай шаклда? Қай тарзда? Тил “душман”га айланмай, аксинча, одам келтириши учун нима қилмоқ зарур? Ушбу саволлар ҳар биримизни қизиқтириши табиий.

Ҳар қандай халқларнинг онгида нутқ биринчи ўринда туради. Инсон турмуш тарзини тилсиз тасаввур этиб бўлмайди, агар нутқ муваффақиятли бўлмаса, бажарилаётган иш ҳам самара бермайди.

Нутқ маданиятини ўринли сўзлаш, тил қонуниятларини эгаллаш биз ўйлаганчалик осон эмас. Тил инсонлараро алоқа воситаси бўлса, сўз (курук гап эмас) эса ишнинг асоси. Меҳнат жамоачида кечар экан, муносабатлар яхши сўз ва муомала орқали шаклланади. Мулойимлилик асосидагина оила мустаҳкамлигига эришилади.

Ривожланган жамият ҳам ёмон сўз ва муносабатсиз мавжуд бўла олмайди. Шундай экан, дунё сўз билан бошқарилади, лекин сўз замирида фикр асосидаги меҳнат ётади.

Маъноли гапириш, ақлли суҳбатдош суҳбатидан баҳраманд бўлиши, ўз фикрини аниқ баён этишини ким ҳам хохламайди, дейсиз. Ҳукумат ишларида фаолият юритаётган сиёсатчи ўз фуқароларини сўз орқали ғоясига сингдиради. Инсонлар кўнгли ва онгини забт этмоқчи бўлган дипломат, ҳуқуқшунос, ўқитувчи ва дин вакиллари ҳамшу вазифа билан овора. Деярли ҳар бир касб нуткий фаолиятсиз мавжуд бўла олмайди.

“Сўз меҳрибон, ёвуз камситувчи ва даволовчи бўлади”. Л.Н.Толстойнинг айтишича, *шундай сўз излангки, у инсонларни бирлаштиради.*

Яхши ва ўринли нутқ қандай бўлиши зарур? Замонавий муомала нимага муҳтож? Маъноли гапиришга ўрганиш мумкинми? Ана шу каби саволларга риторикада жавоб топамиз.

Риторика чегаралари.

“Инсонларни ишонтириш учун керакли воситаларни топиш билан риторикани аниқлаймиз” (Арасту). Ҳар қандай одам сўзлаш қобилиятини шакллантиради. Шу тариқа у риторика санъатига хизмат қилади ва ўз фикрини исботлашни ўрганади.

“Ўзгаларни оғдириш учун чиройли гап керак”, – дейди Ломоносов. Цицероннинг фикрича, қалам сўз бойлигини оширишда энг яхши восита. Риторикада нафақат таъсирли нутқ ўрганилади, балки ҳис-туйғу ва фикрни тўғри ифодадай олиш масалалари кўриб чиқилади.

“Риториканинг предмети – нутқ. Фикрни юзага чиқаришда оғзаки, ёзма нутқдан фойдаланилади” (К.П.Зеленецкий). Гапириш ва ёзишни ўз ичига оладиган фаннинг камраб оладиган масалалари кўп. Нутқни ўргатиш, мулоҳаза қилиш риториканинг қуроллари саналади.

XX асрда риторика фани янги йўналишлар билан бойитилди, қадимий фикрлардан унумли фойдаланилди. Аммо сўнгги вақтларда бу фан танқидга учраб, деярли унутилди.

Тил ва риторика икки хил муносабат. Тилни мақташ ёки ёмонлаш мумкин. *“Тил – бизнинг душманимиз”, “Тилингни тий”, “Яхши сўз билан илон инидан чиқар, ёмон сўз билан тичоқ қинидан”* каби мақоллар шулар жумласидандир. Бу ўринда тилнинг амалиётдаги аҳамиятига кўпроқ урғу берилади.

Риторикада тил ва нутқ предмет саналганлиги боис унга икки хил муносабатда бўлинади. *“Газета риторикаси”, “Ёлғон риторика”*.

Риторикага бундай баҳо бериш билан унинг мавқеини тушириш ҳеч гап эмас. Жамият ўзгарган сари унинг аҳамияти ҳам ўзгара бошлайди. Аввалги ғоялар кейинчалик бошқа фикрларга чалкашиб кетди ва натижада риториканинг мавқеи тушди. XX асрнинг бошида риторика, гўёки ёлғон гапирувчи нотикларнинг қуроли деган фикр пайдо бўлди. Лекин олимлар бир пайтлар унутилган яхши фанни яна қайтаришга муваффақ бўлишди. Натижада қайта ишланган аъзони яна ўргана бошлашди. Энди янги риторик ўз ичига муомала маданияти, нотиклик санъати, илмий наср, оммавий ахборот воситалари тилини камраб олди.

Умумий ва хусусий риторика. Риторика умумий ва хусусийга бўлинди.

Умумий риторика анъаналарини Цицерон ва Квинтилианлар ўрганиб, уни **канонларга** ажратишди:

1. Кашфиёт (лот. **Inventio** – нима дейиш?).
2. Жойлашиш (лот. **Dispositio** – қаерда айтиш?).
3. Ифодалаш (лот. **Elocutio** – қай тарзда сўзлаш?).
4. Хотира (лот. **memoria**).

Ушбу бўлимларнинг ҳар бири нутқ жараёнига тайёргарликни назарда туттади.

1. Кашфиёт – фикр туғилиши, нутқ мазмунини ўз ичига олади. Келажакда нутқни ифодалашва исботлаш учун айнан кашф қилиш муҳим. Бунда нотик турли ғояларни нутқ орқали баён қилади. Исбот қилиш воситалари ва нуткий ёйиқлик турли мисоллар орқали юзага чиқади. Кашф қилиш дейилганда нутқнинг вазиятига мутаносиблиги тушунилади. Қоидага кўра, нутқ мазмуни янгилик, оригиналлик шахсий кашфиётларни талаб қилади. Сўзлаётган инсон эса қобилиятли бўлмоғи лозим.

2. Жойлашиш (*dispositio*) – қонуниятлар ҳақидаги бўлим. Унда нутқ қурилиши ўрганилади.

Кашф қилинган гапни маълум вазиятда жойлаштириш керак бўлади. Классик риторика нутқ кўрилишининг 4-8 турини камраб олади ва

асосийларини (масалан, кириш, исбот, инкор, хулоса) олдинга суриб, иккинчи даражалиларини кейинга қолдиради.

“*Жойлаштириш*” атамаси нутқий фикрни сўз тартиби бўйича ўринлатади, дейиш мумкин. Бунда нутқ услуби, феъл-атвори назарда тутилади.

3. Ифодалаш– (elocutio) нутқни сўзлар билан безатиш бўлими саналади. Безатишда керакли сўзлар ишлатилади. Н.Ф.Кошанский фикрича, қуйидаги вазифалар ифодани шакллантиради: “*бўгинларни жойлаштириш*”, “*нутқни барча бойитиш усулларини кўриб чиқиш*”.

Нутқий вазиятни ифодалаш, турли воситалар билан бойитиш матн кўрилишида мураккаб вазифалардан ҳисобланади. Уларни амалга оширмасдан ифодалаш ва ишончли нутқни кўриб бўлмайди.

Қандай айтиш керак? Бу савол нутқ услубига ҳам тегишли.

Ҳар қандай тилнинг луғати ранглар жилосидек ранг-баранг. Нотик ана шу ранглар ёрдамида ўз услубини яратиши муҳим. Бунда Арасту маслаҳати қўл келади: “*Маишхур хазинанинг қўриқчиси бўлиш*”, яъни ҳамма ишлатадиган сўзлардан фойдаланмай теша тегмаган гаплари билан нутқни бойитиш назарда тутилган. Лекин чегарадан чиқиб кетмасликни унутмаслик лозим.

4. Хотира. Ёзилган нутқни оммага етказиш учун уни эслаб қолиш керак. Шахсий услублардан ташқари нутқ тайёрлашнинг умумий қоидалари мавжуд. Хотира масаласи уй шароитида нутқ материали устида ишлашдир.

Нотик қанча кўп тайёрланса, шунча *хотираси* мустаҳкамланади. У турли усуллардан фойдаланиши мумкин:

1. Матнни қайтариш орқали нутқни ёд олиш.

2. Қайта кўчириш, таҳрир қилиш. Бунда автоматик тарзда нутқ миёда жойлашади.

3. Матнни кўп марта оғзаки ўқиб чиқиш.

4. Нутқни ёзма шаклсиз такрорлаш ёки омма олдида ўқиш.

5. Нутқни диктофонга ёзиб, уни таҳлил қилиш. Хотира фикрлаш, такрорлаш, матнни бир неча марта ўқиш жараёнида пайдо бўлади.

6. Талаффуз ва ҳаракат. Нотик ўз нутқини талаффуз ва мимика ёрдамида ифодалайди. Бу усул нутқни оммага етказишда охирги вазифа саналади. Аудитория нотикнинг ташқи кўринишига бефарқ карамайди. Демосфен талаффуз ва унга мос ҳаракатни нутқ жараёнидаги биринчи белгиси даражасигача чиқаради.

Талаффузда турли омилларга эътибор берилади: *темп, ритм, пауза (тўхтам), интонация, овоз тембри, мантиқий ургу, артикуляция, нафас*.

Баланд овозда гапириш дейилганда, бақариш эмас, балки овоз имкониятларидан унумли фойдаланиш тушунилади. Ўта баланд овоз ва ўта пасти ҳам камчиликдир. Баланд овоз эшитувчиларнинг нутқ маъносини тушунмай қолишига сабаб бўлади. Паст овоз эса аудиториянинг ҳаммасига бирдек етиб бормади. Демак, овоз баландлиги нутққа чакирувчи сифатида хизмат қилмоғи лозим.

Нотикнинг ташқи кўриниши – мимикаси нутқни қабул қилишда катта аҳамиятга эга. Инсон нафақат тили, балки бутун вужуди билан гапиради. Бунда

кўл-оёқлар, тана ҳаракатлари, юздаги ўзгаришлар қатнашади. Маълум маънода нутқ инсон ҳаракати орқали бошланади. Масалан, бола аввалига юриш ва ўтиришни ўрганиб, сўнг аниқ бирикмаларни сўзлайди. Риторика инсон ташқи ҳаракатларини бошқара олса, демак нутқ маданиятини ҳам уддалай олади деган қоида мавжуд.

Арасту кашфиёт этган риторика анъаналари қуйидагича бўлимлардан иборат:

1. Нотиклик тимсоли.
2. Нутқ мазмуни.
3. Нутқ қурилиши.
4. Нутқий ҳиссиётлар.
5. Нутқ услуби (ифода ва баён).

Хусусий риторика. Бунда ҳам бир нотикнинг нутқини алоҳида ўрганиш мумкин. Шу сабабли умумлашма тарзда кўриб чиқилади. Яхши ёзилган матнлар олиниб, намуна сифатида кўрсатилади.

Қадимий риторика монолог сифатидаги нутқлар билан шуғулланган.

Қадимда хусусий риторика нутқни қуйидагича турларга бўлиб ўрганган:

1. Сиёсий нутқ.
2. Ҳарбий нутқ.
3. Диний нутқ.
4. Суд нутқи.
5. Табрик нутқи.

XIX асрга келиб, рус риторик олимлари хусусий риторика нутқ турларини кенгайтиришди.

Москва университети профессори А.Ф.Мерзляков ўзининг қисқа риторик китобида ушбу турларни кўрсатади:

1. Хатлар.
2. Сухбатлар.
3. Илмий нутқ.

Яна бир рус олими Н.Ф.Кошанский эса шахсий риторикани 6 бўлимга ажратди:

1. Сўзга чечанлик.
2. Хатлар.
3. Сухбатлар (файласуфона, драмматик ва ҳоказо).
4. Ифода.
5. Нотиклик.
6. Олимлар нутқи.

XIX асрнинг иккинчи ярмида бу қаторга халқ оғзаки ижоди қўшилди.

Бугунга келиб, замонавий шахсий риторика шаклланди:

1. Оғзаки нутқ:

а) ёзувчига бўлган нутқ;

б) риторик нутқ, яъни ёзма шаклга эга бўлган оғзаки матнлар (сиёсий, илмий);

в) репродуктив, яъни ёзма нутқни оғзаки тарзда кўчириш.

2. Ёзма нутқ (хат, ҳужжат, баёнлар).
3. Босма нутқ (илмий, бадиий адабиёт).
4. Оммавий коммуникация (радио, телевидение, кино, газета, реклама нутқи) ва информатика.

Илм-техника ривожланган сари бу қаторқуйидагича жой олган:

1. Оммани бирлаштирадиган оғзаки нутқ.
2. Илм-фан ва маданият, санъатга хизмат қиладиган ёзма нутқ.
3. Илмий, бадиий журнал, адабиётларда ишлатиладиган босма нутқ.

Замонавий нутқ ривожланишининг барча қирраларини камраб олиши лозим. Ҳар бир одам ўз соҳаси бўйича ихтисослашади, албатта, лекин тил қонуниятлари жамият учун хизмат қилгани сабабли, нутқнинг барча турларини ўрганишга мажбур.

Замонавий хусусий риторика турлари

1.	Ижтимоий-сиёсий нотиклик	-ижтимоий-сиёсий нутқ -ҳисобот нутқи (конференция, мажлисларда) -сиёсий нутқ -шарҳлар (халқаро обзор) -митинг нутқи -ташвиқот нутқи
2.	Академик нотиклик	-илмий нутқ -илмий ахборот -олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги маърузалар
3.	Суд нотиклиги	-прокурорлик ёки айблов нутқи -адвокатлик ёки ҳимоя нутқи -айбланувчининг ҳимоя нутқи
4.	Ижтимоий-маиший нотиклик	-тантаналардаги нутқ -ўртакашлар нутқи -сахна нутқи -телерадио журналистлар нутқи
5.	Диний нотиклик	-жума намозида имом ваъзхонлиги -амри маъруфда имом ваъзхонлиги

Нотикликнинг биринчи катта туркумига ижтимоий-сиёсий нотиклик киради. Унда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий-ахлоқий каби мавзулар ҳамда фан-техника тараққиёти билан боғлиқ масалалар акс эттирилиши мумкин. Бундай чиқишлар тингловчиларнинг муайян хабардорлик даражасига мўлжалланган бўлиб, катта ҳажмдаги информация маълумотни акс эттиради. Мақсадига кўра, ижтимоий-сиёсий нотиклик жамият ҳаётининг муайян соҳаларида йиғилиб қолган масалаларнинг амалий ечимига қаратилган бўлиб, тавсия берувчи хусусиятга эга. Шунингдек, бундай

нутқларнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири у танқидга учраши, янги фикр-мулоҳазалар билан тўлдирилиши мумкин.

Ижтимоий-сиёсий нотиклик – *сиёсий* ва *ҳисобот нутқлари*, *шарҳлар*, *митинглар* ҳамда *тарғибот нутқлари* каби турларга бўлинади.

Сиёсий нутқ – асосан, раҳбарлар томонидан қилинади ва шунинг учун ҳам дастуриламал хусусиятига эга бўлиб, бундай нутқларда даврнинг долзарб масалалари, бой фактик материаллар акс эттирилади.

Ҳисобот нутқи – бундай нутқлар нафақат муҳокама қилинади, балки маъқулланиши ёки уларга айрим ўзгартишлар киритилиши ҳам мумкин. Шунингдек, қилинган нутқ бўйича, албатта, қарор (ҳаракат учун дастур) қабул қилинади.

Шарҳ (обзор) – нотикликнинг бу турида муайян вақт оралиғида давлат ва жамият ҳаёти учун қатта аҳамият касб этган турли воқеа ва ҳодисалар шарҳи берилади.

Ташвиқот нутқи – йўналтирувчи ва тушунтирувчи табиатга эга бўлиб, тингловчилар ҳис-туйғуларига таъсир қилишга қаратилади. Тажрибали нотик таъсир этишнинг таққослаш, эсда қолувчи образларни келтириш каби турли усул ва воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда оммани, бир гуруҳ кишиларни аниқ ҳаракатларга йўналтиради.

Академик нотиклик – олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, илмий анжуманларда ўқиладиган маъруза (ахборот)лар бўлиб, ўзида мақсадга йўналтирилганлик, билиш, дунёқараш, тарбия каби функцияларни мужассамлантиради.

Академик нутқ муайян аудиторияда ўқишга мўлжалланган бўлиб, белгиланган мавзуй режага кўра, даврий, эпизодик ёки бир маротабалик маърузаларда акс эттирилади.

Академик нотиклик аудитория таркибига кўра, ўқув муассасасида ўқиладиган маъруза, илмий конференциялардаги илмий нутқ, илмий кенгашлардаги илмий ахборот каби турларга бўлинади.

Маъруза – академик нутқ турларидан бўлиб, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида курс ёки цикл бўйича ўқилади. Бундай маъруза ўқув муассасасининг ихтисослиги, фаннинг табиати каби муҳим хусусиятларни ўзида акс эттирган бўлиши лозим.

Илмий нутқ – академик нотикликнинг иккинчи бир тури бўлиб, у илмий конференция, симпозиум, семинар, халқаро конгрессларда ўқилади. Маърузадан фарқли равишда илмий нутқда ўтказилган экспериментлар, социологик ва бошқа тадқиқотлар натижаларининг умумлашмалари эълон қилинади.

Илмий нутқ алоҳида олинган мавзу, қашф қилинган илмий янгилик ёки маълум ҳақиқатларга принципиал янгича ёндашувни ифодалашга бағишланган бўлиб, ўзининг қатъий асосланганлиги ва исботланганлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари илмий нутқ, фараз (гипотеза) сифатида эълон қилиниши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда илмий нутқ янги изланишлар учун

мавзулар очиб беради ва турли мулохазалар, кескин баҳс-тортишувларга сабаб бўлади.

Илмий ахборот – илмий анжуманларда муайян соҳа учун муҳим янгиликни эълон қилишдир. Илмий нутқдан фарқли равишда унда тадқиқот натижалари батафсил таҳлил қилинмайди, аксинча, ахборот қисқа ва лўнда бўлади.

Суд нотиклиги – нотикликнинг қадимий турларидан бўлиб, ҳозирги кунда *прокурор, адвокат нутқи* ва *судланувчининг ўз ҳимояси учун айтган нутқи* каби турлари мавжуд.

Прокурор ва адвокат нутқи – содир этилган жиноятга маълум бир ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлар асосида баҳо бериш бўлиб, унда прокурор – айбловчи, адвокат – оқловчи сифатида намоён бўлади.

Бу жараёнда жамоатчилик фикри муҳим бўлиб, ишни ютиб чиқиш айнан шу жамоатчилик фикрини яратишда кимнинг қўли (прокурор ёки адвокат) баланд келишига, яъни келтирилган далилларнинг ишонарлилиги, мавжуд ижтимоий-ҳуқуқий нормаларни тўғри ақс эттира олиш даражасига боғлиқдир.

Ижтимоий-маиший нотиклик турли юбилей тантаналаридаги нутқ, ўтиришлардаги қадаҳлар, тўйлардаги сухандон (ўртакашлик) ҳамда асосан, бошқа халқлар (рус миллати ва бошқ.)да урф бўлган марсиялардир.

Бундан ташқари нотикликнинг алоҳида тури сифатида сахна нотиклиги, телерадио журналистлари нотиклиги, жума намози ва амри маъруфларда имом томонидан қилинадиган ваъзхонлик кабилар ҳам ажратилади. Шунингдек, нотикликни таснифлаш монологик ва диалогик шаклларга ҳам бўлинади.

Нотикликнинг зарур қоидаларидан бири кўзланган мақсадга кўра нимаики айтиш жоиз бўлса, барчасини айтиш ва кераксиз нарсани зинҳор айтмасликдир. Маърузанинг мазмунига фақат ишонарли, илмий асосланган қоидаларнигина киритиш лозим.

Яхши тузилган маърузадан йиғилган фактик материаллар, мисоллар, тушунтириш, исботлар, тавсиф ва хулосалар марказий ғояга хизмат қилиши, у билан чамбарчас боғланган бўлиши лозим.

Маъруза композициясини ташкил этувчи элементлар қуйидагича ифодаланади:

- мавзунини баён қилиш ва мантиқан изчил асослаш;
- маъруза режасини асосий ва муҳим масалалар доирасида белгилаш;
- материални кириш, асосий қисм ва хулоса тартибида баён қилиш;
- мавзуга оид адабиётларни тавсия қилиш.

Бу, албатта, маърузанинг тавсия этилувчи тузилишидир. Чунки мавзу, аудитория ва бошқа муҳим таъсир этувчи омиллардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир нотикда маърузанинг таркибий тузилиши айрим хусусийлашган шаклларда намоён бўлиши мумкин. Жумладан, айрим нотиклар кириш қисмисиз бирданига асосий қисмни баён қилишга ўтиб кетадилар. Кўп ҳолларда керагидан ортиқ мавзуга кириш билан овора бўлиб қолиш ҳам тингловчиларнинг эътиборини сусайтириши мумкин. Яъни бир тоифа нотиклар

маърузани чиройли афоризмлар ёки қизиқарли тарихий маълумотлар ёхуд тингловчиларга яқин бўлган турмуш масалалари билан бошлашга ҳаракат қилишади. Кўп ҳолларда нотик маҳоратини биринчи айтган иборасининг ўзи ҳам белгилаб бериши мумкин. Агар нотик биринчи сўзиданок тингловчиларни ўзига жалб қила олса, билинги, муваффақият таъминланган (маҳоратли ўқитувчиларингизни кўз олдингизга келтиринг).

Маърузани баён қилишнинг индуктив ва дедуктив усуллари мавжуд бўлиб, кўпроқ индуктив усулдан фойдаланилади, шунингдек, маърузада оддийдан мураккабга бориш тавсия қилинади.

Нотик фикридаги тартибсизлик, зиддиятли ҳолатлар, бир фикр доирасида айланиб қолиш, мантиқсизлик, хулосаларнинг йўқлиги, аудитория диққатини сусайтиради. Бир фикрдан иккинчисига ўтишда қисқа хулосалар қилиш, мантикий боғлаш тингловчиларга материалларни ўзлаштиришда қулайлик яратади. Бундан ташқари нотик қуйидаги риторик қоидаларни билиши керак:

Камчилик ва хусусиятлар:

1. Нотик одатда фикрни йўқотади.
2. Энг кучли нутқ (адвокатлик).
3. Нотиклик чиқишининг нутқ услубига боғлиқлиги.

Нотиклик санъатида нотикнинг чиқишга тайёргарлик ҳолатлари:

1. Докомутатив – аудитория олдида чиқишга қадар.
2. Коммуникатив – нотикнинг олдида чиқишга қадар.
3. Посткоммутатив – чиқишнинг таҳлили ва унинг камчиликларини эътиборга олиш.

Нотикқа қуйидаги тавсиялар берилди:

1. Энг янги адабиётдан хабардор бўлиши лозим.
2. Ортиқча тушунтиришлардан қочиш.
3. Ўзи билмайдиган мавзунини гапирмаслик.
4. Умумий маънога эга бўлган сўзлардан қочиш.
5. Кўп гапирмаслик.
6. Синтез қилишни, материални умумлаштиришни, асосийсини ажратишни билиш.

Нутқ маданиятини кўтариш замонавий риториканинг муаммоларидан биридир. Риторика асосларини ўрганишнинг яқиний мақсадлари ҳақида гапирадиган бўлсак, талабаларда шахслараро ва иш мулоқоти кўникмаларининг ривожланишини касб фаолиятидаги асосий шартлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Калит сўзлар: *риторика, риторика назарияси, умумий риторика, тантанали нутқ, суд нотиклиги, кундалик нотиклик, нутқ ижроси, коммуникатив, посткоммуникатив, докоммуникатив, замонавий риторика, композиция.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Риторика нима?
2. Умумий риториканинг қанонлари нималардан иборат?

3. Умумий ва хусусий риторика деганда нимани тушунасиз?
4. Нутқ тузиш ва ижро этиш санъати нима ва у кандай амалга оширилади?

Адабиётлар рўйхати

1. Катышев П.А. Дисциплинарная схема современной риторики. //Под ред. П.А.Катышева. – Кемерово: Кузбассвузиздат, 2006. С. 33-37.
2. Медведева С.Ю. Риторика и риторическая критика. //Неориторика: генезис, проблемы, перспективы. – М.: ИНИОН, 1987. С. 91-113.
3. Минеева С.А. Риторика диалога: теоретические основания и модели. – Пермь : ЗУУНЦ, 2007.
4. Михальская А.К. Педагогическая риторика: история и теория: учеб. пособие для студентов пед. ун-тов и ин-тов. – М.: Академия, 1998.
5. Поспелов Г.Н. Вопросы методологии и поэтики: сб. ст. – М.: МГУ, 1983.
6. Смолененкова В.В. Риторическая критика как филологический анализ публичной аргументации: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2005.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ислам Каримов. Национальная программа по подготовке кадров: влияние на развитие общества. – Т.: Университет, 1999. -103 с.
2. Ислам Каримов. Мечта о духовно развитом поколении. – Т.: Узбекистан, 1999. -181 с.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрларни тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонуни. – Т., 1997.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни. //Ўзбекистоннинг янги қонунлари: Тўплам. –Т., 1996. 20-30-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг қарори. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг қарори иловаси. 2014 йил 19 февраль. № ПП-2133.
6. “Ўзбекистон Республикаси давлат тили тўғрисида”ги қонун.– Т.: Правда Востока. 1989 йил 22 октябрь қабул қилинган.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 87-бет.
8. Авесто. Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. 56-57-бет.
9. Абу Райхон Беруний. Ҳикматлар. – Т.: Ёш гвардия, 1973. 34-бет.
10. Алишер Навоий. Маҳбуб-ул қулуб. – Т., 1983. 72-бет.
11. Аҳмад Югнакий. Ҳибатулҳақойиқ. –Т., 1971. 78-бет.
12. Аристотель. Поэтика. Риторика. – М.: Азбука-классика, 2007.
13. Бабаходжаева М.Х. О функционировании лексических заимствований русского происхождения в речи узбеков. //Материалы 3-й межвузовской научно-исследовательской конференции. – М., 1992, часть 1. С 5.
14. Бабаходжаева М.Х. Семантика речевых формул узбекского приветствия в русской интерпретации. // Материалы 3-й Межвузовской научно-исследовательской конференции. Часть 1. С. 5-6.
15. Байбурун А.К. Ритуал в системе знаковых средств культуры. //Этноязыковые функции культуры. – М., 1981. С. 25-30.
16. Бегматов Э. Нутқ маданияти ва адабий меъёр. Лекторга ёрдам. – Т.: Ўзбекистон, 1973.
17. Бегматов Э ва бошқ. Адабий меъёр ва нутқ маданияти. – Т.: Фан, 1983.
18. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. ЎзР Фанлар Академияси Тилшунослик институти. 1-қисм. – Т.: Навруз, 1997. 92-б.
19. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. ЎзР Фанлар Академияси Тилшунослик институти. 2-қисм. – Т.: Навруз, 1998. 132-б.
20. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. ЎзР Фанлар Академияси Тилшунослик институти. 3-қисм. – Т.: Навруз, 2000. 137-б.
21. Бегматов Э., Турсунпўлатов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1991. 9-13, 70-75-б.
22. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: Фан, 1985. -200 б.
23. Бердиалиев А. Сўз ва атамалар ҳосил қилишнинг баъзи назарий масалаларига доир. //“Давлат тили ҳақида”ги қонунни амалга оширишинг

долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тезислари. – Навоий, 1993. 23-бет.

24. Вопросы культуры речи. Сб. ст. Отв. ред. В.Г. Костомаров. Вып. 8. – М.: Наука, 1967. -271 с.

25. Гимпельсон Е.Г., Анисимова Т.В. Современная деловая риторика.– Воронеж: Модек, 2003.

26. Гольдин В.Е. Речь и этикет. – М.: Просвещение, 1983. -109 с.

27. Головин Б.Н. Основы культуры речи. – М., 1988. С. 19-20.

28. Горбачевич К.С. Изменение норм русского литературного языка.– Л., 1971. С. 270.

29. Дэйли К., Дэйли-Каравелла Л. Научись говорить: твой путь к успеху.– СПб., 2004.

30. Жуманиёзов Р. Нуткий маҳорат.– Т.: Адолат, 2005. 75-бет.

31. Исламов Ў.Ҳ. Алишер Навоий асарларида нутқ маданияти талқини. Фил.фан.н.дисс. – Т., 2002.

32. Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари . – Т., 1982. 7-бет.

33. Ицкович В.А. Языковые нормы. //Общее языкознание. – М., 1970. С. 565.

34. Казакбаева С.И. Формирование национально-культурного уровня коммуникативной компетенции у студентов-узбеков факультетов русской филологии (на материале речевого этикета). Дисс. к-та пед. наук. – Т., 2000. С. 95-99.

35. Казарцева О.М. Культура речевого общения: теория и практика обучения: учебное пособие.- 4-е изд.– М.: Флинта: Наука, 2001. -223 с.

36. Камалова М.Н. Обучение речевому этикету узбекского языка русскоязычных учащихся академических лицеев. Автор. дисс. канд. п.н. – Т., 2006. -205 с.

37. Клюев Е.В. Риторика: учебное пособие для вузов. – М., 2005.

38. Кошанский Н.Ф. Общая риторика. Изд. 3-е. – СПб., 1834.

39. Кузнецов И.Н. Современная деловая риторика. – М.: Гросс-Медиа, 2007.

40. Маҳмуд Кошғарий. Девони луғатит-турк. I том. – Т.: ЎзФАнашриёти, 1960.-335 бет.

41. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. 8-бет.

42. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993.

43. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Т.: EXTREMUM PRESS, 2010.134-бет.

44. Рождественский Ю.В. Теория риторики. – М.:Флинта: Наука, 2006.

45. Сиддик Мўмин. Сўзлашиш санъати.– Фарғона: 1997. 27-бет.

46. Сопер П.А. Основы искусства речи. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1992.

47. Стернин И.А. Практическая риторика. – М.: Издательский центр Академия, 1993.

48. Тешабаева Д.М. Речевой этикет делового письма. Автор... дисс... кан.ф.н. –Т., 2000. -27с.

49. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти. Монография . – Т., 2012. 220-б.
50. Тожиев Ё., Ҳасанова Н., Тожматов Ҳ. Ўзбек нутқ маданияти ва услубият асослари.– Т., 1994.
51. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996.-176 б.
52. Тўракулов Ё. Термин танлаш вазифаси кимга тегишли? //Халқ сўзи, 1998 йил 14 ноябрь.
53. Усмонов О. Тил маданиятининг муҳим масалалари. //Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1974, №4.
54. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1993. -160 б.
55. Усмонова Ў. Талаффуз нормаларини белгилаш масаласига доир. //Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1975. -№6. 42-46-б.
56. Фишер И.С. Особенности устных выступлений носителей элитарной речевой культуры. //Вопросы стилистики: Проблемы культуры речи. -Вып. 25. –Саратов: Изд-во Сарат. ун-та, 1993. С. 151-161.
57. Формановская Н.И., Акишина А.А. Русский этикет в лексикографическом аспекте. //Словари и лингвострановедение. – М.: Русский язык, 1982. -182 с.
58. Формановская Н.И. Об обиходно-деловой сфере общения. //Культурно-речевая ситуация в современной России: Вопросы теории и образовательных технологий. – Екатеринбург, 2000. С. 101.
59. Цицерон. Эстетика: трактаты, речи, письма. – М.: Искусство, 1994.
60. Шейнов В.П. Искусство убеждать. – М.: Приор, 2001.
61. Щерба Л.В. Современный русский литературный язык. //Избранные работы по русскому языку. – М.: Учпедгиз, 1957. С. 110.
62. Эркин Воҳидов. Она тилим. //Халқ сўзи, 2003 йил 21 октябрь.
63. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Фан, 1971.
64. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиқлик маҳорати.– Т., 1984. 17-б.
65. Кайковус. Қобуснома. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: Ўқитувчи, 2006.
66. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Е. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992. -160 б.

Интернет ресурслари

1. http://ru.wikipedia.org/wiki/Культура_речи
2. evartist.narod.ru/text12/15.htm
3. evartist.narod.ru/text12/15.htm
4. <http://evartist.narod.ru/text12/03.htm>
5. http://www.textfighter.org/text12/13_informatsii_kulturyi_budem_1.php
6. http://www.textfighter.org/text12/13_informatsii_kulturyi_budem_1.php
7. revolution.allbest.ru/journalism
8. www.classes.ru/grammar/120.Maslov/html/topic_37.html
9. www.nauka-shop.com

Дилфуза Муминовна Тешабаева,
Малика Низамовна Камалова

Нутқ маданияти

Дарслик

“IQTISODIYOT” – 2018.

*Муҳаррир
Мирҳидоятова Д.М.*

*Мусаҳҳиҳ
Ходжаев И.*

Лицензия АІ № 240 04.07.2013 й. Теришга берилди 05.02.2018. Босишга рухсат этилди 20.02.2018. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Times гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози. Шартли босма табағи 7,2. Ҳисоб нашр варағи 6,9. Адади 110 нусха. 008-сонли буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда

“IQTISODIYOT” нашриёти ДУКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.
100003. Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй.

81.2-5 Нутқ маданияти. Дарслик.
/Тешабаева Д.М., Камалова М.Н.
– Т.: IQTISODIYOT, 2018. -114 б.

1. Тешабаева Д.М.,
2. Камалова М.Н.

ISBN: 978-9943-986-99-2

УЎК: 81'271
КБК: 81.2-5